

Ал Ваъд



478

2026 МАЙ

ЗУЛ-ҚАЪДА 1447

НАШРНИ ҚИРҚИНЧИ ЙИЛИ

КЕНГ ҚАМРОВЛИ, ҒОЯВИЙ, МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Ваъд тинбори

ИККИ ГИГАНТ ТЎҚНАШУВИ ДУНЁ НИЗОМИ ҚАЙТА ТАҚСИМЛАНЯШТИМИ?

Муҳандис Висом Ал-Атраш

ПЕШВО УММАТ ВА ҚАРАМ ҲУКМДОРЛАР

Сўнги сўз

ГРАМШ АМЕРИКАСИ: ИМПЕРИЯ ҚАБРИНИ ҚАЗИГАН МАЪНАВИЙ ЧИРИШ

Муножият Муҳаммад

ИЛОННИ БОШИНИ ЯНЧИНГ!

Мусъаб Умайр

ҚАЛБ ҚЎРИ ЎҒИРЛАНГАН АСР

Муҳаммад Абдуллоҳ Кашмир

ХАЛИФАЛИК ДАЪВАТИ БАРЧА АВЛОД БУРЧИ

Абдуллоҳ ибн Осиф

ҚУЮҚЛАШГАН ЗУЛМАТ ТОНГДАН МУЖДА

Умми Билол

КИТОБ, МЕЗОН ВА СОАТ

Халифа Муҳаммад





МУНДАРИЖА

ИККИ ГИГАНТ ТЎҚНАШУВИ: ДУНЁ НИЗОМИ ҚАЙТА ТАҚСИМЛАНЯПТИМИ?	3
ТРАМП АМЕРИКАСИ: ИМПЕРИЯ ҚАБРИНИ ҚАЗИЁТГАН «МАЪНАВИЙ ЧИРИШ»	12
ИЛОННИ БОШИНИ ЯНЧИНГ!	20
ҚУЮҚЛАШГАН ЗУЛМАТ — ТОНГДАН МУЖДА!	29
ҚАЛБ ҚЎРИ ЎҒИРЛАНГАН ХИЁНАТ АСРИ	33
САҲОБАЛАР ҲАВАС ҚИЛГАН ЗУЛ-БИЖОДАЙН	38
КИТОБ, МЕЗОН ВА ҚИЁМАТ	40
ОЛАМДАГИ МУСУЛМОНЛАР ХАБАРЛАРИ	44
Ўзбекистондаги «сиёсий экстремизм» истилоҳи	44
«ЙИЛДИРИМХОН» — Туркиянинг илк гипертовушли қитъалараро ракетаси	45
Ҳамидтий Судандаги урушни 2040 йилгача давом эттиришга тайёр	46
Дамашқда баскетбол ўйинининг очилишида ахлоқсиз иборалар аралашган мусиқа ва Америка билан шерикликни танқид қилганларни ҳибсга олиш!	47
Ливандаги «Олий Исломий Шаръий Кенгаш» сионистик вужуд билан музокарани қўллаб-қувватлади!	48
ЗУЛ-ҲИЖЖАНИНГ ЎН КУНИ ВА АҚАБА БАЙЪАТИ	50
ХАЛИФАЛИК ДАЪВАТИ — БАРЧА АВЛОД БУРЧИ	54
ПЕШВО УММАТ ВА ҚАРАМ ҲУКМДОРЛАР	57
ЯҲУД ЯДРОСИ - АМЕРИКА ХАВОТИРИМИ?	58

ИККИ ГИГАНТ ТЎҚНАШУВИ: ДУНЁ НИЗОМИ ҚАЙТА ТАҚСИМЛАНЯПТИМИ?

Мухандис Висом Ал-Атраш

Ўтган асрнинг 90-йилларида Совет Иттифоқи парчаланиб, «якка кутблилик» даври бошлангач, АҚШ Ғарб блоки етакчиси сифатида Россияни жиловлаш стратегиясини юритди. Вашингтон Москвани ҳатто минтақавий таъсир доирасидан ҳам маҳрум қилиб, уни ихоталаб қўйишга интилди. Шу мақсадда Россиянинг ядровий арсенали ва қитъалараро баллистик ракеталари салоҳиятини кескин камайтиришга ҳаракат қилинди. Россия атрофида сунъий равишда юзага келтирилган беқарорликлар эса охир-оқибат Кремлни Украинага кенг қўламли бостириб кириш «тузоғи»га улоқтириш билан якунланди.

Иккинчи томондан, Америка Хитойни ҳам тиз чўктиришга ва уни ўз «Буюк девори» ортига қайтаришга ҳаракат қилди. Оқ уй Пекингга фақатгина максимал фойда олиш мумкин бўлган улкан истеъмол бозори ва жиловланиши лозим бўлган «демографик гигант» сифатида қараб келди.

Шунга қарамай, Хитой ўзининг ички салоҳияти ва стратегик устунликлари боис, нафақат БМТ Хавфсизлик Кенгашида вето ҳуқуқига эга бўлган, балки геосиёсий амбициялари тобора юксалиб бораётган минтақавий қудрат марказига айланишга эришди. Бугунги кунда биз Хитойни йирик давлатларга хос бўлган барча мезонларни ўзида мужассам этган ҳақиқий иқтисодий гигант сифатида кўриб турибмиз.

Сўнгги вақтларда Америка империясининг инқирози ҳақидаги баҳслар авж олаётган бир пайтда, Хитой АҚШнинг ўрнини эгаллаб, глобал бошқарувни якка тартибда ўз қўлига ола биладими? Ёки кўплаб экспертлар таъкидлаганидек, биз «кўп кутбли дунё» сари илгариларча пимизми? Совет даврига хос «Совуқ уруш» атамаси бугунги Вашингтон ва Пекин муносабатларининг асл моҳиятини ифодалашга қодирми? Ёхуд божхона тўловлари атрофидаги шов-шувларга қарамай, бу икки куч халқаро низомни янгидан шакллантириш йўлидан бормоқдами?

Юқоридаги саволларга жавоб излашдан аввал бир муҳим жиҳатни таъкидлаш зарур: халқаро тизимдаги трансформацияларни XX асрга хос анъанавий тушунчалар билан тўғри таҳлил қилиб бўлмайди. Хусусан, икки қарама-қарши қутбни мафкуравий «пўлат девор» ва мутлақ иқтисодий тўсиқлар ажратиб турган классик «Совуқ уруш» модели бугунги воқеликни англашда етарли эмас.

Зеро, бугунги манзара ҳукмрон кучнинг бир лаҳзада гумбурлаб қулашини эмас, балки 1991 йилдан кейин ўрнатилган бир қутбли гегемонлик тизимининг аста-секин емирилиб боришини ифодалайди. Дунё ҳозирда қиёфаси ҳали тўлиқ шаклланмаган янги бир тартибот сари илгариламоқда. Бу низомда қудрат марказлари ўзаро тутшиб кетади, таъсир воситалари эса иқтисодиёт, юқори технологиялар, ҳарбий салоҳият ва билвосита (гибрид) урушлар ўртасида тақсимланади. Қуйида ушбу жараённинг батафсил баёнини кўриб чиқамиз.

Мазкур глобал трансформациянинг марказида учта йирик стратегик йўналиш (доира) турибди. Ушбу омиллар Эронни нафақат стратегик тўскинлик қилувчи кучга, балки халқаро зиддиятлар ўқиға айлантирди ҳамда биз илгари кўрмаган янги форматдаги «Совуқ уруш»ни юзага келтирди. Хусусан, «Ақсо тўфони» амалиёти Яқин Шарқ учун кечаётган курашда тарихий бурилиш ясади. У бутун дунё эътиборини Исроилни сўзсиз қўллаб-қувватлаётган «бир қутбли гегемонлик»

воқелигига қаратди. Кетма-кет юз берган ҳодисалар эса ушбу гегемон кучни кўп жабҳали, ҳолдан тойдирувчи урушлар гирдобига ва минтақа «ботқоғи»га ғарқ қилди.

Масалан, 2014 йилда «Қассам бригадалари» ўз тарихидаги энг йирик ҳарбий парадини ўтказганда, илк бор учувчисиз учиш аппаратлари, денгиз десантлари ҳамда янги авлод ракета ва снарядларини намоёни қилган эди. Ўшанда кўпчилик англаб етмаган муҳим сиёсий ишора — ҳаракатнинг расмий вакили Абу Убайданинг Эронга йўллаган миннатдорлик мактуби эди.

Биз тилга олаётган учта стратегик йўналиш қуйидагилардан иборат: Хитой ва Эрон ўртасидаги билвосита қўллаб-қувватлаш тармоғи; Россия ва Эрон ўртасида тобора кучайиб бораётган ҳарбий-техник иттифоқ ҳамда Ғарб стратегик таҳлил марказлари ҳисоботларида ўз аксини топаётган «Америка қудратининг чегаралари».

Хитой ва Эрон: Глобал тизим ичидаги таркибий трансформация

Ушбу контекстда Пекин ва Техрон ўртасидаги алоқалар янги типдаги халқаро муносабатларнинг яққол намунасидир. Бу алоқалар шунчаки тўғридан-тўғри ҳарбий иттифоқ эмас, балки мавжуд жаҳон тартиботидан чиқмаган ҳолда, унинг ичида янги имкониятлар яратувчи «сукутли тизимли шериклик» шаклидир.

Мазкур ҳамкорлик икки давлат ўртасида 2021 йилнинг мартида имзоланган «Кенг қамровли стратегик шериклик битими» билан янада мустаҳкамланди. Иқтисодий ва хавфсизлик соҳаларини қамраб олган ушбу 25 йиллик шартномага кўра, Пекин Эроннинг нефть, газ ва инфратузилма тармоқларига 400 миллиард доллар сармоя киритиш мажбуриятини олди. Бунинг эвазига Эрон Хитойни доимий ва арзонлаштирилган хомашё билан таъминлайди. Бундай келишув АҚШ санкциялари қуршовида қолган Эрон иқтисодиёти учун ўзига хос «нажот йўли» бўлиб хизмат қилмоқда.

Иккинчи томондан, АҚШ Энергетика маълумотлари бошқармаси (EIA) ҳисоботларига кўра, Эрон нефти мураккаб воситачилик тармоқлари ва санкцияларни айланиб ўтиш механизмлари ёрдамида Осиё бозорларига, хусусан, Хитойга узлуксиз етказиб берилмоқда. Ушбу жараён шунчаки оддий савдо алоқаси эмас, балки Ғарбнинг кескин босимларига қарамай, Техронга минимал молиявий барқарорликни сақлаб қолиш имконини берувчи стратегик мувозанат омилидир.

Шу билан бирга, АҚШ Молия вазирлиги микрочиплар, алоқа ускуналари ва навигация тизимлари каби икки мақсадли технологияларни етказиб берувчи яширин тармоқларни фош қилди. Ушбу компонентлар Эроннинг ноанъанавий ҳарбий салоҳиятини, хусусан, дронлар (УУА) ишлаб чиқаришини ривожлантиришда қайта қўлланилмоқда. Бу ерда энг муҳим жиҳат шундаки, мазкур жараён қурол-яроғни тўғридан-тўғри етказиб бериш орқали эмас, балки халқаро ҳуқуқни бузмаган ҳолда технологияларнинг фуқаролик соҳасидан ҳарбий соҳага ўтишини таъминловчи «кулранг» таъминот занжирлари орқали амалга оширилмоқда.

Шунингдек, «New York Times» нашрига маълумот берган АҚШ расмийлари Хитой компаниялари Техронга ҳам фуқаролик, ҳам ҳарбий мақсадларда қўлланилиши мумкин бўлган икки мақсадли материаллар юбораётганини тасдиқладилар. Мутасаддиларнинг фикрича, Пекин Эрон атрофидаги можароларда ўзининг кўп қиррали манфаатларини кўзлаб, муайян бир қатъий позицияни эгаллашдан тийилмоқда ва ўта эҳтиёткорлик сиёсатини юритмоқда.

Технологик жабҳада Хитойнинг «Байдоу» (Beidou) навигация тизими кенгайиб бораётгани глобал қудрат иерархиясидаги илдизли ўзгаришлардан далолат беради. Стратегик ва халқаро

тадқиқотлар маркази (CSIS) хулосаларига кўра, глобал навигация эндиликда фақат бир тизимнинг монополияси эмас. Аксинча, у тўғридан-тўғри ҳарбий тўқнашувларсиз ҳам технологик салоҳиятни қайта тақсимлашга қодир бўлган «кўп кутбли фазо»нинг ажралмас қисмига айланди.

АҚШ разведкасининг «Хитой Эронга Форс кўрфазидаги Америка ҳарбий объектларининг сунъий йўлдош тасвирларини тақдим этмоқда» деган мазмундаги ҳисоботлари қанчалик ҳақиқатга яқин бўлмасин, Пекиннинг ролини шунчаки Эронга ҳарбий кўмак бериш деб баҳолаш хато бўлади. Аслида буни мавжуд халқаро тизимнинг ичида туриб, глобал кучлар мувозанатини аста-секин қайта шакллантириш стратегияси сифатида талқин қилиш жоиз.

Бу жараёнда тижорат мақсадларидаги космик технологияларнинг «икки мақсадли» (ҳам фуқаролик, ҳам ҳарбий) воситага айланиши ва мураккаб минтақавий низолар марказига кириб бориши муҳим роль ўйнамоқда. Бу ҳолат минтақадаги разведка тизими ва тезкор амалиётлар табиатини тубдан ўзгартириб, ҳарбий ҳаракатлар аниқлигини оширмоқда. Эҳтимол, айнан шундай технологик кўмак Эронга «Washington Post» нашри қайд этганидек, уруш бошланганидан буён АҚШнинг ҳарбий объектларидаги 228 дан ортиқ бино ва техникаларини яксон қилиш ёки уларга жиддий шикаст етказиш имконини берган бўлиши мумкин.

Шу тариқа, икки давлат муносабатларидаги изчиллик Эроннинг Хитой стратегиясидаги ўрни билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, Пекин ва Техрон алоқалари «Бир макон, бир йўл» мега-лойиҳасининг асосий устунларидан биридир. Эрон Марказий Осиё ва Яқин Шарқни боғловчи муҳим географик тугун ҳамда энергия ва савдо йўналишларининг ҳаётий артерияси ҳисобланади. Бу воқелик эса, АҚШнинг ўз экспансияси доирасида қўллайдиган «стратегик бўғозларни назорат қилиш» назарияси билан тўғридан-тўғри зиддиятга киришади.

Айнан шу нуқтада асосий парадокс намоён бўлади: Хитой мавжуд инқирозга очик тўқнашув тарафдори эмас, балки жараённи бошқарувчи куч сифатида кириб келди. Пекин кучлар мувозанатини ҳарбий йўл билан ўзгартиришга эмас, балки вазиятга мослашиб, ундан сиёсий манфаатлар йўлида фойдаланишга урғу бермоқда. Бу ҳолат жаҳон тартиботидаги «қудрат фалсафаси»нинг тубдан фарқланишини англатади.

Россия ва Эрон: Сиёсий яқинлашувдан ҳарбий-саноат интеграцияси сари

Агар Хитой глобал таъсир ўтказишда иқтисодий ва технологик рычаглардан фойдаланаётган бўлса, Россия бевосита ҳарбий интеграция орқали куч ишлатиш мантиқини ўзгартиришнинг энг фаол ифодачисига айланди. Украинадаги уруш бошлангач, Москва ва Техрон алоқалари чекланган шериклик доирасидан чиқиб, ҳарбий-саноат интеграциясининг юқори босқичига кўтарилди.

«Reuters» агентлиги ва бошқа нуфузли халқаро нашрлар, шунингдек, Фан ва халқаро хавфсизлик институти (ISIS) маълумотларига кўра, Эроннинг «Шаҳед-136» дронлари Россия армияси арсеналидан мустаҳкам ўрин олди. Кейинчалик Татаристондаги саноат корхоналарида ушбу дронлар «Геран-2» номи билан маҳаллийлаштирилди. Шунчаки қурол етказиб беришдан қўшма ишлаб чиқаришга ўтиш — икки давлат муносабатлари оддий манфаатлар алмашинуvidан жанговар технологияларни ўзаро баҳам кўришдек стратегик даражага кўтарилганидан далолат беради.

Пентагон ҳисоботларида қайд этилишича, нишонга йўналтириш тизимлари ва электрон кураш (РЭК) соҳаларидаги яқин ҳамкорлик икки мамлакат ўртасида шунчаки «олди-сотди» эмас, балки мураккаб ҳарбий билимлар трансфери кетаётганини англатади. Шу тариқа, Россия ва Эрон муносабатлари классик мафкуравий иттифокдан кўра кўпроқ халқаро тизимдаги кучлар мувозанатини ўзгартиришга қаратилган «функционал ҳарбий альянс» характерини касб этмоқда.

Ушбу жараёнлар фонида Владимир Путиннинг 2022 йил 2 февраль куни Пекинга қилган тарихий ташири ва Си Цзиньпин билан кечган музокараларини эслаш ўринлидир. Ўшанда икки давлат Америка гегемонлигига қарши курашда ҳамфикр эканликларини билдириб, дунёни «кўп қутблилик» тамойилига ўтишга чақирган ва халқаро муносабатларда мутлақо янги давр бошланганини эълон қилган эдилар.

Америка ва Хитой: Тизимли заифлашув шароитидаги устунлик учун кураш

Кўп қутбли кудрат марказларининг аста-секин шаклланиши фонида, АҚШ халқаро тизимдаги энг кучли ҳарбий ва технологик давлат мақомини сақлаб қолишга уринмоқда. Бироқ, бу устунлик ўтган асрнинг 90-йилларидагидек мутлақ характерни йўқотган. Америка таъсир доирасининг тораяётгани эса бугунги кунда халқаро кузатувчилар учун яшириб бўлмас ҳақиқатга айланди.

«RAND» тадқиқот корпорациясининг 2022–2024 йиллардаги ҳисоботларида АҚШнинг юқори шиддатли низолаҳдаги ҳарбий мажбуриятлари кўлами билан муҳофаа саноатининг реал ишлаб чиқариш қуввати ўртасида тобора кенгайиб бораётган бўшлиқ мавжудлиги қайд этилди. Бу заифлик, айниқса, замонавий ўқ-дорилар ва узок масофали ракеталар ишлаб чиқаришда яққол кўзга ташланмоқда.

Шунингдек, «RAND» институти дунёнинг «persistent competition below the threshold of war», яъни «уруш бўсағасидан пастроқдаги доимий рақобат» босқичига қадам қўйганини таъкидлайди. Бу ўта муҳим таъриф бўлиб, зиддиятларнинг тўғридан-тўғри ҳарбий тўқнашувсиз (ядровий инқироздан қочган ҳолда) давом этишини англатади. Мазкур ҳолдан тойдирувчи кураш, шубҳасиз, ушбу экзистенциал тўқнашувга киришган томонларнинг, биринчи навбатда, таназзулга юз тутаетган Ғарб цивилизацияси қалқони бўлиб майдонга чиқаетган Американинг кудратини ич-ичидан емиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази (CSIS) хулосаларига кўра, арзон технологиялар ва дронлардан кенг фойдаланишга асосланган замонавий урушларнинг янги табиати Американинг анъанавий, ўта қиммат ва мураккаб ҳарбий устунлик моделига жиддий босим ўтказмоқда. Натижада Вашингтон нафақат жанг майдонида, балки юқори технологиялар, таъминот занжирлари, коинот, сунъий интеллект ва геосиёсий таъсир доираларини қамраб олган кўп қатламли глобал рақобат исканжасида қолмоқда.

Брукингс институти таҳлилчиларига кўра, Америка дуч келаетган чақириқлар шунчаки ҳарбий хусусиятга эга эмас. Бу — кўплаб глобал мажбуриятларни бир вақтнинг ўзида бажариш билан боғлиқ тизимли муаммодир. Ушбу инқироз Хитой билан рақобат кескинлашган ва Россиянинг Украина «ботқоғи»даги Ғарбнинг ҳолдан тойдирувчи уринишларига қарамай, қайтадан фаол ҳарбий куч сифатида майдонга чиқиши фонида яққол намоён бўлмоқда.

Халқаро стратегик тадқиқотлар институти (IISS) эса Американинг ҳарбий ва сиёсий устунлиги ҳамон сақланиб қолаётганини, бироқ бу энди барқарор гегемонликни таъминлаш учун етарли эмаслигини таъкидлайди. Бугунги кунда АҚШнинг мавқеи — стратегик кучларнинг дунё бўйлаб ҳаддан ташқари сочилиб кетганини назорат қила олиш қобилиятига боғлиқ бўлган «шартли устунлик»ка айланиб қолган.

Бошқа томондан, 2026 йил май ойида «New York Times» ва «Foreign Policy» нашрларида чоп этилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, глобал кудрат тизимидаги ўзгаришлар шунчаки бир қутбли дунё ичидаги кичик тузатишлар эмас. Аксинча, бу жараёнлар «гегемонлик» тушунчасининг тубдан ва аста-секин қайта шаклланаётганидан далолат беради. АҚШнинг ташқи сиёсий мажбуриятлари

кўлами унинг бошқарув салоҳиятидан ошиб кетаётгани «гегемон куч»да стратегик толиқиш ортиб бораётганини фош қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, анъанавий гегемонлик моделининг самарадорлигини кескин пасайтириб юборди.

Шу билан бирга, АҚШнинг «жозибадорлик» ва «ишонч»га асосланган «юмшоқ куч» салоҳияти тобора заифлашиб, ўрнини мажбурлов ва «қаттиқ куч»га бўшатиб бермоқда. Бу Совуқ урушдан сўнг Америка етакчилигида шаклланган либерал тизимнинг устунларини емириб, унинг халқаро нуфузига путур етказмоқда. Америка имиджининг пасайиши Форс кўрфази ва Ҳурмуз бўғозидаги инқирозлар пайтида янада тезлашди. Бу ҳолат халқаро ҳамжамият кўз ўнгида шу қадар яққол намоён бўлдики, ҳатто Германия канцлери: «Вашингтон эронлик музокарачилар томонидан таҳқирланди», дея баёнот беришга мажбур қолди.

Бундай кескин вазиятда АҚШнинг Эронга нисбатан сиёсати узоқ муддатли «стратегик жиловлаш» мантиқининг узвий давоми бўлиб қолмоқда. «Reuters» агентлигининг 2026 йил 2 майдаги хабарига кўра, Президент Дональд Трамп Эроннинг нефть экспортини бутунлай тўхтатиш ва Техронни янги келишувга мажбурлаш учун иқтисодий қамални яна бир неча ойга узайтиришни таклиф қилган. Европа дипломатик доиралари мавжуд таранглик яқин орада ҳал бўлмаслигини ва жараён узоққа чўзилишини тахмин қилмоқдалар. Трамп Эрон билан якуний ва кенг қамровли битимга эришиш умидида барча ҳарбий ва дипломатик босим воситаларини ишга солган бўлса-да, ҳозирча унинг бу уринишлари қутилган натижани бергани йўқ.

Қамалнинг узайтирилиши шунчаки тасодифий қарор эмас, балки низоларни «кулранг зона» (бевосита уруш ва тинчлик оралиғи) доирасида бошқаришга қаратилган изчил стратегик ёндашувдир. Бунда санкциялардан асосий қурол сифатида фойдаланилади: мақсад — очиқ ҳарбий тўқнашувга йўл қўймаслик, аммо айти пайтда муносабатларнинг барқарорлашувига ҳам имкон бермаслиқдир. Шунга қарамай, Трамп маъмурияти Эронга қарши икки бор бевосита ҳарбий куч ишлатишга мажбур бўлди (2025 йил ёзидаги «Midnight Hammer» ва 2026 йил баҳоридаги «Eric Fug» амалиётлари). Бироқ, аксар ҳолларда ҳарбий зарбаларни ҳаспўшлаш учун сиёсий манёвр сифатида қўлланилган дипломатик музокаралар қандай самара бермаган бўлса, бу ҳарбий амалиётлар ҳам кўзланган стратегик натижаларни келтириб чиқармади.

Кетма-кет келган бу сиёсий ва ҳарбий муваффақиятсизликлар Трампни уруш сабаб қолдирилган Пекин саммитига «мағлуб» қиёфасида боришга мажбур этмоқда. ОАВдаги таҳлилларга кўра, музокаралар марказида Эрон ва Ҳурмуз бўғози масаласи туради. Тўғрироғи, бу учрашув Вашингтон учун Хитойдан кескинликни камайтириш ва низоларни бартараф этишда воситачилик сўраб «ёлвориш» саммитига айланади. Бу ҳолат Оқ уйнинг Яқин Шарқдаги инқирозларни бошқариш борасида илгари кузатилмаган даражада заифлашиб қолганидан далолат беради.

Шунга қарамай, Трамп Оқ уйда тадбиркорлар билан ўтган учрашувда вазиятни оптимистик руҳда тасвирлашга уриниб, Хитойга сафарини «ўта аҳамиятли» деб атади ва «Пекин билан муносабатлар ижобий ривожланмоқда», дея ишонтиришга ҳаракат қилди. Оқ уй томонидан 14–15 май кунларига белгиланган ушбу камёб олий даражадаги мулоқотни Пекин ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга шай. «CNN» хабарига кўра, Хитой бу саммитни ўзининг асосий иқтисодий ва ҳарбий рақиби билан узоқ муддатли барқарорликни таъминловчи янги форматдаги муносабатларни ўрнатиш учун ноёб имконият сифатида баҳоламоқда.

Замонавий стратегик тафаккур: Бир қутблиликдан «оралиқ босқич» сари

Бугунги жараёнлар шунчаки янги «совуқ уруш» эмас, балки кўп қутбли, мослашувчан ва тармоқли тизимга ўтиш давридир. Халқаро ҳуқуққа ишончнинг сўниши, Вестфалия тизимининг

инкирози ва Шарқ кучларининг юксалиши тизимнинг ички таркибини ўзгартириб юбормаса-да, унинг заифлигини фош қилмоқда. Капиталистик доира ичидаги рақобат тизимни ўзгартирмайди, балки уни трансмиллий корпорациялар манфаатига хизмат қилувчи золимона тузум сифатида қолдиради. Тизимнинг фаолияти пасайиши унинг дарҳол қулашини англатмаса-да, инсониятнинг энг асосий эҳтиёжларини — озиқ-овқат ва ички хавфсизликни таъминлашда ожиз қолганини кўрсатади. Инсоният ҳақиқий барқарорликка фақат инсонни «инсон» деб билган ва стратегик бўшлиқни тўлдирган «Раббоний тузум» соясидагина эриша олади. Зотан, Аллоҳ таоло айтган: **«Бас, ушбу Уйнинг Роббисига ибодат қилсинлар. У Зот уларни очликдан тўйдирди ва хавф-хатардан омон қилди»** (Қурайш, 3-4).

Халқаро муносабатлар назарийotchилари ҳам бу тарихий трансформацияни инкор этмайдилар. Чарльз Краутхаммер «бир кутблилик»ни вақтинчалик лаҳза деб таърифлаган бўлса, Фарид Закария Американинг қулашини эмас, балки «бошқаларнинг юксалиши»ни (қудратнинг қайта тақсимланишини) таъкидлаган. Таниқли сиёсатшунос Грэхем Аллисон жаҳон тартиботидаги бундай таҳликали вазиятни, яъни юксалаётган янги куч (Хитой) ва мавжуд гегемон (АҚШ) ўртасидаги таркибий зиддиятни ифодалаш учун «Фукидид тузоғи» тушунчасини илгари суради.

Генри Киссинжер эса вафоти олдида энг аниқ ташхисни қўйди: дунё эски тизим ўлаётган, янгиси эса ҳали туғилмаган «оралиқ босқич»га кирди. Пол Кеннедининг хулосаси эса бугунги АҚШ учун огоҳлантиришдек янграйди: *«Давлатнинг ҳарбий мажбуриятлари унинг иқтисодий имкониятларидан ошиб кетса, стратегик мағлубият муқаррардир»*. Айнан шу омил Вашингтонни НАТОдаги иштирокини қайта кўриб чиқишга ва Европадан қўшинларини камайтиришга ундамоқда.

Шунга қарамай, европалик сиёсатчилар Трампнинг НАТОдан чиқиш ҳақидаги таҳдидларини кўпроқ сиёсий босим воситаси сифатида қабул қилиб, унинг реаллигига шубҳа билан қарамоқдалар. Масалан, Германия канцлери Фридрих Мерц Вашингтоннинг Германиядаги ҳарбий контингентини қисқартириш тўғрисидаги қароридан сўнг, юзага келган кескинликни юмшатишга ҳаракат қилди. У қарашлар ўртасидаги тафовутларга қарамай, АҚШ Шимолий Атлантика альянсининг тамал тоши бўлиб қолаверишини таъкидлади. Мерц Германиянинг «ARD» телеканалига берган интервьюсида: «Америкаликлар НАТОдаги энг муҳим стратегик шеригимиз эканига ишончим комил», дея Вашингтон билан иттифоқчилик алоқалари нақадар муҳимлигини яна бир бор тасдиқлади.

Аслида, капиталистик тизим бошиданоқ бутун инсоният фаровонлиги учун эмас, балки бир ховуч сармоядорлар ва трансмиллий капитал эгаларининг манфаатларига хизмат қилиш учун жорий этилган эди. Бунинг аччиқ оқибати ўларок, у дунё халқларини бахтсизлик, тинимсиз урушлар, сунъий эпидемиялар ва чексиз машаққатлар гирдобига улоқтирди. Бугун миллиардлаб инсонлар тинимсиз меҳнат қилса-да, бу тизим ичида бахтсизлик ва чорасизликдан бошқа нарсани кўраётгани йўқ. Дунё бойликлари талон-торож қилинган, халқларнинг иродаси тортиб олинган ва инсоний кадр-қиммат оёқости қилинган ушбу аянчли ҳолат — бутун инсониятни жаҳолатга маҳкум этган капиталистик тизимнинг маънавий ва моддий вайрон бўлишидан дарак берувчи сўнгги кўнғироқдир. Аллоҳ таоло айтганидек: **«Улардан олдинги кимсалар ҳам макр-хийла қилган эдилар. Сўнг Аллоҳ уларнинг биноларини пойдеворидан келди, бас, уларнинг устига шифтлари қулади ва уларга ўзлари сезмаган-билмаган томондан азоб келди»** (Наҳл, 26).

Демак, биз йирик кучларнинг сиёсий мувозанати тенглашаётган ва манфаатлар туфайли бири-бирига яқинлашаётган ўтиш даврида турибмиз. Бу воқелик Қуръони Каримдаги: **«Уларнинг ўз ораларидаги уруш-жанжаллари қаттиқдир. Сиз уларни бир деб ҳисоблайсиз-у, қалблари эса тарқоқдир»** (Ҳашр, 14) деган ҳақиқатнинг исботидир. Бугун Ислом уммати бошдан кечираётган оғир синовлар — аслида халқаро низомни исломий ақийда ва тузум асосида қайта куришга

тайёргарликдир. Чунки Ислом уммати яхшиликка буюрадиган ва ёмонликдан қайтарадиган ягона кучдир. У капитализмнинг зулматидан инсониятни нажот нурига олиб чиқишга қодир бўлган ягона сиёсий ва дунёқараш муқобилига эга бўлган Умнатдир.

Хулоса: Шаклланиш жараёнидаги янги жаҳон тартиботи

Ушбу янгиланаётган глобал манзаранинг марказида Қўшма Штатлар ҳамон энг йирик ҳарбий куч ва НАТО каби кенг қамровли хавфсизлик тизимларининг етакчиси сифатида қолмоқда. Бирок, Вашингтоннинг бугунги устунлиги Совуқ урушдан кейинги мутлақ гегемонликдан тубдан фарқ қилади. Ҳозирда Америка қудрати «стратегик ҳолдан тойиш» ва жабҳаларнинг ҳаддан ташқари кўплиги натижасида келиб чиққан геосиёсий толиқиш исканжасида қолган. Вашингтон энди ягона рақибга эмас, балки бир вақтнинг ўзида намоён бўлаётган бир нечта йирик чақириқларга қарши туришга мажбур:

1. **Хитойнинг юксалиши:** Пекин бевосита жанг майдонига кирмасдан туриб, иқтисодий ва технологик устунлик орқали стратегик муҳитни ўзгартиришга қодир бўлган қудратли куч сифатида майдонга чиқди.
2. **Россиянинг қайтиши:** Москва Европа хавфсизлик мувозанатига бевосита таъсир ўткази оладиган фаол ҳарбий куч сифатида ўз мавқеини тиклади.
3. **Минтақавий кучлар:** Атлантика океани орти иттифоқлари заифлашаётган бир пайтда, Эрон каби давлатлар шунчаки анъанавий мамлакат сифатида эмас, балки минтақа бўйлаб ёйилган кенг таъсир тармоғига эга бўлган геосиёсий ўйинчи сифатида намоён бўлмоқда.

Бу жараёнда Хитой глобал иқтисодийнинг янги вазн марказига айланди. Пекин АҚШ билан бевосита ҳарбий тўқнашувдан қочиб, асосий эътиборни глобал иқтисодий инфратузилма, таъминот занжирлари, юқори технологиялар ва молия тизимини қайта шакллантиришга қаратмоқда. Турли глобал лойиҳалар, рақамли инфратузилма ва муқобил навигация тизимлари орқали Пекин мавжуд халқаро тизимни бузиб ташлаш эмас, балки унинг ичида туриб ўз таъсир доирасини кенгайтириш стратегиясини юритмоқда. Шу боис, Хитойни тизимдан ташқаридаги исёнкор куч эмас, балки тизимнинг ички имкониятларидан фойдаланиб юксалаётган қудрат сифатида баҳолаш ўринлидир.

Россияга келсак, у иқтисодий устунликка эмас, балки ҳарбий қудрат ва стратегик тийиб туриш салоҳиятига таянувчи, муҳим нуқталарда беқарорлик ўчоқларини яратишга қодир **«тўсқинлик қилувчи куч» (Disruptive Power)** сифатида намоён бўлмоқда. Кремлнинг бу стратегияси Украинадаги бевосита ҳарбий иштирокида, Суриядаги мавқеини сақлаб қолаётганида, шунингдек, Ливия ва Африканинг Саҳел минтақасидаги билвосита таъсирида яққол кўзга ташланади. Россиянинг ушбу таъсир доираси чекланган ҳарбий иштирок, норасмий хавфсизлик тармоқлари ва сиёсий манёврларни ўзида жамлаган мураккаб геосиёсий тизимни ҳосил қилган.

Бунинг акси ўлароқ, Эрон мутлақо бошқача — марказий давлат бошқарувини минтақавий норасмий қуроли тармоқлар билан бирлаштирган моделни ифодалайди. Техрон нафақат ўз чегаралари ичида, балки Ироқ, Ливан ва Яман каби давлатлардаги сиёсий ва ҳарбий прокси кучлари орқали ҳаракат қилиб, ўзини трансиллий «тармоқли фаол»га айлантирди.

Эрон ва Форс кўрфази масаласида АҚШнинг стратегик мантиқи шунчаки бир давлат устидан назорат ўрнатиш эмас. Вашингтоннинг асосий мақсади — ҳар қандай минтақавий куч Ҳурмуз бўғози каби ўта нозик географик нуқтадан глобал энергия оқимлари ва халқаро савдога қарши «геосиёсий товламачилик» қуроли сифатида фойдаланишига йўл қўймаслиқдир. Бирок, мустамлакачи кучлар учун энг катта хавф — минтақадаги назорат тизгини уларнинг қўлидан чиқиб, яна **Ислом Умматининг ихтиёрига қайтишидир**. Агар Умнат бошқарув жиловини ўз қўлига олса,

у қисқа фурсат ичида сиёсий вазиятни ўз фойдасига ўзгартириб, душманларнинг режаларини чилпарчин қилишга қодир қудратга айланади.

Эрон шунчаки бир давлат эмас, у энергия уммони, савдо қарвонлари ва қонли тўқнашувлар тугун тушган стратегик нуқтадир. Жанубда Форс ва Уммон кўрфазлари орқали дунёнинг томир уришини назорат қилса, шимолда Кавказ ва Марказий Осиё билан жипслашиб кетган. Бу минтақалар Россия учун шунчаки қўшни ҳудуд эмас, балки унинг Осиё ичкараси ва Яқин Шарқдаги табиий давомидир. Зеро, Россия билан бу ўлкалар ўртасида на денгиз, на океан бор — улар бир танадек туташиб кетган.

Хитой учун эса бу минтақа — ҳаёт-мамот белгиланадиган «**орқа дарвоза**». Пекиннинг тинчини бузадиган энг катта хавотири ҳам айнан шу ерда: Марказий Осиёнинг иймонли халқлари Шарқий Туркистондаги мазлум мусулмонларнинг қалбига олов сочмасин, дейди. Хитой мусулмонларнинг бу маънавий таъсиридан худди ажалдан қўрққандек зир титрайди.

Америка эса Совет Иттифоқининг «бурди» тўкилган кундан бошлаб бу ҳудудларга суқилиб кириш режасини пишитиб келади. Вашингтонинг мақсади кундек равшан: бир томондан Россиянинг «биқинига» тиғ уриб заифлаштириш бўлса, иккинчи томондан Хитойни ўз уясига қамаб қўйиш ва қўшнилари билан алоқасини кесишдир. Америка бу минтақани жиловлаш орқали иккита «аждарҳо»ни битта қопқонга тушириш пайида эди.

Ушбу мураккаб геосиёсий мувозанатлар фонида, айниқса Америка томонидан қилинаётган сиёсий босим ва «товламачилик» суръати ортиб бораётган бир пайтда, Европа ўта нозик ва хос мавқеда турибди. Қитъа улкан молиявий ва саноат салоҳиятига эга йирик иқтисодий куч бўлса-да, хавфсизлик масаласида НАТО орқали хануз Америкага таркибий жиҳатдан қарам бўлиб қолмоқда.

Бу вазият Европани стратегик жиҳатдан «ярим тугалланган куч»га айлантирди: у иқтисодий майдонда фаол ўйинчи, бироқ глобал ҳарбий ва сиёсий қарорлар қабул қилишда мустақил эмас. Гарчи Франция ва Германия каби давлатлар Европанинг «стратегик мустақиллиги» ғоясини илгари сураётган бўлса-да, бу лойиҳа Европа Иттифоқи ичидаги манфаатлар тафовути ва АҚШнинг «хавфсизлик соябони»га бўлган эҳтиёж қаршисида ожиз қолмоқда.

Натижада Европа мустақил сиёсий кутб эмас, балки бошқа куч (АҚШ) етакчилик қилаётган хавфсизлик тизими ичидаги иқтисодий илова сифатида кўринмоқда. Шу билан бирга, Европа йирик кучлар тўқнашувининг марказий майдонида айланиб қолган. Украинадаги уруш ва Россия билан муносабатларнинг кескинлашуви фонида келиб чиққан энергия инқироzi ва хавфсизлик муаммолари Европанинг миллий манфаатларига кенг маънода жиддий таҳдид солмоқда.

Юқоридаги барча омилларни бир нуқтага жамласак, халқаро низоми энди барқарор кўп кутблилик эмас, балки «**дурагай ўтиш даври**» гирдобиди экани аён бўлади:

- **АҚШ** — ҳарбий куч ва иттифоқлар маркази, аммо «стратегик чарчоқ» исканжасида;
- **Хитой** — шиддат билан юксалаётган иқтисодий гигант;
- **Россия** — тизимни фалаж қиладиган ҳарбий «тўғонок»;
- **Эрон** — минтақавий тармоқлар тизгинини тутган фаол;
- **Европа** — ҳамон стратегик мустақиллиги тугалланмаган иқтисодий гигант.

Биз бугун дунёда қудратнинг қайта тақсимланиши ҳали ниҳоясига етмаган, мутлақ назорат бой берилган ва ҳеч ким тўлиқ мустақил бўла олмаган «**тарихий муаллақлик**» даврини яшаяпмиз.

Аслида, бу ҳолат Ислом Уммати учун тортиб олинган султонлигини қайтариб олиш, дунёдаги етакчилик тахтига қайта ўтириш ва инсониятни капитализм жаҳаннамидан қутқарадиган янги адолат низомини куриш учун **олтин имкониятдир!**

Хулоса қилиб айтганда, бугун Америка ва Хитой инқироз ботқоғига ботган оламда ўзларининг сохта ва пуч цивилизациясини сақлаб қолиш учун ўзаро талашмоқдалар. Аммо бутун оламга адолат ва яхшилик нурини сочувчи **Рошид Халифалик**, Аллоҳнинг изни билан, якин орада албатта қайтажак! Бу шунчаки орзу эмас, балки сиёсий воқеликнинг ҳар бир бурчагидан овоз бераётган тарихий ва ақидавий ҳақиқатдир. Зеро, бугунги залолатга ботган инсоният капитализмнинг бахтсизлиги ва чорасизлигидан қутқарадиган нажот йўлини соғинч билан изламоқда.

Шундай экан, Ислом Уммати **Ҳизб ут-Таҳрир** раҳбарлигида Аллоҳнинг нусрати ва аниқ ғалаба остонасида турибди. Бу ғалаба фақатгина муборак Исро ва Меърож заминини яҳуд нажасларидан озод қилиш билангина эмас, балки худди Константинопол фатҳ этилганидек, Римнинг фатҳи билан мукаммал бўлажак! *«Ўша кунда мўминлар Аллоҳнинг нусрати сабабли шодланурлар. У Зот, Ўзи хоҳлаган кишига нусрат берувчи Азиз ва Раҳимдир*

ТРАМП АМЕРИКАСИ: ИМПЕРИЯ ҚАБРИНИ ҚАЗИЁТГАН «МАЪНАВИЙ ЧИРИШ»

Муножйй Мухаммад

Дунё харитасидаги йирик давлатлар ва гегемон цивилизацияларнинг юксалиши ҳамда таназзули муайян тарихий қонуниятлар асосида юз беради. Ушбу жараёнлар борасида Ғарбнинг моддий ва дунёвий (секуляр) қарашларига асосланган таҳлиллари мавжуд бўлиб, улар орасида иккита назария алоҳида ажралиб туради.

Биринчиси — машҳур британ тарихчиси Арнольд Тойнби назариясидир. Унга кўра, цивилизацияларнинг емирилиши, аввало, ичкаридан бошланади. Бу жараён «ижодкор элита»нинг замонавий таҳдид ва чақириқларга қарши тура олмай, ўз мақомини суиистеъмол қилиши ва золимона ҳокимиятга айланиши билан характерланади. Бундай вазиятда халқ элитадан юз ўгиради, ижтимоий бирдамлик дарз кетиб, ички зиддиятлар кучаяди. Натижада, ичдан заифлашган жамият ҳар қандай ташқи хавф қаршисида ожиз қолиб, ҳалокатга юз тутаяди.

Иккинчи ёндашув Пол Кеннедининг 1987 йилда нашр этилган «Буюк давлатларнинг юксалиши ва таназзули» асарида ўз аксини топган. Бу соф капиталистик қараш бўлиб, унда иқтисодий салоҳият давлат қудратининг бош пойдевори сифатида кўрилади. Бу қудрат ҳарбий ва сиёсий куч билан мустаҳкамланади. Кеннедининг фикрича, буюк давлатнинг геосиёсий амбициялари ва унинг реал иқтисодий имкониятлари ўртасида мувозанат бузилиши ҳалокатлидир. Яъни, стратегик кенгайиш ва ҳаддан ташқари ҳарбий харажатлар иқтисодиётни ҳолдан тойдириб, давлатни заифлик сари етаклайди.

Пол Кеннеди назариясининг таъсири Оқ уйнинг кейинги барча маъмуриятлари фаолиятида яққол сезилди. АҚШ иқтисодиётни кетма-кет қайта қуришга уринди: товар ишлаб чиқаришдан хизмат кўрсатишга, сўнгра молиявий, рақамли ва ниҳоят сунъий интеллект иқтисодиётига ўтилди. Буларнинг барчаси иқтисодий «қора туйнук» — астрономик қарзлар ва сурункали бюджет тақчиллигини ямашга бўлган изчил

уринишлар эди. Шу тариқа, хоҳ республикачилар, хоҳ демократлар бўлсин, Америка сиёсатининг бош локомотиви моддий-иқтисодий омил бўлиб қолди; фақатгина қўлланадиган стратегия ва услублар ўзгарди.

Ғарб кириб қолган қоронғу берк кўча ва жадал емирилиш суръатларининг асл сабаби юқоридаги икки назариянинг нуқсонли эканидир. Тойнби ва Кеннеди Ғарб муаммосининг туб илдизини — унинг фундаментал нуқсонини эътиборсиз қолдиришди. Бу илдиз — барча қонунлар, сиёсий ва ижтимоий тизимларнинг манбаи бўлган Ғарбнинг дунёвий (секуляр) маданий тизимидир. Айнан мана шу тизим инқирозга қарши қўлланилган ечимларнинг барбод бўлишига ва муаммоларнинг янада газак олишига сабаб бўлмоқда.

Ҳам Тойнби, ҳам Кеннеди Ғарбнинг дунёвий-капиталистик дунёқарашида тарбия топган зиёлилар эди. Улар ўз тизимларининг маданий ва сиёсий жиҳатдан устун эканига қаттиқ ишонганлари сабабли, ушбу пойдеворнинг аллақачон касодга учраганини кўра олмадилар. Ваҳоланки, маданий тизим ҳар қандай цивилизация ва давлатнинг ядросидир. Унинг илдизидаги чиришни тан олмаслик эса муқаррар ҳалокатга етаклайди.

Ғарб дунёсидаги маънавий тубанлик, сиёсий коррупция, вайронкор иқтисодий бўҳронлар ва ахлоқий қадриятларнинг заволи топиши шунчаки техник ёки иқтисодий муаммо эмас. Унинг замирида чуқур маданий инқироз ётибди. Бугунги инсоният дуч келган чигал муаммоларни ҳал қилишда Ғарбнинг

дунёвий модели нафақат ожиз қолди, балки бутунлай касодга учради.

Ушбу тизим ўзининг яроқсиз ва сохта ечимлари билан инсониятга бахт-саодат ваъда қилган эди, бироқ амалда бутунлай мағлуб бўлди. Ваъда қилинган фаровонлик ўрнига, у барча унсурлари мужассам бўлган улкан инсоний фожиани пайдо қилди.

Ғарбнинг дунёвий-капиталистик тизими бугун ўз-ўзини йўқ қилиш (суицид) босқичига келди. Бу жараён — ботил ва омонат пойдеворнинг табиий оқибатидир. Зеро, ушбу тизим «инсон ақли ўз муаммоларини Яратгандан кўра яхшироқ ҳал қила олади» деган пуч ва залолатли даъво устига қурилган эди. Бугунги маънавий емирилиш айнан мана шу хатонинг мевасидир.

Ғарб модели дастлаб соф дунёвий ғоя сифатида куртак ёзди, кейинчалик капитализм билан бирлашди ва яқунда ваҳшиёна, ўз-ўзини емирувчи «капиталистик левиафан»га айланди. Ушбу тизим черковнинг маданий ва илоҳий ҳукмронлигига, унинг сиёсий султонига қарши исён сифатида майдонга чиқди. Дунёвийлик файласуфлари янги ҳаёт тарзи, жамият ва давлат қурилишининг бош меъморларига айландилар. XVI-XVIII асрлар давомида маданият ва сиёсат айнан уларнинг мафкуравий маҳсулоти сифатида шаклланди; бу давр дунёвий ғояларнинг мутлақ гегемонлиги остида ўтди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб, секуляризм ҳокимият тизгинларини черковдан тортиб олди ва ўз давлатчилик тизимини қурди. Ўша даврда Ғарб дунёвий тизимининг «қаттиқ ядроси» ва асосий куч маркази файласуфлар, мутафаккирлар ҳамда уларнинг мафкуравий қарашларига содиқ қолган сиёсатчилардан иборат эди.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Европа саноат инқилобининг (буғ двигатели ва тўқув дастгоҳларининг ихтиро қилиниши) илк кўринишлари кўрина бошлади. Бу ижтимоий тузилманинг кескин ўзгаришига олиб келди: майдонга янги қудратли куч —

ишлаб чиқариш воситалари ва завод-фабрикалар эгалари бўлган саноат капиталистлари чиқди. Бу табақа тез орада нафақат иқтисодий, балки фикрий ва сиёсий таъсир доирасини ҳам кенгайтирди. Шу тариқа, техник тараққиёт билан мафкуравий қарашлар уйғунлашиб, капиталистик дунёқараш шакллана бошлади.

Адам Смитнинг 1776 йилда эълон қилинган «Миллатлар бойлиги» асари капиталистик иқтисодиётнинг «Муқаддас китоби»га айланди. У хусусий мулкчилик ва эркин бозор тамойилларини Ғарб ҳаётининг ажралмас қисми сифатида муҳрлаб берди. Капитализмнинг ушбу ҳукмронлиги натижасида пул, мафкура, маданият ва сиёсат ўртасида ғалати, ҳатто ғайритабиий бир «чатишиш» юз берди. Айнан мана шу иттифок бутун Ғарб цивилизациясининг кейинги қиёфасини белгилаб берди.

XIX аср охири ва XX аср бошлари Ғарб капиталистик тизимида туб бурилиш даври бўлди. Бу даврда трансмиллий банк муассасалари, йирик молиявий холдинглар ҳамда Лондон ва Нью-Йорк каби қитъалараро фонд биржалари шаклланиб, жадал ривожланди. Натижада молия сектори иқтисодий майдоннинг мутлақ ҳокимига айланди. Молиявий капитализмнинг гуркираб ўсиши эса унинг нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий фикр, маданият, сиёсат ва умуман ҳаёт тарзи устидан мутлақ ҳукмронлигини ўрнатди.

Кейинчалик юз берган технологик инқилоб капиталистик қолипларни янада мустаҳкамлаб, маблағлар устидан назорат ўрнатишнинг янги воситаларини тақдим этди. Замонавий технологиялар янги капиталистик табақага тақдим этган ҳисоблардаги виртуал маблағлар ва ҳаводан яратилган рақамли бойликлар янги капиталистик элитанинг шаклланишига хизмат қилди. Бу эса капитализм туғенини янги босқичга олиб чиқиб, инсониятнинг фикрий ва сиёсий қарашлари устидан тўлиқ назорат ўрнатилишига замин яратди.

Бу жараёнда маданият, тафаккур ва сиёсатнинг асл булоқлари бутунлай куриб қолди, десак муболаға бўлмайди. Ғарб жамиятида пулнинг «мутлақ султонлиги»дан ўзга қадрият қолмади. Оқибатда Ғарб цивилизацияси дуч келган зиддиятлар янада кескинлашиб, тизим инқирози ортидан келиб чиққан инсоний фожиалар кўлами кенгайди.

Шу тариқа, дунёвий маданиятнинг гносеологик (билишга оид) нуқсонлари ва ўткир фалсафий инқирозларига капитализмнинг «заҳарли» таъсири ҳам келиб қўшилди. Дунёвийлик ва капитализм ўртасидаги бу ғайритабиий «чатишма» билимлар тизимини сохталаштириб, жамиятнинг дунёқарашини бузиб юборди. Эндиликда фикрий ва маданий баҳсларнинг марказида инсон бахт-саодати ёки идеал ҳаёт тизимини излаш эмас, балки ҳукмрон доираларнинг очкўзлиги ва бойликни кўпайтириш истаги турадиган бўлиб қолди.

Яқунда бутун Ғарб тизими — унинг маданияти ва тафаккури — капиталистик элита манфаатларининг гаровига айланди. Тизимнинг вазн маркази бутунлай ўзгарди. Эндиликда ушбу жамиятнинг «қаттиқ ядроси» ва асосий ҳаракатлантирувчи кучи — йирик банклар ҳамда трансмиллий корпорациялар эгалари бўлган ўша тор капиталистик табақадир.

Дунёвийлик ва капитализм ўртасидаги ушбу «заҳарли иттифоқ» томонлардан бирининг мутлақ ҳукмронлигисиз яшай олмас эди. Бу курашда ғалаба капитал тарафида бўлди. Натижада ижтимоий фикр, маданият, сиёсат ва инсон ҳаёти тўлиқ капиталистик табақа назоратига ўтди. Пулнинг ҳукмронлиги маданият ва сиёсатнинг қадрсизланиши эвазига ўрнатилди. Капиталнинг чексиз ўсиши йўлидаги асосий тўсиқ — маданият ва сиёсатнинг маънавий чекловлари эди. Шу сабабли, максимал фойдага эришиш йўлида ушбу соҳаларнинг таъсир кучи тизимли равишда синдирилди. Бунинг учун тўланган товон эса тафаккур булоқларининг қуритилиши ва чинакам сиёсатнинг ўлими бўлди.

Бугунги Ғарб тизими мисли кўрилмаган фикрий қаҳатчилик, маданий инқироз ва сиёсий чирини бошдан кечирмоқда. Бу жараёнда ҳукмрон капиталистик табақанинг ваҳшийлиги ва туғғени энг юқори нуктага чиқди. Тизим ҳар қандай қадрият ва ахлоқдан холи бўлган «йиртқич капитализм»га айланди. Эндиликда на фикр, на маданият ва на сиёсат у билан рақобатлаша олади. Айнан шу муҳит сохта мутафаккирларни, кўғирчоқ ҳукмдорларни ва ёлланма сиёсатчиларни «ишлаб чиқармоқда». Уларнинг барчаси трансмиллий компаниялар ва йирик банк эгаларининг қўлидаги оддий ижрочиларга айланиб қолган.

Бундай носоғлом ва заҳарли муҳит капиталга қарам бўлган давлатларни ҳамда бойларнинг манфаатларига хизмат қилувчи ёлланма бошқарувчиларни шакллантиради. Шунингдек, капиталистик туғғеннинг «карнайи»га айланган сохта зиёлилар пайдо бўладики, улар вайронкор ташвиқотларни илм ва маданият ниқоби остида жамиятга сотадилар. Бугунги туғғенкор капитализм маданият ва сиёсат устидан тўлиқ гегемонликни ўрнатган. Бу эса ўз-ўзидан ушбу тизимга сўзсиз бўйсунатган сиёсатчи ва зиёлилар қатламининг нақадар тубан ва заиф эканидан далолат беради.

Бугунги Ғарб дуч келган тақдирий инқироз шунчаки сиёсий ёки иқтисодий характерда эмас. Булар — чуқурроқ илдиз ортган муаммонинг юзадаги аломатлари, холос. Бутун инсониятни ўзининг оловида куйдираётган Ғарб фожиасининг моҳияти унинг маданий тизимида, яъни дунёвий капитализм ғоясидадир. Бу мафкура ўз тарихини тўлиқ касодга учраш ва ҳалокатли натижалар билан якунламоқда.

Тизимнинг маънавий тубанлашуви аввалбошданоқ кетма-кет келаётган шиддатли инқирозларда намоён бўлган эди. Эндиликда Ғарб цивилизациясининг емирилиш аломатлари давлат ва жамиятнинг барча қатламларида кўзга ташланмоқда. Тизимнинг вертикал кесимида — миллий давлатчилик инқирози, сиёсий институтларнинг

самарасизлиги, бошқарув тизимининг чириши ва етакчиларнинг маънавий қашшоқлиги яққол кўринса, горизонтал кесимда — жамиятнинг маданий бўлиниши, ижтимоий инқироз ва ўзаро нафратга асосланган гуруҳларнинг фуқаролар уруши ёқасида туриши намоён бўлмоқда.

Капиталистик тизим ўз емирилишининг сўнгги босқичига қадам кўйди. Бугун Ғарбни махв этаётган «фикрсизлик» ҳолатини тиббий тил билан айтганда «инсулт»га қиёслаш мумкин: янги ғоялар йўқ, фақат эски сафсаталар такрорланмоқда. Ҳатто Америка дипломатиясининг “чўқинтирган отаси” Генри Киссинджер ҳам: «Дунё бошбошдоқлик гирдобиди, Қўшма Штатлар эса янги жаҳон тартибини қандай барпо этиш борасида ожиз қолмоқда», деб тан олган эди.

Капитализмнинг пойдевори бўлган иқтисодиёт дарз кетди. Бугунги Ғарб дунёси улкан қарзлар ботқоғига ботган ва қадрсиз қоғозларни тинимсиз чоп этиш орқали «виртуал иқтисодиёт» пуфагини шиширмоқда. 2008 йилги глобал инқироз тизимнинг юраги бўлган йирик банкларни фалаж қилиб кўйди. Шу билан бирга, Ғарбнинг ҳарбий қудрати ҳам аввалги салобатини йўқотди. Афғонистондаги муваффақиятсизлик нафақат АҚШ, балки НАТО учун ҳам катта шармандаликка айланди. Илгарироқ Бейкер ва Ҳэмилтон комиссияси Америка ҳарбий машинасининг заифлигини қайд этгач, Ироқ ва Афғонистондаги назорат иккинчи даражали давлатларга топширилган эди. Бугун эса Вашингтон Эрон билан бўлаётган қарама-қаршилиқ ортидан стратегик боши берк кўчага кириб қолди.

Сўнгра тизимнинг ҳалокатли таназзули бошланди. Бу жараён йирик капитал эгалари ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви ортидан келиб чиққан бўлиб, бугунги кунда тизимни ичидан кемираётган жамият ва давлат миқёсидаги бўлинишда ўз аксини топмоқда. Капиталистик элита ичидаги бу парчаланиш инқирознинг нақадар кескин эканини кўрсатувчи энг яққол аломатдир. Айнан мана

шу ички зиддият инқирозга юз тутган тизимни вайрон қилувчи энг хавфли омилга айланди.

Навбатдаги босқич — қадриятлар ва умуминсоний маданиятнинг бутунлай касодга учрашидир. Ғарб жамияти гендер сиёсати ниқоби остидаги ахлоқий инқироз ҳамда инсоният табиатига зид бўлган «хукукий нормалар» гирдобига ғарқ бўлди. Бир жинсли никоҳларнинг қонунийлаштирилиши, жинсни ўзгартириш амалиётлари, сперма банклари ва «ижарадаги бачадон» бозорларининг авж олиши шулар жумласидандир. Бунга қўшимча равишда, ахлоқсиз кимсаларнинг фарзанд асраб олишига изн берилиши ва машъум «Эпштейн ороли» можаролари инсоният тарихида мисли кўрилмаган маънавий қашшоқликдан далолат беради. Бундай цивилизациявий бузуқлик жамиятнинг ички чириши ва парчаланишини янада тезлаштирмоқда.

Бугун капиталистик тизим ўз емирилишининг энг сўнгги нуқтасига — «бош қисми»дан, яъни юқори раҳбарият даражасида чириш босқичига келди. Бу — цивилизациянинг ўлими ва давлатчиликнинг инқирозидан далолат берувчи хавфли белгидир. Зотан, тор доирадаги қудратли манфаатдор гуруҳлар сиёсий қарорлар қабул қилиш тизимини тўлиқ жиловлаб олдилар. Оқибатда давлат механизми ушбу гуруҳларнинг қўлида гаровга айланиб, жамият олдида турган улкан таҳдидларга қарши туришда мутлақо ожиз ва фалаж ҳолга тушиб қолди.

Мазкур нуфузли гуруҳлар коррупцияни шунчаки жиноят эмас, балки «қонунийлаштирилган тизим»га айлантиришди. Эндиликда «иқтисодий эркинлик», «хусусийлаштириш» ва «сармояларни жалб қилиш» каби жозибадор шиорлар остида тизимдаги хукукий бўшлиқлардан усталик билан фойдаланилмоқда. Давлат назорати ва ижтимоий чекловларни парчалаш орқали коррупция сиёсий бошқарувнинг ажралмас воситасига айланиб қолди.

Ғарб таҳлил марказларининг 2024–2025 йилларга оид сўнгги ҳисоботларига кўра, АҚШ раҳбарияти ва ҳукмрон элитаси мисли кўрилмаган даражадаги тизимли коррупция ботқоғига ботган. Бу ҳолат илмий доираларда «таркибий ва қонунийлаштирилган коррупция» деб таърифланмоқда.

Брукингс институти ва «Chatham House» таҳлиллари шуни кўрсатадики, замонавий коррупция шунчаки «оддий мулозимга пора бериш»дан иборат эмас. Тадқиқотчи Энн Эпплбаум таъкидлаганидек, бу жараён «қоронғу молиялаштириш» воситасида «давлатни бутунлай эгаллаб олиш» (state capture) босқичига ўтган. Сайловолди кампанияларига йўналтирилаётган мазкур маблағлар сиёсий элитани чиритиб, давлат бошқарувини коррупциялашган капиталистик табақанинг тор манфаатларига хизмат қилувчи кўғирчокқа айлантириб қўймоқда.

Давлатнинг хусусий манфаатлар қуролига айланиши натижасида жамиятда маънан тубанлашган сиёсий элита ва чириган бошқарув тизими шаклланди. Бу эса ўз навбатида воқеликни сохталаштиришга, жамиятнинг кескин қутбланишига ва сиёсий турғунликка йўл очди. Бундай «статус-кво»ни сақлаб қолишдан ягона мақсад — ҳокимият жиловларини қўлида тутиб турган бир ҳовуч «пул қироллари»нинг ҳукмронлигини таъминлашдир.

Сиёсий элита орасидаги коррупциянинг илдиз отиши ҳисобдорлик ва суд мустақиллигига путур етказди. Назорат ва адлия органларидаги тайинловларнинг сиёсийлаштирилгани оқибатида адолат мезонлари барбод бўлди. Коррупция қурти давлатнинг бошқарув тузилмаларини, маъмурий органларини ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ич-ичидан кемириб, тизимни ҳалокат ёқасига олиб келди.

Бошқарув тизимидаги коррупция мисли кўрилмаган капиталистик туғённи юзага келтирди. Натижада, пул ва ҳокимиятни қўлида жамлаган қатлам мутлақ ҳукмрон «капиталистик олигархия»га айланди. Бугун

ушбу куч давлатнинг барча бўғинларини, унинг муассаса ва органларини «темир панжа»да тутиб турибди. Сиёсат ва иқтисодиётдан тортиб, хавфсизлик, таълим, ОАВ ва суд тизимига уларнинг назорати остида. Қонунлар ва сиёсий қарорлар эса шунчаки олигархлар манфаатига хизмат қилувчи техник воситаларга айланиб қолди. Оқибатда қонун устуворлиги емирилиб, заҳарли сармоялар энг олий ҳокимиятга айланди, сиёсий майдон эса катта молиявий биржани эслатмоқда.

Вашингтондаги «Pew» тадқиқот марказининг маълумотлари кишини ҳайратга солади: 2024 йилги АҚШ федерал сайловлари учун сарфланган маблағ 15,9 миллиард долларни ташкил этди. Бу кўрсаткич 1990 йилдаги харажатларга (3 млрд доллар) нисбатан беш баравар кўп демакдир. Бугунги кунда сиёсий фаолият номзоднинг салоҳияти ёки интеллектуал даражасига эмас, балки унинг ихтиёридаги капиталга боғлиқ бўлиб қолди. Сиёсий таъсир кучи эндиликда технология гигантлари, нефть, курул-яроғ ва фармацевтика корпорациялари ҳамда Уолл-стрит банкларининг «яширин сармоялари» билан ўлчанмоқда.

Давлат бошқарувини қўлга киритган капиталистик олигархия «хусусийлаштириш» ниқоби остида бутун мамлакатни ўз мулкига айлантириб олди. Илгари давлат зиммасида бўлган ижтимоий вазифа ва мажбуриятлар хусусий сектор ихтиёрига ўтказилди. Эндиликда олигархия давлатнинг функцияларини ўз компаниялари орқали сотиладиган пуллик хизматларга айлантирди. Натижада давлат ўз фуқароларининг манфаатини ҳимоя қилувчи тизимдан капиталистик корпорацияларнинг доимий ва фойдали «мижози»га айланиб қолди.

Давлатни хусусийлаштириш жараёнига ўтган асрнинг 80-йилларида «неолиберализм» байроқдори Рональд Рейган асос солди. У давлат ва хусусий сектор ўртасидаги чегараларни йўқ қилиш ҳамда барча чекловларни бекор қилиш мақсадида махсус президентлик комиссиясини тузди. Аслида, бу

қадам капиталистик доиралар томонидан давлатни тизимли равишда эгаллаб олиш стратегиясининг дебочаси эди. Рейгандан кейин келган Буш ва Клинтон каби раҳбарлар ҳам ушбу йўлни давом эттирдилар. Натижада, 90-йиллар охирига келиб, хусусий секторга ўтказилган давлат вазифалари икки баробарга ортди. Ўша даврда федерал ҳукумат топшириқларини бажарувчи «хусусий ходимлар» сони нақ 8,5 миллион кишига етган эди.

Давлат мулкларининг жадал хусусийлаштирилиши тасодифий ҳодиса эмас эди. Бу — давлат бошқарувини тўлиқ жиловлашга қаратилган пухта режа ҳамда «неолиберализм» ниқоби остидаги капиталистик туғённинг бир қисми бўлди. Бу стратегик лойиҳанинг асосий ижрочилари сифатида АҚШ президенти Рональд Рейган ва Британия бош вазири Маргарет Тетчер майдонга чиқишди. Улар капитал эгаларининг манфаатларини давлат сиёсати даражасига кўтариб беришди.

Шу тариқа давлат тақдим этадиган барча ижтимоий хизматлар капиталистик олигархия фойда кўрадиган пуллик манбага айланди. Ҳукуматнинг муҳим вазифалари хусусий компаниялар ва маслаҳатчилар ихтиёрига ўтиб кетди. Энг ачинарлиси, бу жараён давлатнинг энг нозик соҳалари — хавфсизлик ва армияни ҳам четлаб ўтмади. Чинакам миллий армия ўрнини олигархик гуруҳлар назорат қиладиган ёлланма ҳарбий компаниялар эгаллади. Ироқ истилоси пайтида машъум ном чиқарган «Blackwater» ва «Dyncorp» каби ширкатлар бунинг яққол исботидир.

Бугун АҚШда хусусий кўрикчилар сони полиция ходимларидан икки баробар кўп. Ҳатто разведка тизимидаги энг махфий вазифалар — электрон кузатув, таҳлил ва тергов ишлари ҳам олигархларнинг хусусий

ширкатларига пудратга берилган. Бундай «ёппасига хусусийлаштириш» давлат организмининг ичидан емириб битирди. «Биз Риммизми? Империя таназзули ва Америка қисмати» китоби¹ муаллифи таъкидлаганидек, чегара назоратидан тортиб, аэропортлар, шифохоналар, мактаб ва университетларгача — ҳаммаси сотиладиган товарга айланди. Америка гўёки ўз мулкларини очиқ ким ошди савдосига қўйган ва ўз-ўзини пуллаган мамлакатга ўхшаб қолди.

Капитализм ўз таназзулининг олий нуқтасига — бошқарув элитасининг бутунлай чириши босқичига етиб келди. Ушбу маънавий инқирознинг «энг сассиқ меваси» сифатида ҳокимият тепасига машъум Эпштейн оролининг доимий меҳмони бўлган Дональд Трамп келди. Трамп — тизимдаги коррупциянинг мантикий маҳсули, ҳукмрон доиралар емирилишининг сўнгги босқичи ва давлатчилик ҳалокатининг оғир ташхисидир. Агар капитализмнинг илк даврида мутафаккир ва файласуфларнинг овози ўчирилган, иккинчи босқичда сиёсат ва чинакам сиёсатчилар ўлдирилган бўлса, эндиликда — ўз-ўзини маҳв этишдан олдинги сўнгги паллада етакчиларнинг ахлоқий тубанлашуви ва давлатнинг олигархия томонидан эгаллаб олиниши жараёни якунланди.

Бугунги Ғарб ва унинг рамзига айланган Трампнинг ҳолати шўролар империяси қулашидан олдинги Совет Иттифоқидаги вазиятни ёдга солади. Владимир Медведев ўзининг «**Соядаги инсон**²» номли китобида бу ҳақиқатни фош қилиб, кексайиб қолган Леонид Брежневнинг маънавий тубанлашуви ва Михаил Горбачёвнинг иродасизлиги тизим ҳалокатига сабаб бўлган ҳал қилувчи омиллар эканини таъкидлайди. Ўшанда ҳам худди ҳозиргидек, бошқарув тизимининг ичдан чириши империя тақдирини ҳал қилган эди.

¹ Гап машҳур америкалик тарихчи ва публицист Каллен Мёрфи (Cullen Murphy) қаламига мансуб "Are We Rome? The Fall of an Empire and the Fate of America" асари ҳақида кетмоқда.

² Китобнинг асл номи (Человек за спиной). Муаллифи Владимир Николаевич Медведев — СССР Давлат хавфсизлик қўмитаси (КГБ)нинг Тўққизинчи бошқармаси (олий раҳбарияни кўриклаш

хизмати) зобити, генерал-майор. У 20 йилдан ортиқ вақт давомида СССРнинг биринчи раҳбарларига шахсан ҳамроҳлик қилган. 14 йил давомида Леонид Брежневнинг шахсий соқчиси ва кўриклаш хизмати бошлиғи ўринбосари бўлган. Кейинчалик Михаил Горбачёвнинг кўриклаш хизматига раҳбарлик қилган.

Муаллиф Брежнев даврида коррупция иллоти биринчи марта давлатнинг энг махфий органларига, жумладан КГБга кириб борганини қайд этади. Бу билан юқори элита ва ҳукмдорларнинг фарзандлари учун мисли кўрилмаган имтиёзлар эшиги очилди. Бунинг энг машъум мисоли сифатида Брежневнинг фарзандлари — Юрий ва Галинани келтириш мумкин. Улар давлат бойликларига ўз мулкидек эгалик қилишди. Галина Брежнева дунёдаги энг йирик олмос конлари жойлашган Якутиядаги заводлар ва олмос саноати раҳбарлари устидан мутлақ ҳукмронлик ўрнатиб, жаҳоннинг энг кучли «олмос кироличаси»га айланган эди. Бугунги Америкада ҳам худди шундай «оилавий пудрат» ва тизимли талончилик аломатлари яққол намоён бўлмоқда.

Бугун Трамп Америкасида раҳбарият инқирозининг энг аянчли босқичига гувоҳ бўлиб турибмиз. Унинг учун давлат бошқаруви — шахсий бойлигини ошириш ва оилавий бизнесни гуллатиш воситаси холос. Президентлик лавозимида келиши билан у ўз ваколатларидан фойдаланиб, «Трамп доллар» деб номланган шахсий рақамли валютасини муомалага чиқарди. Бу фириб орқали бир неча кун ичида бозор қиймати 10 миллиард доллардан ошувчи афсонавий фойдани қўлга киритди. Бундан ташқари, унинг рафиқаси ҳам «тренд»дан қолмай, ўз «мим-валюта»сини чиқариб, икки кунда миллиард доллар ишлаб олди. Саудия Арабистони ва БААдаги кўчмас мулк лойиҳалари учун олинган имтиёзли лицензиялар эса Трамп оиласи учун давлат манфаатлари нақадар арзон эканини кўрсатди.

Трамп даврида Америка бошқарув тизими маънавий ва сиёсий таназзулнинг тубига шўнғиди. Унинг стратегик довирашлари давлатни ўнглаб бўлмас хатолар гирдобига улоқтирди. Иқтисодий ва дипломатик таъсири заифлашган бир пайтда, Трамп сўнгги чора сифатида Американинг қолган ягона кузири — ҳарбий қудратини ишга солди. У Эрон каби минтақавий кучга қарши ўйламай-нетмай кимор ўйнаб, давлатни вайронкор уруш

ботқоғига итарди. Бу қадам Американинг жаҳон гегемонлигини сақлаб қолиш йўлидаги сўнгги чоралари ҳам нақадар заиф ва нуқсонли эканини фош қилиб, Оқ уйнинг «стратегик кўрлигини» бутун дунёга кўрсатиб қўйди.

Америка бошчилигидаги Ғарб дунёси бугун ўз ҳаёт томирларини қирқиш арафасида турибди. Трампнинг машъум раҳбарияти ўз шахсий инқирозини бутун инсоният фожиасига айлантиришга бел боғлаган. Унинг атрофини фақат содиқ, аммо коррупцияга ботган омадсизлар тўдаси ўраб олган. Трампнинг «Fox News»дан топган, тунги клублар ва маишатбозликка муккасидан кетган «уруш вазири»³ ҳукмрон элитанинг қай даражада чириганини кўрсатувчи яққол тимсолдир. Трамп — тизимнинг ичдан емирилиб битишининг сўнгги босқичи. У — Америка ўз қабрини қазиси учун ишлатаётган сўнгги маросим кетмонидир.

Эндиликда бир тақдирӣ савол кўндаланг турибди: тобора шиддатли ва ҳалокатли тус олаётган ушбу оламий фожадан нажот борми? Ечим — Американинг чириши ёки унинг ҳалокати билангина чекланиб қолмайди. Нажот — Ғарб дунёси башарият бошига бахтсизлик ва ҳалокат сифатида ёғдирган «замонавий жоҳилият» зулматларидан олиб чиқа оладиган чинакам цивилизациявий ва сиёсий муқобилнинг пайдо бўлишидадир.

Бу муқобил, шубҳасиз, Хитой бўла олмайди. Зеро, Хитой — Ғарбнинг золим ва жоҳилона тизимининг шунчаки бошқа бир кўриниши холос. Қасамки, Хитой тақдим этаётган истибдод Ғарбникидан кўра даҳшатлироқ ва аччикрокдир! Ягона нажот йўли — оламлар Роббисининг дини бўлмиш Исломда, унинг бетакрор дунёқараши ва адолатга асосланган Халифалик бошқарувидадир.

Наҳотки, Ислом фарзандлари куфрнинг барча кўринишларини парчалаб, Ислом

³ Пит Хегсет назарда тутилмоқда

адолати қад кўтарадиган муаззам бинони
тиклаш учун қадамларини тезлатмасалар?! Бу
— Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Рошид

Халифалик бўлиб, у ўз адолати ва раҳматини
бутун инсониятга ёяди ҳамда уни
инсонларнинг энг яхшилари бошқаради.

(الرَّ َكِتَابٌ أَنْزَلْنَاهُ إِلَيْكَ لِتُخْرِجَ النَّاسَ مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ بِإِذْنِ رَبِّهِمْ إِلَى صِرَاطٍ الْعَزِيزِ الْحَمِيدِ)

*«Алиф, Лом, Ро... Эй Муҳаммад, бу сизга нозил қилган Китобимиздир! У орқали, Оллоҳнинг
изни ила зулматлардан нурга — Азиз ва Ҳамид Зотнинг йўлига олиб чиқасиз»⁴.*

⁴ Иброҳим сураси, 1-оят

ИЛОННИ БОШИНИ ЯНЧИНГ!

АҚШнинг Ислом оламига қарши олиб борган сўнгги ҳарбий кампаниялари таҳлили — 2001 йилги Афғонистон истилосидан тортиб, 2026 йилдаги Эрон урушигача — бир ҳақиқатни ойдинлаштирди: Америка армияси «Катта Яқин Шарқ» минтақасида мустаҳкам ҳарбий инфратузилмага эга бўлмай туриб, мусулмонларга қарши жанг қилиш салоҳиятига эга эмас. Пентагоннинг минтақавий зафарлари бевосита мана шу стратегик базалар тармоғига боғланиб қолган.

«Катта Яқин Шарқ» термини Вашингтон стратеглари ва сиёсатчилари томонидан ўйлаб топилган бўлиб, у анъанавий араб дунёсига Эрон, Покистон ва Афғонистонни ҳам тиркаб қўяди. Ушбу кенг камровли ҳудуддаги ҳарбий базалар ва денгиз портларини назорат қилиш Оқ уй учун энг устувор геосиёсий вазифадир. Зеро, бу нуқталар Американинг минтақавий гегемонлигини тутиб турувчи асосий таянчлардир.

Бундай стратегик эҳтиёжнинг сабаби оддий: Американинг Шарқий қирғоғидан Сувайш каналигача, шунингдек, Ғарбий қирғоғидан Ҳурмуз бўғозигача бўлган масофа ҳаддан ташқари узун ва ҳимоясиздир. Очиқ денгиз орқали келадиган таъминот йўллариининг заифлиги АҚШни минтақанинг ичида муқим ҳарбий станцияларга эга бўлишга мажбур қилади.

Ислом Уммати учун Америка ҳарбий инфратузилмаси — тананинг энг ички аъзоларигача кириб борган ва тезлик билан суғуриб ташланиши шарт бўлган заҳарли илоннинг ўзгинасидир. Трамп маъмурияти Ислом оламини Америка манфаатларига мослаб, куч ишлатиш йўли билан қайта хариталаштиришга уринмоқда. Бу стратегия натижасида ҳар бир мусулмон ўлкаси навбати билан ушбу «сиёсий илон»нинг заҳарли чақишидан жабр кўрмоқда.

Американинг Катта Яқин Шарқ минтақасида ҳарбий инфратузилмага бўлган эҳтиёжи

АҚШнинг Шарқий қирғоғи стратегиясига назар ташласак, Виржиния штатидаги Норфолк базаси дунёдаги энг йирик ҳарбий-денгиз объекти ва Атлантика флотининг бош бошқарув маркази эканини кўрамиз. Масалан, «Жералд Форд» типидagi авиаташувчи кемалар соатига 35 милгача (30 узел) тезлик билан ҳаракатлана олади. Бироқ, ушбу кемалар Сувайш каналига етиб келиши учун

5000-5500 денгиз милига тенг масофани босиб ўтиши шарт. Шундан сўнг, Яқин Шарқдаги Америка қўшинлари жойлашган Араб денгизига чиқиш учун тор канал, Қизил денгиз ва Бобул-Мандаб бўғози каби мураккаб йўллари кесиб ўтишга мажбур. Демак, АҚШдан чиққан улкан авиаташувчи Яқин Шарққа камида 10 кунда етиб келади. Бу ҳам бўлса, йўл давомида ҳеч қандай анъанавий ёки *асимметрик денгиз кучлари*⁵ қаршилиқ кўрсатмаган тақдирдагина мумкин.

Ғарбий қирғоқ йўналишида эса Тинч океани флотининг асосий порти — Сан-Диего базаси муҳим рол ўйнайди. Бу база Ҳурмуз бўғозидан 8000 дан 8500 милгача узоқликда жойлашган. Кемалар Тинч ва Ҳинд океанларини кесиб ўтиши учун одатда 10 кундан 14 кунгача вақт сарфлайди. Таъкидлаш жоизки, бундай тезкор етиб келиш фақатгина йўлнинг ҳар қандай босқичида ҳеч қандай тўсиқ ёки қарши кучлар мавжуд бўлмаган идеал шароитдагина амалга ошиши мумкин.

⁵ Асимметрик кучлар (قوات غير متكافئة): ўз имкониятлари бўйича расмий армиялардан заиф бўлса-да, қутилмаган ва таъсирли зарбалар бера оладиган гуруҳлар (масалан, Яман ҳусийлари ёки Сомалидаги кучлар).

Хулоса қиладиган бўлсак, АҚШ ҳудудидан Ислом оламининг марказига қадар чўзилган денгиз логистика тизимлари нафақат узун, балки стратегик жиҳатдан ниҳоятда заиф ва ҳимоясиздир. Ушбу йўллар Миср, Покистон ва Индонезия каби қудратли армияларга эга бўлган, шунингдек, Яман ва Сомали каби мафкуравий жиҳатдан собит асимметрик кучлар назоратидаги ҳудудларнинг бевосита ёнидан ўтади.

Бу ҳолат шундан далолат берадики, агар Ислом Уммати минтақавий денгиз назоратини ўз қўлига олса, Америка ҳарбий кучларини мусулмон ўлкаларидан бутунлай сиқиб чиқариш мумкин. Натижада, Вашингтон Трампнинг «Монро доктринаси»⁶ тамойилларига мажбуран қайтиб, фақат ўз ҳудуди ва атрофини ҳимоя қилиш билан чекланиб қолади. Бундай сафарбарлик АҚШнинг ҳар қандай эҳтимолий ҳужумини ҳали бошланмасдан туриб, стратегик босқичдаёқ қайтариш ва унинг кўламини жиловлаш имконини беради.

Яқин Шарқдаги Америка инфратузилмасининг асосий негизлари

Қўшма Штатлар «Катта Яқин Шарқ»да ўз гегемонлигини мустаҳкамлаш ва минтақани ўз мақсадларига мослаб қайта шакллантиришда маҳаллий ҳарбий инфратузилмага таянади. Бу тизим ҳарбий ҳаракатлар чоғида океанорти логистика йўлларининг узунлиги ва заифлигидан келиб чиқувчи хатарларни минималлаштиришга хизмат қилади. Пентагоннинг минтақавий таянч нукталари қуйидагилардан иборат:

- **Баҳрайн:** АҚШ Ҳарбий-денгиз кучлари 5-флотининг марказий қўмондонлик қароргоҳи.
- **Қатар:** Доҳа яқинидаги «Ал-Удайд» авиабазаси. 24 гектарли ушбу объект АҚШ Марказий қўмондонлигининг (CENTCOM)

асосий пункти бўлиб, 10 минг нафар аскарни ўз бағрига олган.

- **Кувайт:** Америка Марказий армиясининг «Арифжон», «Али ас-Салим» ва «Буринг» лагерлари — қуруқликдаги қўшинларнинг стратегик нукталари.
- **БАА:** Абу-Даби яқинидаги «Аз-Зафра» авиабазаси — Ҳарбий-ҳаво кучларининг ҳаётий муҳим пойдевори.
- **Ироқ:** Анбордаги «Айн ал-Асад» ва шимолдаги «Эрбил» базалари — Американинг минтақадаги ҳарбий иштирокини таъминловчи марказлар.
- **Саудия Арабистони:** Риёд жанубидаги «Амир Султон» авиабазаси.
- **Иордания:** Аммон яқинидаги «Муваффақ ас-Салтий» базаси — АҚШ ХХКнинг 332-экспедицион қаноти жойлашган макон.
- Вашингтон учун яна бир ўта муҳим «олдинги пост» мавжуд бўлиб, у — яҳудий вужудидир. Ушбу субъект Ислом ўлкаларига кетма-кет зарбалар бериш орқали Американинг минтақавий режаларига хизмат қилади. Яҳудий вужуди Трампнинг Ғарбдаги таянчи бўлса, Шарқда уни «ҳинду давлати» (Ҳиндистон) тўлдириб туради. АҚШ, сионистик режим ва Ҳиндистон ўртасидаги уч томонлама мувофиқлаштирилган ҳамкорлик Ислом оламини заифлаштиришга қаратилган ягона мақсад атрофида бирлашган.
- Американинг захира режаларида ўзига тобе малай режимлар бошқараётган кучли Ислом юртларидаги ҳарбий базалар алоҳида ўрин тутди. Масалан, 2001 йилда Афғонистонга ҳужум қилишда Туркия ва Покистон базаларидан унумли фойдаланилган. АҚШ армияси мусулмонларга қарши урушда — бу хоҳ кичик Афғонистон, хоҳ йирик Эрон бўлсин — минтақадаги қўғирчоқ режимлар тақдим этадиган таъминот йўлларисиз ҳеч нарса қила олмайди.
- Америка ҳарбий машинасининг яна бир муҳим бўғини — Бағдод ва Исломобод каби пойтахтлардаги улкан элчихоналар ичига

⁶ **Монро доктринаси:** АҚШнинг ташқи дунёга аралашмай, фақат ўз минтақаси билан чекланишини англатувчи сиёсий тамойил.

Трампнинг "Америка биринчи" сиёсати шу доктринанинг замонавий кўриниши сифатида талкин қилинмоқда.

яширилган кузатув ва алоқа марказларидир. Шу боис, АҚШнинг ҳарбий салоҳиятини фалаж қилишга қаратилган ҳар қандай стратегик режа «дипломатик ваколатхона» ниқоби остидаги ушбу жосуслик уяларини зарарсизлантиришни биринчи галдаги вазифа қилиб қўйиши лозим.

Вашингтоннинг кенгайиш режалари ҳамон кун тартибида турибди. Хусусан, Трамп Афғонистондаги «Баграм» авиабазасини қайтариб олишга астойдил интилмоқда. У 2025 йилги чиқишларидан бирида бу базанинг стратегик аҳамиятини алоҳида таъкидлаган эди. Трампнинг «ҳинду давлати» орқали афғон мужоҳидлари ва Покистон армияси ўртасида фитна уруғини сочишдан мақсади — минтақани беқарорлаштириш орқали «Баграм»ни қайта эгаллашдир. Зеро, бу база нафақат ядровий Хитойга, балки ядровий Покистонга зарба бериш учун ҳам қулай трамплиндир.

Демак, Умматнинг Америка ҳарбий илонини суғуриб ташлашга қаратилган ҳар қандай стратегик амалиёти ушбу кенг қамровли инфратузилмани ва унинг яширин тармоқларини тўлиқ йўқ қилишни кўзда тутиши шарт.

Ўз ҳудудларидаги Америка ҳарбий инфратузилмасини таг-туғи билан йўқ қилиш — Ислом Умматининг кечиктириб бўлмас вожиб бурчидир!

Ислом Уммати заминларида Америка ҳарбий тузилмаларининг илдиз отиши — соғлом мантиққа зид ҳодисадир. Масалан, Хитой ёки Россия каби ғайридин давлатлар ўз ҳудудларида АҚШнинг бундай улкан ҳарбий базалари жойлашишига ҳеч қачон изн бермаган бўларди. Шундай экан, Муҳаммад ﷺ нинг мўмин уммати қандай қилиб бунга тоқат қилиши мумкин?!

Мусулмон ўлкаларидаги АҚШ армияси — ўз эгасини тинимсиз захарлаётган илонга ўхшайди, бироқ унинг тишларини суғуриб ташлаш ўрнига, ҳамон эътиборсизлик қилинмоқда. Бу даҳшатли лоқайдлик ҳатто

мусулмон ҳукмдорлари дастак қилаётган «миллий манфаат» мезонларига ҳам мутлақо зиддир.

АҚШ ҳарбий инфратузилмаси — Трампнинг Ислом оламини кучсизлантириш ва қайта хариталаштириш режасининг асосий воситасидир. Унинг яқин иттифоқчиси Нетаньяху «шиа ўқи»дан сўнг, «сунний ўқи»ни ҳам парчалаш зарурлигини очик эълон қилди. У 2026 йил февралидаги баёнотида экстремизмга қарши кураш ниқоби остида ҳам шиа, ҳам сунний блокларига зарба бериш орқали Исроил манфаатларига хизмат қилувчи янги геосиёсий ўқ яратиш ҳақида гапирди. Бу ҳолат Туркия, Миср ва ядровий Покистон каби қудратли сунний давлатлар армияларидаги холис ҳарбийларни жиддий хавотирга солиши шарт.

Ядровий мақомга эга Покистон атрофидаги геосиёсий вазият АҚШни тобора қаттиқроқ хавотирга солмоқда ва бунинг учун етарли асослар мавжуд. 2026 йил 18 мартда АҚШ Миллий разведка директори идораси томонидан эълон қилинган «2026 йилги глобал таҳдидларни баҳолаш» ҳисоботида Покистоннинг ҳарбий салоҳиятига алоҳида тўхталиб ўтилган. Ҳисоботнинг 25-саҳифасида таъкидланишича: *«Покистон ракета технологияларини шу қадар жадал ривожлантирмоқдаки, эндиликда унинг армияси Жанубий Осиё ҳудудидан ташқаридаги нишонларни беҳато уриш имконига эга. Агар бу тенденция давом этса, Исломбод тез орада Қўшма Штатларнинг бевосита ҳудудига таҳдид солувчи қитъалараро баллистик ракеталарга эга бўлади».*

Бу эътирофлар Дональд Трампнинг 2025 йил октябридаги шов-шувли баёноти билан ҳамоҳангдир. Трамп ўшанда «Покистон ядровий синовлар ўтказяпти», деб бонг урган эди. Ҳатто суҳбатдоши бу маълумотга шубҳа билан қараганида ҳам, Трамп қатъий равишда: *«Шубҳасиз, уларда бу қурол бор»*, дея таъкидлаган. Бундан ташқари, 2026 йил март ойида АҚШ Уруш вазири Эрон каби давлатларни «набавий исломий қарашларга

ёпишиб олган экстремистик режимлар» деб атаб, уларнинг ядровий қуролга эга бўлишига асло йўл қўйилмаслигини уқтирган эди.

Трамп маъмуриятининг «Катта Яқин Шарқ»ни ўз манфаатларига мослаб қайта шакллантириш стратегиясида Покистон омили марказий ўрин тутди. Зеро, Покистоннинг қудратли ядровий арсенали нафақат унинг ўзини ҳимоя қилади, балки Форс кўрфази давлатлари, Эрон ва Миср армиялари учун ҳам стратегик «ядровий соябон» ва ҳимоя қалқони бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай ядровий тийиб туриш салоҳияти Ислом Уммати кучларига Яқин Шарқдаги Америка хавфсизлик тизимини батамом парчалаб ташлаш учун зарур бўлган вақт ва сиёсий иродани тақдим этади.

Ҳатто воқеликка ҳукмрон доиралар дастак қилаётган тор «миллий манфаатлар» призмасидан қараганда ҳам, АҚШ ҳарбий инфратузилмасини тугатиш — миллий хавфсизликнинг энг устувор вазифасидир. Зеро, бу бегона ҳарбий кучларнинг мавжудлиги давлат суверенитети учун шунчаки хавф эмас, балки унинг борлигини инкор этувчи экзистенциал (ҳаётий) таҳдид даражасига кўтарилган.

Бироқ сиёсий омиллардан ҳам устунроқ ва муҳимроқ бир ҳақиқат бор: Ислом тупроқларида АҚШ ҳарбий инфратузилмасининг ўрнатилиши Аллоҳ таолонинг шариатида ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга эмас. Ислом Уммати учун ғайридин давлатлар билан ҳарбий блоklarга аъзо бўлиш, «қўшма мудофаа» ёки «стратегик хавфсизлик» каби битимлар имзолаш қатъиян ман этилади. Мусулмон юртларидаги ҳарбий базалар, аэропорт ва портларни кофир армиялар ихтиёрига ижарага бериш ёки ҳар қандай логистик имтиёзлар тақдим этиш —

Исломда ҳаром қилинган амаллар сирасига киради.

Ислом ҳукмига кўра, мусулмон кишининг куфр байроғи остида, ботил ғоялар йўлида ёки бегона давлат манфаатларини кўзлаб жанг қилиши асло мумкин эмас. Шунингдек, кофир кучларга мусулмонлар устидан ёхуд исломий заминлар устидан ҳукмронлик ва ваколат (султон) бериш — динимиз асосларига зиддир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ мусулмонларни куфр кучларидан ҳарбий кўмак сўрашдан қатъий қайтарганлар. У зот: «**Мушриклар олови билан ёритманг...**⁷» деб марҳамат қилганлар. Бу ердаги «олов» ибораси ҳарбий куч ва урушга нисбатан ишлатилган мажозий ифода бўлиб, мушрикларнинг уруши ва қудратидан паноҳ изламасликка чақиради. Бошқа бир ҳадиси шарифда эса: «... **Албатта, биз мушриқдан ҳарбий ишда ёрдам сўрамаймиз...**⁸», дея таъкидлаганлар.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда мўминларга хитоб қилиб айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّخِذُوا الْكَافِرِينَ أَوْلِيَاءَ مِن دُونِ الْمُؤْمِنِينَ ۚ أُرِيدُونَ أَن تَجْعَلُوا لِلّٰهِ عَلَيْكُمْ سُلْطٰنًا مُّبِينًا﴾

«Эй иймон келтирганлар! Мўминларни қўйиб, кофирларни дўст (иттифоқчи) қилиб олманглар! Аллоҳ ҳузурида ўз зарарингизга очиқ ҳужжат бўлишини истайсизми?!»⁹ Илоҳий ҳикматдан кўра мукамалроқ йўл йўқдир. Бинобарин, шариатда АҚШ ҳарбий базаларига мезбонлик қилишни ёки уларга Ислом юртларидан фойдаланиш ҳуқуқини беришни оқловчи бирорта асос мавжуд эмас. Американинг «Катта Яқин Шарқ»ни қайта қуриш

⁷ **Ровий:** Анас ибн Молик. **Муҳаддис:** Аҳмад. **Манба:** «Муснади Аҳмад» 11954 ҳадис. Шунингдек: Насой «Сунан ал Кубро»да(5209), Шавконий «Найлул автор» (8/43) ва «Шуъбул Имон Байҳақий»(8930)».

⁸ **Ровий:** Оиша онамиз. **Муҳаддис:** Ибн Ҳиббон. **Манба:** «Саҳиҳ Ибн Ҳиббон» 4726 ҳадис. **Муҳаддис ҳулосаси:** Саҳиҳ. Шунингдек:

«Саҳиҳ Муслим»(1817), «Сунани Абу Довуд»(2732), «Сунани Термизий»(1558), Насой «Сунан ал Кубро»да(8886) ва «Муснади Аҳмад»(24386)

⁹ Нисо сураси, 144-оят

лойихасида унинг ёнида туриб жанг қилиш эса — бутунлай залолатдир.

Америка ҳарбий инфратузилмасини парчалаб ташлашнинг моддий имкониятлар

Аллоҳ таоло мусулмонларнинг бугунги авлодига, ўнлаб йиллар давом этган зулм ва машаққатлардан сўнг, Американинг ҳарбий тазйиқидан халос бўлиш учун тарихий ва «олтин» имкониятни тақдим этди:

- Эронга қарши бошланган ҳарбий амалиётларнинг илк ҳафталаридаёқ АҚШнинг Европадаги анъанавий иттифоқчилари Вашингтондан юз ўгира бошладилар. Бунга Американинг Европага жаҳон сиёсатида нуфуз бағишлаб келган 66 та халқаро институтдан бир томонлама чиқиб кетгани сабаб бўлди. Натижада, европалик шериклар Оқ уйнинг янги урушга қўшилиш ҳақидаги даъватларини кескин рад этдилар.

- Ўз навбатида, Россия ва Хитой Қўшма Штатларнинг янги можаролар гирдобига шўнғишини стратегик мамнуният билан кузатмоқда. Зеро, Америка илгари Россияни Украина «ботқоғи»га ботиришга уринган, Хитойни эса иқтисодий қамал қилиб, унинг энергия ресурслари ва нодир металллар бозорига чиқиш йўллари тўсиб қўйган эди. Эндиликда Вашингтоннинг ўзи худди шундай геосиёсий тузоққа тушиши Пекин ва Москва учун кутилган имконият бўлди.

- Форс кўрфази минтақасидаги мусулмонлар учун Американинг «хавфсизлик кафолатлари» нақадар пуч экани фош бўлди. Жамоатчилик мусулмон ҳукмдорлар аслида АҚШ ҳарбий инфратузилмасининг оддий соқчилари эканини аччиқ воқелик мисолида англаб етди. Эроннинг дастлабки шиддатли зарбалари қаршисида АҚШ базаларининг ҳимоясиз қолгани шуни кўрсатдики, бу базалар минтақа халқларини эмас, балки фақатгина Америка ва Сионист армиясининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун хизмат қилар экан.

Америка армиясининг «енгилмаслиги» ҳақидаги кўп йиллик афсона Эрон

ҳарбийларининг кескин амалиётлари натижасида чилпарчин бўлди. Вашингтоннинг ҳарбий ҳайбатига берилган бу зарба бутун Ислом Умматида ва Американинг дунёдаги барча рақибларида катта руҳий кўтарилиш ва умид уйғотди.

Америка бошқарув тизимидаги нуфузли сиёсий доиралар ва давлат сиёсатида таъсир ўтказувчи «сахна ортидаги» кучлар ушбу тўқнашувни Қўшма Штатларнинг бутунлай инқирозига олиб келиши мумкин бўлган «ҳолдан тойдирувчи уруш» деб баҳолаб, амалдаги сиёсатга путур етказа бошладилар. Бундай ички босимлар остида Трамп маъмурияти вақт жадвалларини қайта кўриб чиқишга ва қўшимча кучларни сафарбар қилишга мажбур бўлди. Шу тариқа, Трамп муқаррар мағлубиятдан қочиш мақсадида музокаралар тактикасини ишга солди. Бундан кўзланган асосий мақсад — қўшинларни жамлаш учун вақт ютиш ва армия жанг майдонида эриша олмаган натижаларни дипломатик стол атрофида қўлга киритишдир. Шу билан бирга, Трамп Ислом оламидаги ўз малайларига, ҳатто зоҳиран Исломга хайрихоҳлик ниқобини кийган ҳолда бўлса-да, Америка манфаатлари учун урушга шай туриш ҳақида қатъий кўрсатма берди.

Умуман олганда, Ислом Умматининг қуролли кучлари ўз ҳудудларида жойлашган барча АҚШ ҳарбий нуқталари ва уларнинг логистик тармоқларини жиловлаш учун қулай стратегик мавқега эга. Америка базаларига қарши кенг кўламли қуруқлик амалиётларини ўтказишда Уммат ихтиёридаги ядровий арсенал, китъалараро баллистик ва гипертөвушли ракеталар ишончли «стратегик тийиб туриш соябони» бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда мусулмон ўлкаларнинг мунтазам қўшинлари миллионлаб аскарни ташкил этса, Ислом ва Уммат ҳимояси учун майдонга чиқишга қодир бўлган эркаклар сони юз миллионлардан ошади.

Хулоса қилганда, объектив ва моддий воқелик шуни кўрсатмоқдаки, Аллоҳ Ислом Умматига инъом этган барча ресурслар бугун унинг фойдасига хизмат қилмоқда. Ушбу

улкан салоҳиятни тўлиқ рўёбга чиқариш учун фақат бир стратегик шарт мавжуд: у ҳам бўлса, Америка ҳарбий манфаатларининг «биринчи мудофаа чизиғи» бўлиб турган малай ҳукмдорларни ҳокимиятдан четлатишдир.

Энг муҳим омил — жанговар руҳият ва иймон қудрати

Американинг минтақадаги ҳарбий инфратузилмаси ва уни бартараф этиш учун мавжуд моддий имкониятларни таҳлил қилгач, навбатдаги ва энг асосий масалага — зафарни таъминловчи бош омил, яъни **аскарларнинг жанговар руҳияти ва иймонига** тўхталиш зарур. Зеро, айнан иймон ҳарбий тизимнинг маънавий устуни бўлиб, армияни ички парокандалик ва мағлубиятдан асрайди, уни музаффар юришларга сафарбар этади.

Ҳар қандай исломий сиёсий лойиҳа Ислом ақидаси билан суғорилмас экан, у ўз мақсадига эриша олмайди. Маълумотларни тўплаш, шаръий устуворликларни белгилаш ва стратегик режалар тузиш қанчалик муҳим бўлмасин, ақидасиз ҳар қандай лойиҳа нуқсонли бўлиб қолаверади. Агар сиёсий мақсадлар йўлида ўз вақти, соғлиғи, мол-мулки ва ҳатто жонини фидо қилишга тайёр бўлган **ҳақиқий жасоратли азаматлар** бўлмас экан, энг мукаммал режалар ҳам жонсиз қоғоз бўлиб қолаверади.

Умматнинг Ғазо ва Ливандан тортиб Яман ва Эронгача бўлган кенг ҳудудлардаги АҚШ ҳарбий кучларига қарши кураш тажрибаси шуни кўрсатдики, Ислом ақидасисиз ҳеч қандай стратегик муваффақиятга эришиб бўлмайди. Бугун Ислом Уммати иймонсиз ғарб жамияти, босқинчи сионистлар ва мушрик ҳиндулардан фарқли ўлароқ, ўзининг **ғоявий ва маънавий-руҳий устунлиги** билан ажралиб туради. Бу илоҳий қудрат эса ҳар қандай замонавий курул-аслаҳадан кучлироқдир.

Душманнынги маънавий инқирози ва заиф эътиқодий пойдевори

Душман лагери бўлмиш АҚШда эса вазият бутунлай бошқача. Америка армияси қўмондонлиги 2026 йил 28 февралда бошланган Эронга қарши ҳарбий ҳужумни аскарлар орасидаги ваҳима ва кўрқувни жиловлаш мақсадида «муқаддас уруш» сифатида талкин қилмоқда. 2026 йил 3 март куни Американинг «Ҳарбий диний эркинликлар фонди» (MRFF) аскарлардан келаётган кўплаб шикоятларни эълон қилди. Унга кўра, ҳарбий раҳбарлар шахсий таркибни Эрондаги уруш Исо Масиҳнинг қайтиши учун «илоҳий режа» эканига ишониришга уринмоқда. Офицерлардан бирининг таъкидлашича, қўмондонлик Инжилдаги «Ваҳий» китобига таяниб, жангни Армагеддон олдидаги сўнгги босқич деб атаган. Ҳатто Президент Трамп ушбу буюк жангни бошлаб бериш ва Масиҳнинг қайтишига замин яратиш учун «илоҳий танланган шахс» сифатида тақдим этилмоқда. 2026 йил 25 мартда эса Пентагон раҳбари Пит Хегсет уруш бошланганидан бери илк бор жамоавий ибодат ўтказиб, «шафқатга нолойиқ кимсаларга» нисбатан шафқатсиз куч ишлатишга чақирди.

Бироқ, амалдаги воқелик бундай «диний ниқоб»лар ҳам Америка аскарларидаги чуқур кўрқувни енга олмаслигини кўрсатди. Юқори тайёргарликка эга Эрон армияси билан тўқнашувда америкаликлар оғир руҳий босим остида қолмоқда. Аслида, бу кўрқув янгилик эмас; ҳатто Афғонистондаги енгил қурулланган кичик мужоҳидлар гуруҳлари ҳам АҚШ армиясини саросимага сола олган эди. Америкалик ҳарбийларнинг руҳий синиши шу даражага етдики, кўпчилик жанг майдонида ҳалок бўлишдан кўра ўз жонига қасд қилишни афзал кўра бошлади. «Саломатлик иқтисодиёти журнали»нинг (2013 йил) таҳлилига кўра, Афғонистон уруши даврида ўз жонига қасд қилган америкалик аскарлар сони (2676 нафар) бевосита жанг майдонида ҳалок бўлганлар сонидан (1950 нафар) анча юқори бўлган.

Мана шундай маънавий инқироз сабабли АҚШ 2021 йил 30 августда Афғонистондан шармандаларча чиқиб кетишга мажбур бўлган

эди. Америка ҳарбий раҳбариятининг мусулмонларга қарши курашда насронийлик ғояларидан фойдаланиб, аскарларни руҳлантиришга бўлган уринишлари мутлақо муваффақиятсизликка учради. Бугун Эронда ҳам айна шундай мафкуравий инқироз такрорланмоқда: жанг қилиш учун эътиқодий замини бўлмаган армия, қанчалик замонавий қуролланмасин, иймонли кучлар қаршисида ожиз қолаверади.

Американинг ҳар қандай ҳарбий тузилмаси ўз-ўзидан мафкуравий инқироз ва маънавий фалажликка маҳкумдир. Мусулмонларга қарши курашда АҚШ армияси таянаётган бугунги насронийлик таълимоти аскарларга зарур бўлган жанговар руҳни беришга ожизлик қилмоқда. Асрлар давомида ўзгартириб юборилган ва илоҳий моҳиятини йўқотган бугунги эътиқод тизими ҳарбий доктрина учун пойдевор бўла олмайди. Бу бузилган ақида ўз эргашувчиларида фидокорлик, матонат ва ҳақиқий қаршилик кўрсатиш иродасини сўндириб, уларни маънавий заифликка гирифтор этган.

Ўз ирқчилик қарашлари билан танилган Трамп ўз вақтида Гитлер тан олган аччиқ ҳақиқатлар ҳақида мулоҳаза юритиши лозим. Альберт Шпеернинг хотираларида Гитлернинг шундай сўзлари келтирилади: *«Бизнинг энг катта бахтсизлигимиз — нотўғри динни танлаганимиздир. Нега биз ватан учун жон фидо қилишни олий саодат деб биладиган японларнинг эътиқодини ёки жангчилик руҳига эга бўлган Ислонни қабул қилмадик? Насронийлик ўзининг бўшанглиги ва заифлиги билан бизни орқага тортди»*. Бу эътироф бугунги Америка армияси учун ҳам айна ҳақиқатдир.

Аслида, АҚШ давлат бошқарувидаги яширин элита ва бугунги америкаликлар насронийликка эмас, балки капитализм динига эътиқод қиладилар. Тизим ичидаги қудратли доиралар аскарларни жангга ундаш учун диндан шунчаки восита сифатида фойдаланмоқда. Аслида эса улар капиталистик элита, қурол-яроғ ва нефть корпорацияларининг моддий манфаатларини

кўзлайди. Бу шахсий бойлик орттириш илинжини «миллий манфаат» деган сохта ниқоб остида армияга сингдиришга уринишмоқда. Бироқ, бу сиёсий мунофиқлик бугун фош бўлди ва Америка жамиятида, айниқса, армия сафида чуқур руҳий тушқунлик ва ишончсизликни келтириб чиқарди.

Бугунги Америка ҳарбийлари ўз эътиқоди учун океанларни кесиб ўтган, заҳматкаш ва диндор аجدодларига мутлақо ўхшамайди. Ҳозирги офицерлар корпуси — чексиз истеъмолчилик, моддиятпарастлик ва шахсий қулайликка сиғинувчи авлод маҳсулотидир. Худбинлик ва ўз жонини асраш туйғуси устун бўлган бундай аскарлар қандай қилиб мусулмонлар билан бўладиган узоқ давом этувчи ва машаққатли урушда сабот кўрсатиши мумкин? Юксак ғоявий ва иймоний қувватга эга бўлган кучлар қаршисида бундай маънавий кемтик армиянинг парчаланиб кетиши фақатгина вақт масаласидир.

Ислон кўшинининг тебранмас иймони ва стратегик устунлиги

Ислон Уммати ўз қуролли кучларини амалдаги кўғирчоқ ҳукмдорларнинг ботил сиёсатидан халос қилиб, соф ислоний ақида асосида сафарбар этиши лозим. Зеро, ислоний ҳарбий доктринанинг негизида сунъий «миллий манфаат»лар эмас, балки илоҳий қадриятлар ётади. Ислонда миллатчиликка ўрин йўқ: Индонезиядан тортиб Мағрибгача бўлган мусулмонларнинг тақдири ягонадир. Фаластин, Эрон, Кашмир, Сурия ёки Ямандаги қонли воқеалар ҳар бир мусулмоннинг муштарак дарди бўлиб, ислоний армиялар ушбу мазлумларни ҳимоя қилиш учун Аллоҳ ҳузурида бевосита масъулдирлар.

Мусулмонлар учун шариат мезонларига зид бўлган ҳеч қандай «сиёсий манфаат» мавжуд эмас. Ислон армия зиммасига мазлум мусулмонларга ёрдам бериш, босиб олинган ерларни озод қилиш ва мустамлакачи кучлар билан ҳарбий иттифок тузишни қатъиян

тақиқлаш вазифасини юклайди. Шариат буйруғига кўра, мусулмон тупроқларидаги хорижий истило — у меҳмон ниқобидаги Америка базаси бўладими ёки минтақадаги энг йирик база ҳисобланмиш Сионист режими бўладими — бутунлай тугатилиши шарт.

Маънавий ва иймоний жиҳатдан Америка қўшинлари мусулмон мужоҳидлар таянадиган илоҳий қудратдан маҳрумдирлар. Аллоҳ таоло Нисо сурасида марҳамат қилади:

﴿وَلَا تَهِنُوا فِي ابْتِغَاءِ الْقَوْمِ إِن تَكُونُوا تَأْلُمُونَ فَإِنَّهُمْ يَأْلُمُونَ كَمَا تَأْلُمُونَ وَتَرْجُونَ
مِنَ اللَّهِ مَا لَا يَرْجُونَ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا﴾

«Душманни таъқиб қилишда сустлик қилманг! Агар сиз заҳмат чекаётган бўлсангиз, улар ҳам худди шундай заҳмат чекмоқдалар. Лекин сиз Аллоҳдан улар умид қилмайдиган шаҳидлик ва жаннатни умид қиласиз». Ибн Касир тафсирида таъкидланганидек, мусулмонларнинг илоҳий мукофотга бўлган қатъий ишончи уларни душмандан кўра чидамлироқ ва шижоатлироқ қилади.

Ислом ақидаси фақат фидокорликка эмас, балки якуний ғалабагача собит туришга ундайди. Муҳаммад сурасида таъкидланганидек:

﴿فَلَا تَهِنُوا وَتَدْعُوا إِلَى السَّلَامِ وَأَنْتُمْ الْأَغْلَوْنَ وَاللَّهُ مَعَكُمْ وَلَنْ يَتَرَكَمُ أَعْمَالَكُمْ﴾

«Бас, бўшашиманглар ва устун бўлиб турган ҳолингизда заифлик билан сулҳга чақирманглар! Аллоҳ сизлар билан биргадир ва У амалларингиз савобини асло камайтирмас». Имом Табарий буни Аллоҳнинг нусрати мусулмонлар билан экани деб изоҳлайди. Демак, Американинг стратегик инқирози ва мағлубияти аниқ бўлиб қолган бир пайтда, у билан «тинчлик музокаралари» олиб бориш ёки сулҳ тузиш диний ва стратегик жиҳатдан мутлақо нотўғридир.

Бугун ер юзида исломий армия эга бўлган маънавий пойдеворга эга бошқа бирор куч мавжуд эмас. Ислом ақидаси шунчаки назария

эмас, балки ақлий ва нақлий далиллар билан мустаҳкамланган қатъий ишончдир. Айнан шу ақида исломий ҳарбий маданиятнинг ўзаги ва армиянинг бош устунидир. Бу ғоявий муҳит ҳарбий қўмондонларнинг иродасини тоблайди. Натижада, мусулмон жангчилари душман қанчалик замонавий қуроолларга ва мустаҳкам истеҳкомларга эга бўлмасин, уни тор-мор этишга қодир бўладилар.

Хулоса: Америка ҳарбий мустамлакачилигидан озод бўлиш сари илк қадам

Эй Ислом Уммати ва унинг мард ўғлонларидан иборат армиялари! Келинг, Яқин Шарқ заминида мусулмонларнинг жонига қасд қилиб турган Америка ҳарбий инфратузилмаси деб аталмиш машъум илоннинг бошини янчайлик! Бу заҳарли илон Умматни қайта-қайта чақиб, қонини ичди. Унинг заҳарли тишлари суғуриб ташланмас, ўзи бутунлай йўқ қилинмас экан, у чақишда ва қирғин қилишда давом этаверади. Бугунги халқаро сиёсий вазият, минтақавий шароит ва Уммат ихтиёридаги улкан моддий имкониятларнинг барчаси бизнинг фойдамизга ишламоқда.

Энг муҳими, Ислом Уммати ва унинг қўшинлари Аллоҳ таолога бўлган мустаҳкам иймонга таянадилар. Тарих гувоҳ: мусулмон аскарлари ўз даврининг энг қудратли истилочилари бўлган салибчилар ва мўғул босқинчиларини мағлуб этиб, тарих қабристонига қўмган. Ҳатто яқин ўтмишда — Афғонистон ва Ироқдан тортиб, Фаластин ва Ямангача бўлган жанг майдонлари Аллоҳ йўлида жон фидо қилган мусулмонларнинг илоҳий қудрати қаршисида суперкучлар қандай ожиз қолишини исботлади. Шу сабабли, мусулмон қўшинлари Америка истилосига қарши бор кучлари билан қатъий жангга киришишлари ва икки гўзал оқибатдан бирига — ё зафарга, ё шаҳидликка интилишлари шарт!

Озодлик сари ташланадиган илк ва энг муҳим қадам — Ислом ақидасига хиёнат қилаётган ва босқинчи душманнинг ҳар бир

кадамини қўллаб-қувватлаётган малай ҳукмдорларни ҳокимиятдан четлатишдир. Шундан сўнггина, мусулмон қўшинлари бошқарувни Ислоннинг соф ақидасига асосланган адолатли раҳбарият қўлига топшириши керак.

Дарҳақиқат, Американинг минтақадаги ҳарбий ҳукмронлигини тугатишнинг ягона ва амалий йўли — мусулмон зобитларнинг

Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Рошид Халифаликни қайта тиклаш учун Ҳизб ут-Таҳрирга сиёсий-ҳарбий нусрат (ёрдам) беришидир. Ана ўшанда Рошид Халифа Ислон оламини Американинг фосид ҳарбий тизимидан тозалаш учун қўшинларни узил-кесил ҳал қилувчи жангга бошлайди. Бу жанг куфрни хор ва мағлуб этувчи, Ислон динини ва мусулмонларни дунё саҳнасида қайта азиз қилувчи зафарли юриш бўлажак инша Аллоҳ!

ҚУЮҚЛАШГАН ЗУЛМАТ — ТОНГДАН МУЖДА!

Бугун даъват майдонида бел боғлаб, халқнинг ичига чуқур кириб борган ҳар қандай киши Умматнинг айрим қатламларини қамраб олган қарахтликни пайқаши учун эксперт бўлиши шарт эмас. Бу лоқайдлик шунчаки сўзлардаги совуқлик эмас, балки мустабид режимларнинг ўз халқига қилаётган очиқ-ошкора тажовузлари, зулму истибдодлари қаршисида бирор жўяли акс-садо берилмаётганида, айнан, Умматнинг сукутида яққол намоён бўлмоқда.

Мавжуд тизимлар Умматни қашшоқлик ботқоғига улоқтириб, мўмин-мусулмонларнинг ризқ-насибасини қиймоқда, одабийлик шаънини тупроққа қориштирмоқда. Энг оғриқли жиҳати шундаки, золимлар қилмишларига яраша кескин ғазаб қаршилигига учрамаяпти, аксинча, худди доим сувдан куруқ чиқадигандек ўз жиноий қилмишларини бемалол давом эттирмоқдалар.

Аслида, бундай ҳолат халқлар тарихидаги табиий оқимдир; у одатда оғир мағлубият ва мусибатли инқирозлардан сўнг бўй кўрсатади. Халқаро сиёсий доиралар мажбуран тиқиштирган «янги воқелик» қояларига урилиб, «Араб баҳори»дан кутилган умидлар чил-чил бўлди. Мана шу муваффақиятсизлик ортидан Уммат маънавий ва сиёсий тушкунликнинг энг қаърига қараб шўнғиди.

Бу тушкунлик Ғазонинг қонли мусибатлар ичида қаровсиз ва ёлғиз ташлаб қўйилиши билан янада захарли тус олди. Мазкур фожида мусулмонларнинг жамоий ожизлиги ҳеч қандай пардасиз, бор бўйича фош бўлди. Натижада, бугунги куннинг энг ҳассос нуқтасида турган, қалби уйғоқ ёшлар қаршисида ўша машҳур савол янада кескинроқ янгради: «Хўш, энди нажот йўли қаерда? Нима қилмоғимиз керак?»

Афсуски, ҳақиқат излаб талпинган ёшларга тақдим этилган «муолажалар»нинг аксари дарднинг асл илдизини даволашдан йироқ ва мажруҳ бўлиб чиқди. Бу таклифлар Умматни зулматдан олиб чиқувчи аниқ йўл кўрсатиш ўрнига, шунчаки якка тартибдаги тасбеҳу ибодатлар, дарвешлик ёки маиший муаммолар атрофида ўралашиб қолишдан нарига ўтмади. Оқибатда, нажот қидирган ёшлар таскин топиш ўрнига, аввалгидан-да қаттиқроқ

довдираб, хайрат ва истиҳола кўчасида адашиб қолдилар.

Шубҳасиз, яқин тарихимиздаги ижтимоий манзара бир жойда собит тургани йўқ. Халқ оммаси ҳар бир сиёсий зилзиладан сўнг гоҳ жўшқин шижоат, гоҳ оғир умидсизлик каби зиддиятли ҳиссиётлар уммонида қалқиди. Оддий халқ учун бундай «дам иссиқ, дам совуқ» кайфият табиий ҳолдир. Зеро, омма доимо майдондаги ҳукмрон сиёсий босим таъсирида ҳаракатланади ва вазиятнинг паст-баландлигига қараб муносабат билдиради.

Бироқ бир муҳим жиҳатдан хушёр бўлмоғимиз, қалбимизни уйғоқ тутмоғимиз лозим: халқнинг турфа кайфияти ва ўткинчи ҳиссиётлари Уммат нажоти йўлида бел боғлаган заҳматкашларни асл муддаодан чалғитмаслиги керак. Умматнинг бугунги беқарор аҳволи уйғонишнинг асл моҳиятига асло раҳна сололмайди. Зеро, чинакам уйғониш омманинг вақтинчалик ҳиссиётлари устига бино қилинмайди ва одамларнинг дам қизиб, дам совишига қараб ўз суръатини ўзгартирмайди.

Чинакам нажот ва нусрат — Умматнинг Аллоҳнинг нусратига лойиқ бўлган, холис ва уйғоқ бир тоифаси томонидан олиб бориладиган ниҳоятда пухта, ғоявий фаолиятнинг мевасидир. Халқ оммаси эса, одатда, тарози паллалари ўзгариб, сиёсий воқеликда ҳал қилувчи бурилиш ясалгандагина майдонга отилиб чиқади. Қачонки Одил Халифа «Ҳайя алал-жиход, ҳайя алал-фалаҳ — нажот ва зафар сари олға!» дея хитоб қилса, одамлар мавжланиб, бу муаззам қарвонга тўп-тўп бўлиб қўшиладилар. Зеро, бу Умматнинг фитратида Ҳақнинг Ботил устидан зафар қучишига бўлган соғинч худди тошқин селдек

жўшқиндир. Ўша ҳал қилувчи соатларда золим тоғутлар ҳайрат ва мағлубият исканжасида лол қолажақлар.

Шу боис, Ислом рижолларига Умматнинг бугунги карахтлигидан руҳан чўкиш ёки ҳақ йўлнинг мезонини омманинг ўткинчи кайфияти билан ўлчаш асло ярашмайди. Аксинча, улар Ҳақ сари одимларини янада жадаллаштиришлари, бу муборак соҳада тоғдек собит туриб, ортга асло назар ташламасликлари фарздир. Зеро, тарих гувоҳ: йўлда аланглаган мусофир манзилга етолмайди. Бу йўл машаққатли, ҳар қадами синов ва тўсиқларга тўладир, бироқ Аллоҳнинг «Илоҳий ўзгариш мезонлари» ҳеч кимга хушомад қилмайди ва кимнингдир хоҳишига қараб йўлини ўзгартирмайди. Кимда-ким илоҳий қонуниятларни маҳкам тутиб, собитқадамлик билан илгариласа, кеч бўлса-да, албатта зафар мевасини тотажақдир.

Бугун Умматни қамраб олган лоқайдлик ва карахтлик — манзилнинг тугагани эмас, балки бу улуғ сафарининг оғир бекатларидан биридир. Нажот бекатига эса шунчаки қўл қовуштириб кутиш ёки ҳасрат чекиш билан эмас, балки сиёсий гирдобларга таслим бўлмайдиган, вазиятнинг паст-баландлигига қараб сустлашмайдиган бардавом ва холис фаолият билан эришилади.

Шу боис, биз Ислом Умматига ушбу муқаддас ҳақиқатни бот-бот эслатиб ўтаёмиз: Халифалик — Сарвари коинот Расулуллоҳ ﷺ чизиб берган ва саҳобаи киромлар ҳаётга татбиқ этган ягона илоҳий низомдир. Асрлар давомида мусулмонларнинг иззат-икроми, шон-шухрати фақат мана шу бошқарув соясида барқарор бўлди. Зеро, Умматнинг азизлиги Халифаликдан айро эмас ва бўлмайди ҳам. Шундай экан, бугун ушбу муаззам бошқарувни қайта тиклаш йўлида жон фидо қилиш ва бу ишни Умматнинг ҳаёт-мамот масаласи деб билиш ҳар бир мўмин учун зиммадаги кечиктириб бўлмас фарздир.

Қачонки Халифалик лойиҳаси шаръий ҳукмларни қоим қилиш ва исломий ҳаётни қайта бошлашнинг амалий ечими сифатида

майдонга чиқса, малай режимлар уни дарҳол қоралаб, халққа «даҳшат» қилиб кўрсатишга жон-жаҳдлари билан киришадилар. Бу саросиманинг сабаби аён: Халифалик мазкур қўғирчоқ тизимларнинг чириган пойдеворига болта уради. Зеро, Халифаликда ҳокимият асосланадиган пойдевор, одамлар тўқиган конституцияларга эмас, балки Аллоҳнинг илоҳий Шариатига тегишлидир. Унда жамият бойликлари бир ҳовуч амалдорларнинг эмас, балки Умматнинг ҳаққоний мулкига айланади ва Шариат мезони ила адолатли тақсимланади. Халқаро сиёсат эса кимгадир бўйин эгиш ёки мустамлакачилар қўлида қўғирчоқ бўлиш эмас, балки Ислом нурини даъват ва жиҳод байроғи остида бутун оламга ёйиш асосига қурилади.

Мустабидларни ваҳимага соладиган асл омил — халқнинг кундалик ташвишлари билан мавжуд тизимнинг чириган илдизлари ўртасидаги узвий боғлиқликни англаб етишидир. Бугунги қашшоқлик ва иқтисодий инқирозлар шунчаки «ноқобил бошқарув»нинг натижаси эмас, балки капиталистик тузумнинг заҳарли ҳосилидир. Сиёсий маҳкумлик эса тактик хато эмас, балки куфр дунёсининг халқаро тизимига кишанланганликнинг аччиқ мевасидир. Мусулмон ўлкаларининг тилка-пора қилингани шунчаки тасодиф эмас, балки бизни жамловчи улуғ Халифаликнинг вайрон этилиб, ўрнига сунъий «миллий» чегаралар ва тиканли симлар тортилганининг аянчли оқибатидир.

Агар Уммат ўз сиёсий онгини исломий тамал тошлари устига қайта курса, у энди ўткинчи ютуқлар ёки арзон манфаатлар ортидан қувмайди. Аксинча, бутун бошқарув тизимини исломий ақида асосида янгилайдиган туб ўзгаришларни талаб қила бошлайди. Бундай муаззам инқилоб шунчаки вақтинчалик ҳиссиётлар оқими эмас, балки тизимли, ғоявий ва сиёсий фаолият маҳсулидир. Бу йўл — ёт мафкураларнинг пучлигини фош этувчи «фикрий кураш»ни ҳамда малай режимларнинг мустамлакачи кучлар билан тузган яширин тил

бириктирувларини расво килувчи «сиёсий кураш»ни ўз ичига олади.

Мустабид режимларнинг Халифалик ғоясидан ваҳимага тушиши бежиз эмас. Зеро, улар жуда яхши биладилар: агар Уммат Аллоҳнинг ҳукмларини ижро этувчи ягона Халифага эга бўлиш зиммасидаги фарз эканини, илоҳий низом четга сурилган тизимлар остида тарқоқ яшаш эса оммавий маъсият эканини теран англаб етса, муқобил ва мафкуравий Давлатни барпо этишга қатъий аҳд қилади. Ўшанда фикр — енгилмас кучга, шахсий қаноатлар — оммавий фикрга, оммавий фикр эса — иродани ҳаракатга келтирувчи буюк ўзгариш тўлқинига айланади.

Умматнинг бугунги майдондаги муҳорабаси, энг аввало, курул эмас, балки фикр ва онг жангидир. Агар тафаккур майдонида ғалаба қозонилса, амалдаги сохта «қонунийлик» ниқоблари чил-чил бўлади ва Исломи ақидасидан сув ичган ҳақиқий шаръий бошқарув қад ростлайди. Уммат ўз ғоявий лойиҳасига таянган куни, Исломи ҳаётни қайта бошлаш сари муборака ва илк қадамни қўйган бўлади. Бу шунчаки ҳиссиётларга йўғрилган шиор эмас, балки мусулмонларнинг азизлигини, бирлигини ва оламшумул етакчилигини қайтариб берадиган муаззам сиёсий воқеликдир.

Шундай экан, бугунги кун даъват соҳиблари Исломи оламидаги воқеалар оқимини теран таҳлил қилган ҳолда, Уммат эътиборини қуйидаги иккита муҳим оғоҳлантириш сари қаратмоқлари лозим:

Биринчидан: Мустамлакачи кофир Ғарбнинг тазйиқидан халос бўлиш ёки унинг розилигини топиш илинжида малай кимсалар томонидан тикиштириладиган ҳар қандай таслимчилик даъватлари — аслида сиёсий ўз жонига қасд қилишдир. Бундай мунофиқона йўл ўз соҳибларини фақатгина хорлик ва ҳалокат жарлигига етаклайди. Энг муҳими, бу йўл шаръан ҳаром бўлиб, Сарвари коинот ﷺ

нинг манҳажларига ва Рошид халифаларнинг муборака йўлларига мутлақо зиддир. Бундай таслимчилик ҳам бу дунёда, ҳам охирада Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг лаънати ва ғазабига сабаб бўлади. Зеро, Ҳақ Таоло Ўз Каломида шундай марҳамат қилади:

(يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا عَدُوِّي وَعَدُوَّكُمْ أَوْلِيَاءَ تَلْقَوْنَ إِلَيْهِمْ بِالْمَوَدَّةِ وَقَدْ كَفَرُوا بِمَا جَاءَكُمْ مِنَ الْحَقِّ)

«Эй имон келтирганлар! Менинг душманимни ва ўз душманингизни дўст қилиб олманг! Сизлар уларга алоқа боғлаш билан меҳр-муҳаббат кўрсатяпсиз, ваҳоланки, улар сизга Ҳақ бўлиб келган Исломига қуфр келтирдилар!»¹⁰

Иккинчидан: Уммат кофир Ғарб ва унинг содиқ малайлари томонидан тарқатиладиган «мусулмонлар бой берилган ҳокимиятини қайтариб олишга оғирдир» деган пуч ва ваҳимали даъватларга асло учиб қолмаслиги лозим. Зеро, Ғарбнинг ҳайбати шунчаки кўз бўямачилик ва сохта имкониятлардан ясалган «ўргимчак уйи» кабидир. Масалан, ўз кўшинини «дунёдаги энг енгилмас қудрат» деб овоза қилган Америка, Эрон билан бўладиган тўқнашувни худди Венесуэладагидек «осон сайр» бўлишига бутун оламини ишонтирмоқчи эди. Бироқ иш чаппасига кетиб, жараён мураккаб тус олгач, Трамп ва унинг тобелари довдираб қолишди. Улар ўзлари тушган боши берк кўчадан чиқиш учун Эроннинг ҳарбий салоҳиятини гўёки «ер билан битта қилганлари» ҳақида кетма-кет ёлғон тўқишга мажбур бўлдилар. Бугунги сиёсий манзара эса келажак учун бир неча сценарийларни кўрсатмоқда: ё АҚШ мавжуд мувозанатни ағдар-тўнтар қилиш учун вазиятни янада оловлантиради, ё ҳар икки томоннинг обрўсини сақлаб қолувчи сиёсий битимга интилади, ё худ минтақадаги кучлар нисбатини бутунлай ўзгартириб юборувчи узоқ муддатли, ҳолдан тойдирувчи муҳораба гирдобига шўнғийди.

Бироқ барча сценарийлар ва сиёсий ўйинлар ортида бир ўзгармас илоҳий ҳақиқат

¹⁰ Мумтаҳана сураси, 1-оятининг маъноси

бўй кўрсатиб турибди: буюк ўзгаришлар ҳеч бир халққа лаганга солиб тухфа этилмайди, балки улар фидокорона кураш ва заҳмат билан қўлга киритилади. Тарихнинг ҳал қилувчи, тақдирларни белгиловчи лаҳзалари иккиланиб, фурсат пойлаётганларни кутиб ўтирмайди. Бундай буюк бурилишларни фақат замон набзини тўғри таҳлил эта олган ва берилган ҳар бир имкониятни ҳаққоний зафарга айлантиришга қодир бўлган, қалби уйғоқ, иродаси темирдек мустаҳкам зотларгина барпо этадилар.

Шиддатли сиёсий тўфонлар содир бўлаётган бугунги паллада, мажбурий қарамлик ва заифлик кишанларидан қутулишга ташна Ислом Умматидан юксак даражадаги сиёсий ҳушёрлик ва басират талаб этилади. Мусулмонлар кечаётган ҳодисаларга шунчаки мустамлакачи кучларнинг навбатдаги «жанжали» деб эмас, балки тарих жиловини ўз ғоявий лойиҳалари сари буриш учун берилган илоҳий ва нодир имконият деб қарамоқлари лозим.

Дунёдаги кучлар мувозанатининг издан чиқиши ва мутлақ гегемонлик даъвосидаги қудратларнинг заифлашуви тарихда камдан-кам учрайдиган нажот эшикларини ланг очмоқда. Бу эшик — Ислом ақидаси устига бино қилинган ва бутун инсониятга икки дунё саодатини улашувчи муаззам Давлат лойиҳаси учундир. Бу лойиҳа инсон нафсини ва руҳини толиқтирган, оламни кетма-кет инқирозлар ботқоғига ғарқ қилган очкўз капиталистик тузумларга муносиб, ҳаққоний ва ягона муқобилдир!

Ушбу олий мақсад шунчаки ширин орзу ёки қуруқ истаклар билангина рўёбга чиқиб қолмайди. У теран сиёсий онг, букилмас

пўлатдек ирода ва берилган илоҳий фурсатни ғанимат билувчи тизимли фаолиятни талаб этади. Токи Уммат воқеалар оқимини шунчаки чеккада туриб кузатувчи эмас, балки келажак харитасини ўз қўли билан чизувчи фаол ва етакчи қудратга айлансин.

Биз Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло ушбу муаззам зафар куни йўлидаги барча тўсиқларни албатта суриб ташлашига заррача шубҳа қилмаймиз. Агар Умматнинг холис фарзандлари «Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур Расулуллоҳ» деган Уқоб байроғи остида чин маънода жипслашсалар, тамом — куфр тўдалари худди Форс қисролари ва Рум императорлари Расулуллоҳ ﷺ ҳамда у зотнинг саҳобаи киромлари қаршисида бир неча йил ичида тиз чўкканидек, яна тор-мор этилажаклар. Зеро, биз Ҳақ йўлидамиз, Ҳақ эса Аллоҳнинг изни ила албатта ғолиб ва музаффардир!

Шу боис, **Ҳизб ут-Таҳрир** ушбу улуг фарзни адо этиш, буюк нажотни тиклаш учун исломий сақофат ва ўткир сиёсий онг билан суғорилган мустаҳкам заминни ҳозирлаб қўйди. Бас, Аллоҳнинг нусрати яқинлигидан суюнинг, қалбингизга масрурлик бахш этинг ва ўзингизни ўша муаззам кунга шайланг! Зеро, Ботил — тез орада сочилиб кетувчи совун кўпиги, Ҳақ эса ўз зиёси билан оламни мунаввар қилувчи порлоқ қуёш эканига бутун дунё гувоҳ бўлади. Ўша зафар тонгида шодликдан қалблар эригуси, шукронадан кўзлар ёшлангусидир. Ботилнинг ажали ва Ҳақ биносининг мустаҳкам ғишти бўлган мухлис зотларга **Тубо жаннати** бўлсин! Дуоимизнинг сўнги: Оламлар Парвардигори — Аллоҳга чексиз ҳамду санолар бўлсин!

ҚАЛБ ҚҰРИ ҰҒИРЛАНГАН ХИЁНАТ АСРИ

Муҳаммад Абдуллоҳ – Босиб олинган Кашмир

Бугунги дунёнинг сиёсий манзарасига теран назар ташлаган киши, Умматга қарши эълон қилинмаган, аммо тизимли равишда олиб борилаётган глобал уруш воқелигига гувоҳ бўлади. Мана, учинчи йилдирки, қонхўрлик ва ваҳшиёна қирғинбаротлар гирдобидида қолган Ғазо замини ҳануз қон йиғламоқда. Вашингтон томонидан тиш-тирноғига қуруллангандирилган, молиявий ва дипломатик соябон остига олинган яҳудий вужуди мусулмон ўлкаларидаги малай ҳукмдорларнинг совуққон сукутидан куч олиб, бутун бошли бир халқни вайроналар, очлик ва оммавий қабрлар қаърига улоқтиришда давом этмоқда.

Дунёнинг энг замонавий ва машъум ҳарбий машинаси ўзининг «аниқ нишонга урувчи» ракеталарини шифохоналар, гўдаклар ва оилалар устига ёғдириб, уларни бир зумда ер билан битта қилмоқда. Халқаро капиталистик тизимнинг бу хунрезликларга берган жавоби эса, саҳна ортида қирғинни тинимсиз молиялаштирган ҳолда, минбарлардан туриб пуч қарорлар ва ожиз қоралашлар «театрини» намоиш этишдан нарига ўтмаяпти.

Энг аянчли фожиа ва кечирилмас гуноҳ эса — мусулмон ҳукмдорларнинг ушбу қирғинни шунчаки лоқайд кузатувчи бўлиб томоша қилиши, мазлумларни ўз ҳолига ташлаб қўйиши ва бу сукут орқали билвосита ҳосил қилинган салбий иттифоқ ҳамда «ижмо»ларидир. Бу шунчаки оддий уруш эмас, балки Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўз Каломида асл моҳиятини фош этган мустамлакачилик адоватининг энг разил қиёфада намоён бўлишидир:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا بَطَانَةً مِنْ دُونِكُمْ لَا يَأْلُونَكُمْ خَبَالًا وَدُّوا مَا عَنِتُّمْ قَدْ بَدَتِ الْبَغْضَاءُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ﴾ ...

«Эй иймон келтирганлар! Ўзингиздан бошқани сирдош иттифоқчи қилиб олманглар, улар сизга зарар етказишда сустлик қилмайдилар ва сизнинг машаққат чекишингизни хоҳлайдилар. Душманликлари огизларидан очик намоён бўлди, дилларида яширган нарсалари эса янада улугроқдир. Агар ақл юритадиган

бўлсангиз, батаҳқиқ, Биз сизга оятларни баён қилиб бердик» (Оли Имрон, 118-оят).

Ғазодан тортиб то Кашмиргача — Уммат бугун шунчаки тарқоқ ва тасодифий инқирозларга эмас, балки унинг қаддини букиш ва бутунлай заифлаштиришга қаратилган пухта мувофиқлаштирилган глобал кампанияга дуч келмоқда. Фаластин замини демографик қиёфасини бутунлай йўқ қилиш мақсадида шафқатсизларча бомбаланаётган бир пайтда, Кашмир ҳинду миллатчилигининг истилочилик ботқоғида чиритилмоқда. Иордан дарёсидан бошлаб то Кашмир водийсигача чўзилган ушбу муқаддас, босиб олинган тупроқлар гўёки ўзгармас, доимий воқеликдек тақдим этилмоқда ва улар Уммат онгига ечими йўқ, ўта мураккаб муаммолар сифатида мажбуран сингдирилишга уринилмоқда.

Бироқ, булар асло бир-биридан айро фожиалар эмас! Бу — турли хил байроқлар остида ҳаракат қилаётган, аммо ягона манфур мақсад йўлида бирлашган яхлит мустамлакачилик лойиҳасидир. Бу мақсад — мусулмонларни доимий қарамлик кишанларида ушлаб туриш ва Исломнинг мукамал мафкуравий тузум сифатида ушбу юртларда қайтадан ҳукм юритишига асло йўл қўймасликдир. Бу айна дамда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ушбу сўзининг яққол тасдиғидир:

﴿وَلَا يَزَالُونَ يَقَاتِلُونَكُمْ حَتَّى يَرُدُّوكُمْ عَنْ دِينِكُمْ إِنِ اسْتَطَاعُوا﴾

«Агар қодир бўлсалар, сизни динингиздан қайтаргунларича сиз билан урушишлан тўхтамайдилар» (Бақара, 217-оят).

Агар душманнинг ошкора чопиб турган қиличи танага оғриқ берса, ичдан чиққан хоиннинг яширин ханжари қалбга янада чуқурроқ, янада аламлироқ жароҳат етказди. Бу — бугун устимизга «ҳомий ва халоскор» ниқобини кийиб олиб, аслида куфр кучлари билан бир косадан сув ичаётган малай ҳукмдорларнинг асл башарасидир!

Американинг бугун Эронга нисбатан юритаётган сиёсати шуни яққол исботладики, мустанлакачи кофирлар мусулмон ўлкалари улар учун вақти-вақти билан бажариб турадиган хизматлар ва имтиёзлар билан ҳеч қачон кифояланиб қолмайдилар. Ўнлаб йиллар давомида Эрон — хоҳ қасддан бўлсин, хоҳ манфаатлар туташини ортидан — Американинг минтақавий геосиёсий ўйинларида қулай бир курул, ўзига хос вазифадор унсури бўлиб хизмат қилди. У Афғонистонни босиб олишда изчил босим клапани, Ироқни жиловлаб туришда назорат қилинадиган мувозанатловчи куч, Сурияда эса зўравон ва жиноятчи Башар режимига қарши кўтарилган халқ инқилобини парчалаб ташлаш учун шахмат тахтасидаги ўйинчи вазифасини ўтади. Мана энди, Эрон кимнинг ноғорасига ўйнаб, мусулмонларга қарши кўмак берган бўлса, ўша Америка унга қарши тиш қайрамоқда. Бундан чиқадиган тарихий ва ҳаётий дарс битта: мустанлакачи кучлар билан тузилган ҳар қандай битим ёки мураса асло хавфсизлик кафолати бўлолмайди. Империяга тобелик билан хизмат қилган кимсаларнинг фойдали иш коэффициентини тугагач, улар тарих ахлатхонасига улоқтириб ташланаверади.

Мусулмон ўлкаларидаги мавжуд қўғирчок тузумлар — мустанлакачилик манфаатларининг содиқ хизматкори сифатида иш қўриб, Умнатнинг беҳисоб бойликларини айнан мусулмон заминларини босиб олган ўша мустанлакачиларни молиялаштириш учун сувдек оқизмоқда. Уларнинг босқинчилар билан «алоқаларни

нормаллаштириш» деб аталган машъум жараёнга киришиши ва Ғазодаги тизимли қирғин қаршисида мум тишлаб туриши — ўз тахтлари ва мавжудликларини мусулмонларнинг пок қонидан устун қўйишларининг яққол далилидир. Энг қизиғи, бу ҳукмдорлар мусулмонлардан ва мафкуравий Исломдан яҳудий вужудидан қўрққанларидан кўра бир неча баробар кўпроқ ваҳимага тушадилар. Чунки яҳудий вужуди мусулмонларнинг фақатгина ерини тортиб олиши мумкин, аммо Ислом уларнинг ҳаромдан бино бўлган тож-у тахтларини пойдевори билан қўпориб ташлайди!

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бу ҳақда шундай марҳамат қилади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّخِذُوا عَدُوِّي وَعَدُوَّكُمْ أَوْلِيَاءَ لِقُورَن إِلَيْهِمْ بِالْمُؤَدَّةِ وَقَدْ كَفَرُوا بِمَا جَاءَكُمْ مِنَ الْحَقِّ﴾

«Эй имон келтирганлар! Менинг душманимни ва сизнинг душманингизни дўст иттифоқчи қилиб олманглар! Сизлар уларга дўстлик хабарини йўллаяпсиз, ваҳоланки улар сизга келган ҳаққа куфр келтирдилар» (Мумтаҳана, 1-оят).

Айни пайтда эса Кашмир замини ҳинду миллатчилигининг жирканч истилоси остида чиримокда — у расмий баёнотларда атайлаб унутуляпти, халқаро кун тартибидан сизиб чиқариляпти. Муқаддас Фаластин эса инсониятга қарши қаратилган мустанлакачилик жинояти сифатида эмас, балки шунчаки вақти-вақти билан назорат қилиб туриладиган навбатдаги гуманитар «инқироз» сифатида бошқарилмоқда.

Ушбу қонли умидсизлик ва очиқ хиёнатлар авж палласига чиққан бир пайтда, мазлум Умнатга гўёки сохта шон-шараф ва сохта ғалаба қиёфаси сингдирилмоқда. Бунинг яққол исботи сифатида Покистон генераллари ва уларнинг Исломободдаги сиёсий ҳомийлари Оқ уйдан келган вакиллар пойига пояндоз улашиб, қизил гиламлар тўшаётгани, тиржайганча суратга тушиб, бундан киборланиб фахрланаётганини кўриш мумкин. Ушбу малай ҳукмдорлар, Кобулдан

тортиб то Фаллужагача бўлган муқаддас заминларда мусулмонларнинг жасадларини парчалаб ташлаган ўша қонхўр кучларнинг манфаати йўлида воситачилик қилишни бизга «давлатни бошқариш санъати», «юксак глобал дипломатия» ва «халқаро обрў-эътибор» дея пулшамокдалар. Улар дунё мағрурлари билан битта сурагга тушиш илинжида «Ла илаҳа иллаллоҳ» ақидасини арзон-гаровга қурбон қилмоқдалар; босқинчи билан тил бириктиришни — шижоат, хорлик ва заифликни эса — юксак донишмандлик ўлароқ кўрсатишга уринмоқдалар.

Ваҳоланки, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло уларнинг бу сохта пулдан ҳам қадрсиз «иззат»ларини шундай фош этади:

﴿الَّذِينَ يَتَّخِذُونَ الْكَافِرِينَ أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِ الْمُؤْمِنِينَ
أَبِئْتَعُونَ عَنْهُمْ الْعِزَّةَ فَإِنَّ الْعِزَّةَ لِلَّهِ جَمِيعًا﴾

«Мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутадиган кимсалар уларнинг ҳузуридан азизлик излайдиларми?! Ваҳоланки, барча азизлик Аллоҳникидир» (Нисо, 139-оят).

Зеро, асл мағлубият жанг майдонида қилич чархланганда эмас, балки инсон онгининг қаърида, қалб таслим бўлганда бошланади. Ички маънавий емирилиш ва фикрий бўйин эгиш — тизимли хорлик ва доимий заифликнинг пойдеворидир. Энг даҳшатли мағлубиятлар харитадаги бирор заминнинг қўлдан кетиши билан ўлчанмайди, балки ушбу узлуксиз хиёнатларни кўра-кўра, умидсизлик захридан қарахт бўлиб, ўзлигини йўқотган қалблар ва онгларда содир бўлади.

Шуни унутмаслик керакки, Ғазонинг дардида қон йиғлаётган қалб — хануз тирик қалбдир! Хорланган мусулмон ўлкаларининг аянчли аҳволини кўрганда изтиробдан сиқилаётган юрак — ўз илоҳий вазифасини тўғри бажараётган соғлом юракдир. Халқнинг дарди билан яшаш фалсафасида оғриқ ҳисси қораланмайди, балки инсон умидсизлик ботқоғига бутунлай ғарқ бўлиб, фалажлик ҳолатига тушишидан огоҳлантирилади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтди:

﴿فَلَا تَأْسَ عَلَى الْقَوْمِ الْفَاسِقِينَ﴾

«Бас, фосиқ қавмлар устида маҳзун бўлманг!» (Моидда, 26-оят).

Ушбу ояти каримадаги қайтариқ — инсоний оғриқ ва қуянишдан эмас, балки ўша маҳзунликка бутунлай ютилиб кетишдан қайтариқдир. Кўриб турган мусибатларнинг сенинг ҳаракат қилиш, тизимли фикрлаш ва ҳақ йўлида собит туриш қобилятингни янчиб ташлайдиган оғир бир юкка айланиб қолмаслиги керак!

﴿مَا كَانَ اللَّهُ لِيَذَرَ الْمُؤْمِنِينَ عَلَىٰ مَا أَنْتُمْ عَلَيْهِ حَتَّىٰ يَمِيزَ الْخَبِيثَ مِنَ الطَّيِّبِ﴾

«Аллоҳ токи нопокни покизадан ажратгунига қадар, мўминларни нопокдан ажратмай ташлаб қўйгувчи эмас,» (Оли Имрон, 179-оят).

Ушбу машъум воқеалар ва сиёсий ўйинларнинг асл моҳиятига умидсизликка тушган мағлубнинг кўзи билан эмас, балки Аллоҳ таолонинг ўзгармас қонуниятлари — илоҳий суннатлари тарозиси билан баҳо бериш шарт! Сохта ниқобларнинг ортик бардош беролмай парчаланиши, қўғирчоқ тузумларнинг асл башараси фош бўлиши ва сатторлик сифатидан махрум бўлган генералларнинг Ғарб ОАВ камералари қаршисида лаббайғўйлик билан тиржайиб туриши — уларнинг ютуғи эмас, балки олий жазо — шармандаи шормин бўлишидир.

Сараланиш ва софланиш ҳеч қачон тўқчилик ва фаровонлик кунларида юз бермайди; хоин ўз хоинлигини машаққат ва босим остида қолгандагина ошқор қилади. Бу воқеалар уларнинг сиёсий мавқеи мустаҳкамланаётганидан эмас, балки тарихий жихатдан фош бўлаётганидан даракдир. Муқаддас ҳақиқат ва истиқбол сари ташланадиган қадамлар эса асло Умматга орқадан пичоқ урган малай кимсаларнинг мавжудлиги ёки йўқлигига боғлиқ эмас. Агар хоин ва қўрқоқ тузумлар яхудий вужуди билан

«алоқаларни нормаллаштириш» деб аталган ботил жараёнга киришсалар, бу жирканчлик ҳеч қачон ҳаққониятга айланиб қолмайди. Ва агар сарой уламолари ўз тахтлари ва тинчликларини ўйлаб мум тишлаб сукут сақласалар, уларнинг бу кўрқоклиги асло мукамал Ислоннинг асл позицияси ва ҳукми сифатида қабул қилинмайди!

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бу ҳақда огоҳлантириб шундай марҳамат қилади:

{وَإِنْ تَتَوَلَّوْا يَسْتَبْدِلْ قَوْمًا غَيْرَكُمْ ثُمَّ لَا يَكُونُوا أَمْثَالَكُمْ}

«Агар сиз ҳақдан юз ўгирсангиз, У сиздан бошқа бир қавмни алмаштириб қўяди, сўнгра улар сиз каби бўлмаслар» (Муҳаммад, 38-оят).

Ислон мафқурасини сохта ва чирик расмий муассасалар, сиёсий институтлар тирик ушлаб турмайди, балки уни замонлар тўфонида ҳақ устида собит қолган фидоий эгалари кўтариб чиқади. Бу хоинларнинг сотқинлиги Илоҳий Ҳақни ҳеч қачон кўмиб ташлай олмайди, балки уларнинг ўзларинигина тарихнинг кабоҳат ахлатхонасига кўмиб юборади, холос.

Шундай экан, ўз фикрий ва сиёсий англашинг устида собит туриш учун қачон омма кўзғалар экан, деб қўл ковуштириб кутиб ўтирма! Ўз шаръий ва инсоний позициянгни белгилаш учун сарой уламоларининг оғзидан сўз чиқишини пойлама. Кўпчилик кўр-кўрона ҳаракатга келгани учун эмас, балки ўз ақидавий масъулиятингни ва ўзлигингни англаганинг учун қаддингни тик тут! Агар дунё сукут сақласа, сен жим турма; агар улар таслим бўлишса, сен байроқни туширма; агар улар хорлик ботқоғига қулашса, сен юксакликда қол.

Бугун ўзингга беришинг керак бўлган энг муҳим савол: *«Умнат менинг ҳаётим даврида қайта юксаладими, йўқми?»* деган тахминий изланиш эмас, балки: *«Мен эртага Аллоҳнинг ҳузурига қандай юз билан рўбарў бўламан?»* деган мафқуравий масъулият саволидир. Сен Яратганнинг ҳузурида заминда қандай сиёсий

натижа рўёбга чиққани билан эмас, балки ўша вазиятда шахсан ўзинг нима иш қилганинг, қандай позиция тута олганинг билан ҳисоб-китоб қилинасан.

Агар кўғирчоқ генераллар Вашингтон камералари қаршисида кулларча табассум қилган бўлса, сен буни ўз номи билан — «очик хоинлик» деб атай олдингми? Агар сохта тузумлар мазлумлар устига ёғилаётган истило ва қирғинни ўз иқтисодий алоқалари билан молиялаштирган бўлса, сен уларнинг мана шу асл башарасини фош қилиб, дунёга жар солдингми? Агар босиб олинган муқаддас ерларимиз халқаро дипломатик коридорларда савдога қўйилиб, эътиборсиз қолдирилган бўлса, сен уларни ҳақ сўзинг билан тилга олиб, Умнат онгида тирик сақлай олдингми?

Хиёнат асри сендан фақатгина қайсидир бир жангни бой беришингни хоҳламайди, балки у бундан ҳам қимматлироқ, бебаҳороқ нарсани кўзлаган: у сенинг қалбингни, илоҳий ишончингни, собит қатъиятингни ва синишни мутлақо рад этиш туйғунгни ўғирламоқчи! Бас, асло таслим бўлма, унга бу улугъ неъматларингни қўшқўллаб топшириб қўйма!

Инсоний фитратинг билан маҳзун бўл, йиғла, лекин бу маҳзунлик сени ич-ичингдан вайрон қилиб, тушқунлик ва фалажлик ботқоғига улоқтиришига йўл қўйма. Атрофдаги аянчли ваҳшийликларни кўр, улардан кўз юмма, лекин кўраётган қора кунларинг сени бўйин эгдиришига изн берма. Ушбу машъум асрнинг бор заҳмати ва оғир юкини мафқуравий ироданг билан елкангга ол, бироқ у сени тириклайин кўмиб юборишига асло йўл қўйма. Зеро, ҳақ ва ботил ўртасидаги бу йўл ўта узундир ва келажакдаги улугъвор ролинг айнан мана шу бугунги синовли кунларда қандай тик туриб беришингга бутунлай боғлиқдир!

Азизлик ва Нусрат Соҳиби бўлмиш Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг бу Умнатга берган олий ваъдаси малай ҳукмдорларнинг разил хиёнатлари билан тугаб қолмайди! У Илоҳий ваъда Ғазонинг қонли вайроналари остида кўмилиб кетмайди ва Ислонбоднинг

хашамдор зиёфат залларида Ғарб хўжайинлари шарафига чалинаётган гулдурос қарсақлар билан асло жим қилиб қўйилмайди. Нусрат ва ғалабани тасарруф қилувчи, вақти-соати билан юбуровчи ягона Зот — Аллоҳдир! Сенинг устиндаги вожиб шаръий бурчинг эса — тинимсиз ҳаракат қилиш, фикрий ва сиёсий майдонда мардонавор тик туриш ҳамда У Зотнинг башарият қўли очолмайдиган нажот ва зафар эшикларини мўъжизавий тарзда очувчи «ал-Фаттоҳ» эканига қалбдан ишонишдир.

Кўз олдинга келтир: Юсуф алайҳиссаломнинг юзига оғир ва маҳкам қулфланган зулм эшиклари ёпилиб, ботил ҳар томондан сиқиб келган умидсизлик лаҳзасида нима қолган эди? Зоҳиран ҳеч қандай нажот чораси йўқ эди! Аммо у зотнинг ихтиёрида фақатгина бир нарса — Яратганга бўлган чексиз, тўлиқ таваккул билан олдинга томон ташланган мардонавор бир қадам қолган эди.

Аллоҳ таоло ўша лаҳзани Қуръони Каримда шундай муҳрлаган:

(وَسَنَنْبَأُ الْبَابَ وَقَدَّتْ قَمِيصُهُ مِنْ دُورٍ)

«Иккиси эшик сари қувишдилар ва аёл унинг кўйлагини орқасидан йиртди» (Юсуф, 25-оят).

Мана шу бутунлай чорасизликдек туюлган, атроф қамал қилинган лаҳзанинг ўзи Илоҳий Аралашув ва нажот соатига айланди! Бу — Аллоҳ таолонинг Ўз содиқ бандалари ва бутун бошли мазлум Умматлар билан бўлган ўзгармас қонунияти — илоҳий суннатиدير. Шароитларнинг энг қаттиқ танглик нуқтасига келиши, балоларнинг энг чўққига чиқиши — асло Тангри томонидан ташлаб қўйилганлик аломати эмас, балки аслида порлоқ нажот оstonасидир!

Мусулмонларни қайта бирлаштирувчи ва уларни дунё етакчилигига олиб чиқувчи Пайғамбарлик йўли устига қурилган Рошид Халифаликни қайта барпо этиш — Аллоҳнинг заминда албатта рўёбга чиқувчи ваъдаси ва пайғамбарона башоратдир.

Севимли Набийимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда умидсизлик қатламларини ёриб ўтувчи машҳур ҳадиси шарифларида шундай марҳамат қилганлар:

«...Сўнгра пайғамбарлик йўли устига қурилган Халифалик бўлади» (Имом Аҳмад ривояти)



Райён Исо (Ирок)

У қабрга қўйилган илк сониялардаёқ Сарвари Коинот Жаноби Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «**Аллоҳим! Мен ундан рози бўлдим, Сен ҳам ундан рози бўлгин!**»¹¹ деган бутун борлиқни ларзага солувчи муборак дуоларига сазовор бўлди.

Ислом тарихида «Зул-Биждодин» (Икки парча дағал мато соҳиби) номи билан шуҳрат қозонган улуғ саҳобий — Абдуллоҳ ибн Абд Наҳм Музаний розияллоҳу анҳудир. У зотнинг бутун ҳаёти Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нурли суҳбатларига муштокликда ўтди, муборак остоналаридан бир лаҳза бўлсин айрилмади. Абдуллоҳ муҳожирларнинг энг факир ва зоҳидлари паноҳ топган «Аҳли Суффа» мадрасасининг энг пешқадам ва забардаст вакиллари эди.

У зот Куръонга фидо бўлган жон эди; тиловатга киришганда мунгли ва баланд овози масжид деворларини титратар, бутун борлиғи билан илоҳий зикрга шўнғир эди. Шу боис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни: «**У ҳақиқий «Аввоҳ»¹²дир!**», дея юксак таърифладилар. Муборак қалби ҳамиша шаҳидлик соғинчи билан ёниб-куярди. Ва ниҳоят, Набий алайҳиссалом билан бирга чиққан Табук ғазотида орзу қилган манзилига етиб, Роббиси ҳузурига рихлат қилди.

Абдуллоҳ ислом тарихида Ҳақ йўлидаги метиндек собитқадамлиги, Аллоҳ учун дунё матоҳларидан бутунлай воз кечиши ҳамда дафн этилаётган лаҳзада Сарвари Коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам томонидан кўрсатилган мисли кўрилмаган эҳтиром ва юксак мавқеи билан машҳурдир. Унинг жоҳилиятдаги исми Абдул-Уззо бўлиб, Расулуллоҳ ﷺ уни «**Абдуллоҳ**» деб қайта номладилар. Музайна қабиласига мансуб бўлган бу йигит амакисининг паноҳида етимликда улғайди. Амакиси унга бор меҳрини бериб, тўкин-сочинлик ва қарам билан парваришлади.

Бироқ қалбида ҳақиқат офтоби порлагач, амакисининг меҳри шафқатсиз қаҳрга айланди: «Агар Муҳаммадга эргашадиган бўлсанг, сенга берган бор-будимни қайтариб оламан!» — деб вазоҳат билан таҳдид қилди. Абдуллоҳнинг жавоби эса қиличдек кескин бўлди: «**Мен мусулмонман ва имонимдан асло қайтмайман!**» Ғазаби тошган амакиси унинг ҳатто эгнидаги либосигача тортиб олиб, яланғоч ҳолда кўчага ҳайдади. Аммо имон ҳаловати Абдуллоҳ учун дунёнинг ўткинчи матоҳларидан минг чандон устун эди.

У муштипар онасининг ҳузурига яланғоч ва ғариб ҳолатда келди. Онаизор ўғлининг бу аҳволини кўриб, юрак-бағри эзилди ва уйдаги ягона мато — ўзининг ўта дағал ва қалин жун **биждо**¹³ини иккига бўлиб берди¹⁴. Абдуллоҳ баданга ёғочдек ботадиған ва қавартириб ташлайдиған бу дағал жун матонинг ярмини лунги қилиб белига ўради, иккинчи ярмини эса елкасини ёпиб, ташлади-ю, Мадина сари йўл олди. Илк бомдод намозини эса Сарвари Коинот ﷺ билан бирга адо этди.

¹¹ **Муаррих:** Заҳабий. **Манба:** «Сийару Аълам ан-Нубала» (2/175) саҳифа. Шунингдек: Ибн Ҳишом. **Манба:** «Сийратун Набавия» (2/528) саҳифа.

¹² **Аввоҳ** - яъни, Аллоҳга қўп тазарру қилиб, дилдан оҳ урувчидир

¹³ «**Биждо**» (البجد) — араб лугатлари («*Лисон ал-араб*», «*Тож ал-арус*») ва ҳадис шарҳларига кўра, қадимги арабларда туя ёки қўй жунидан ишлов берилмасдан, ўта дағал ва қалин қилиб тўкилган **яхлит жун матодир**. У шу қадар қаттиқ ва тиканакли бўлганки, одатда ундан кийим сифатида эмас, балки чодирларни тўшиш ёки ерга тўшаш учун фойдаланишган. Агар чопон каби бичилган кийим бўлса йиртишга хожат бўлмасиди. Ўзбек китобхони буни тасаввур қилиши учун — баданга худди тикондекдек ботадиған, ҳаракатланганда терини қавартириб юборадиған **дағал жун кийгиз ёки шолчани** кўз олдига келтириши лозим. Унинг «Зул-Биждодин» (Икки парча дағал мато соҳиби) деб аталиши — имон ҳаловати учун дунёнинг бор лаззатидан кечиб, ҳатто танани азобловчи эски бир жулдур матога рози бўлган мутлақ фидокорлик рамзидир.

¹⁴ **Муаррих:** Заҳабий. **Манба:** «Сийару Аълам ан-Нубала» (2/259) саҳифа

Сарвари Коинот соллаллоҳу алайҳи васаллам намоздан сўнг келувчиларни муборак назарлари билан кўздан кечирав эканлар, эғнидаги дағал матоси билан ажралиб турган ғариб йигитга кўзлари тушди ва: **«Сен кимсан?»** — деб сўрадилар. Йигит: «Мен Абдул-Уззоман», дея оҳиста жавоб берди. Набий алайҳиссалом марҳамат қилдилар: **«Йўқ! Сен бугундан бошлаб «Зул-Бижодайн» (Икки парча дағал мато соҳиби) бўлган Абдуллоҳсан! Менинг ёнимдан асло айрилма!¹⁵»**

Шу кундан эътиборан у пайғамбар хонадонининг энг содиқ хизматчисига ва Аллоҳни кўп зикр этувчи зоҳидга айланди. Унинг масжид деворларини титратган баланд овоздаги мунгли зикрларини эшитган ҳазрати Умар: «Эй Аллоҳнинг Расули, бу киши риёкорлик қилмаяптими?» — деб сўраганида, Набий алайҳиссалом: **«Уни ўз ҳолига қўй, эй Умар! Чунки у чин қалбдан тазарру қилиб ох урувчи — «Аввоҳ»дир¹⁶»,** дея унинг беғубор ихлосини тасдиқладилар.

Абдуллоҳ Зул-Бижодайн розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг содиқ ва фидойи ҳамроҳи сифатида ҳаёт кечирди. У бутун умрини Қуръон тиловатининг ҳаловати ва Аллоҳга тинимсиз тазарру қилиш билан ўтказган фазилатли зот эди. У зотнинг бу дунёдан кетиши ва вафоти ҳам ҳар қандай тирик инсон ҳавас қиладиган даражада нурафшон бўлди.

Улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ўша тарихий ва муаззам кечани шундай хотирлайди: *«Гўё ҳозир ҳам кўз олдимда тургандек: Табук ғазотининг тунларидан бирида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуллоҳ Зул-Бижодайн учун қазилган лаҳаднинг ичига тушиб олган эдилар. Ҳазрати Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумо майитни эҳтиром билан қабрга туширишар, Сарвари Коинот ﷺ эса муборак қўлларини чўзиб: «Биродарингизни менга яқинроқ узатинглар!¹⁷» — дея мурोजаат қилардилар».*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам майитни қибла томонидан муборак қўллари билан қабул қилиб олдилар ва ўзлари лаҳадга жойладилар. Дафн ишлари якунига етгач, Сарвари Коинот алайҳиссалом қиблага юзланиб, муборак қўлларини баланд кўтардилар ва бутун борлиқни ларзага солувчи ушбу дуони қилдилар: **«Аллоҳим! Мен ундан рози бўлган ҳолда кеч қорайтирдим, Сен ҳам ундан рози бўлгин!¹⁸»**

Бу мисли қўрилмаган манзарани кузатиб турган улуғ саҳобаларнинг юраклари ҳавасга тўлди. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу кўзида ёш билан: **«Аллоҳга қасамки, мен ундан ўн беш йил аввал имон келтирган бўлсам-да, ўша лаҳад эгасининг ўрнида бўлишни жуда-жуда истардим!¹⁹»** — дея нидо қилдилар. Ҳатто Сиддиқи Акбар — Абу Бакр розияллоҳу анҳудек зот ҳам: **«Қани эди, ушбу қабрга қўйилган банда мен бўлсам эди²⁰»,** дея орзу билан термулиб қолгандилар.

Тарихчи Муҳаммад ибн Исҳоқ ва бошқа муқтадир муҳаддис имомлар иттифокига кўра, бу буюк воқеа Табук ғазотида юз берган. Биргина имон шарафи учун дунёнинг бор лаззатидан воз кечиб, баданини жундан бўлган эски ва дағал **«икки парча шолча»**га ўраган ошиқнинг оқибати мана шундай саодатли якун топди.

Эй Аллоҳим! Ўз бекиёс раҳматинг ила бизлардан ҳам рози бўлгин! Бизларни Икки олам сарвари ва у зотнинг нурли йўлдошлари бўлган саҳобаи киромлар билан бирга маҳшаргоҳда жамлагин! Уларнинг барчасидан Ўзинг рози бўл! Омин!

¹⁵ Муаррих:Ибн Асир. Манба:«Усдул ғоба фи маърифатис саҳоба»(3/228)саҳифа

¹⁶ Муаррих:Ибн Асир. Манба:«Усдул ғоба фи маърифатис саҳоба»(3/228)саҳифа

¹⁷ Муаррих: Заҳабий. Манба: «Сийару Аълам ан-Нубала» (2/175) саҳифа. Шунингдек: Ибн Ҳишом. Манба:«Сийратун Набавия»(2/528)саҳифа.

¹⁸ Муаррих: Заҳабий. Манба: «Сийару Аълам ан-Нубала» (2/175) саҳифа. Шунингдек: Ибн Ҳишом. Манба:«Сийратун Набавия»(2/528)саҳифа.

¹⁹ Муаррих:Ибн Асир. Манба:«Усдул ғоба фи маърифатис саҳоба»(3/228)саҳифа

²⁰ Муаррих:Ибн Асир. Манба:«Усдул ғоба фи маърифатис саҳоба»(3/228)саҳифа



КИТОБ, МЕЗОН ВА ҚИЁМАТ

Халифа Муҳаммад (Иордания)

Оламлар Роббиси Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

اللَّهُ الَّذِي أَنْزَلَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ وَالْمِيزَانَ وَمَا يُدْرِيكَ لَعَلَّ السَّاعَةَ قَرِيبٌ

«Аллоҳ ҳаққоният ила Китобни, шунингдек, Мезонни нозил қилган Зотдир. Сен қаердан биласан, эҳтимол Қиёмат жуда яқиндир?!» (Шуро, 17-оят).

Ушбу муборак ояти карима таркибан икки қисмдан иборат. Биринчи жумла Аллоҳ субҳанаху ва таолонинг Китоб ҳамда Мезонни ҳаққоният ила нозил қилганидан хабар беради. Иккинчи жумла эса Қиёмат кунининг қоим бўлиши нақадар яқинлигига далолат қилади.

Бу ерда зикр этилган «Китоб»дан мурод – улў Қуръони каримдир. Шу билан бирга, бу лафз жинс исми бўлиб келгани боис, ундан барча самовий китоблар назарда тутилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Каломнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилиниши мутлақ ҳаққониятга асосланган. «Ҳақ» сўзи луғатда тўғрилиқ, собитлиқ ва ростлиқ маъноларини ифодалайди. Истилоҳда эса у мувофиқликни англатади, яъни бир нарсага унинг асл воқелиги ва ҳақиқатига мос равишда эътиқод қилишдир.

Хуллас, Қуръоннинг Аллоҳ ҳузуридан нозил бўлиши айна ҳақиқат ва чин ростлиқдир. Буни Ҳақ таолонинг Ўзи шундай тасдиқлайди:

لَٰكِنَ اللَّهُ يَشْهَدُ بِمَا أَنْزَلَ إِلَيْكَ أَنْزَلَهُ بِعِلْمِهِ وَالْمَلَائِكَةُ يَشْهَدُونَ وَكَفَىٰ بِاللَّهِ شَهِيدًا

Аммо Аллоҳнинг Ўзи — сизга нозил этган Каломига Ўзи гувоҳдир. У бу Қуръонни Ўзининг чексиз илми, бепоён ҳикмати ва пинҳон тадбири билан нозил қилди. Фаришталар ҳам бу ҳаққа гувоҳлик берурлар. Аллоҳнинг Ўзи эса — барча гувоҳликка кифоя, Унинг гувоҳлиги энг устундир²¹».

Дарҳақиқат, Муқаддас Қуръондаги ҳар бир ҳукм ва баён Аллоҳ таолонинг илоҳий муродига тўлиқ мувофиқдир. У инсониятнинг дунё ва Охиратдаги аҳволини ислоҳ қилувчи, икки дунё саодатига элтувчи бебаҳо дастурдир.

Ояти каримада Мезон Китобга боғланмоқда. Яъни, Аллоҳ таоло Китобни ҳам, Мезонни ҳам ҳаққоният ила нозил қилган Зотдир. Бинобарин, Танзилда Китоб ва у қамраб олган Мезон бир бутунлиқ сифатида жамланган. Муқаддас Китоб ўз маъзига Мезонни ҳам сингдирган. Мезоннинг алоҳида урғуланиши эса инсониятнинг дунё ва Охират ҳаётини тартибга солишдаги юксак аҳамияти билан изоҳланади. Зеро, Китоб нозил қилинишидан кўзланган энг олий мақсад ҳам аслида мана

²¹ Нисо сураси, 166-оятнинг араб тафсиллари асосидаги маъноси

шудир. Шу боис, бу ердаги атф (боғловчи) бўлакни бутунга боғловчи «вов» ҳарфи воситасида келган.

Имом Қуртубий нақл қилганидек, Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ва кўпчилик муфасссирлар оятдаги «Мезон»ни «адолат» деб тафсир қилганлар. Жумладан, Ибн Ошур ўзининг «Ат-Таҳрир ват-Танвир» асарида шундай ёзади: *«Бу ердаги Мезондан мурод адолатдир. Бу худди Ҳақ таолонинг: “Ва улар билан бирга Китобни ва Мезонни нозил қилдик” (Ҳадид сураси, 25-оят) деган каломига ўхшайди. Чунки у Аллоҳ таоло бандалари ҳаётида изчиллик ва тартиб (низом) ўрнатиш учун жорий қилган меъёрдир...»* Хуллас, Ҳақ таоло нозил қилган Муқаддас Китоб инсоният амал қилиши лозим бўлган илоҳий адолат меъёрларини ўзида мужассам этган. Бу эса инсоннинг фикру тушунчаларини, нафсу хоҳишларини ҳамда амалу ҳатти-ҳаракатларини мезонга солади. Натижада, уларнинг барчаси адолат ва Тўғри Ёўлдаги (Сиротул мустақимдаги) собитқадамлик асосида тартибга тушади.

Башарият кундалик ҳаётида, айниқса, олди-сотди муомалаларида доимо ўлчов ва тарозига (мезонга) суянади. Оғирликни ўлчашда килограмм, ҳажм учун литр ва саноқ учун сонлардан фойдаланади. Инсон борлиқдаги ҳарорат, намлик ва босимни аниқлашда изчилликка интилади, узунликни метр билан ўлчайди. Физика, кимё, тиббиёт ва математика каби аниқ фанлар ҳам муайян мезонларсиз яшай олмайди. Моддий ва ҳис қилинадиган оламда ўлчовга бўлган эҳтиёж шунчалик юқори экан, инсоннинг фикрлари, дунёқараши, ички мойилликлари ва ҳатти-ҳаракатлари устидан тўғри ҳукм чиқариш учун мезонга эҳтиёж янада ортмайдими?! Ваҳоланки, инсоният маънавий-ахлоқий соҳалар учун мукаммал ва бенуқсон мезон ўйлаб топишдан ожиздир.

Айнан шу сабабли Ҳақ таоло бандалари учун ҳаёт меъёрларини Ўз Китобида нозил қилди ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам орқали баён этди. Бу теран маънони Аллоҳ таолонинг ушбу каломи ҳам тасдиқлайди:

لَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلَنَا بِالْبَيِّنَاتِ وَأَنْزَلْنَا مَعَهُمُ الْكِتَابَ وَالْمِيزَانَ لِيَقُومَ النَّاسُ بِالْقِسْطِ

«Батаҳқиқ, Биз Ўз пайғамбарларимизни очиқ-ойдин мўъжизалар ва равишан ҳужжатлар билан юбордик. Улар билан бирга Китобни — шариат ҳукмларини ва Мезонни — адолат тарозисини нозил қилдик. Токи одамлар ўртасида адолатни барпо қилсинлар²²».

Оятдаги «лиякума» (ли-) иборасидаги сабаб билдирувчи «лом» ҳарфи айнан инсонлар ҳаётида адолатни қарор топтириш мақсадини ифодалайди. Зеро, жамиятда адолат барпо бўлиши учун аввало инсонларнинг фикру тушунчалари, интилишлари ва амаллари соғлом бўлиши шарт. Буларнинг мукаммал баёни эса Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарларига нозил қилган илоҳий Китобларда мужассамдир. Худди шунингдек, Роҳман сурасининг 7-оятидаги: **«Ва осмонни бесутун баланд кўтарди ҳамда Мезонни — адолат тарозисини ўрнатди»²³**, деган ояти қаримада ҳам Мезон айти шу юксак маънода келгандир.

Муборак оятнинг иккинчи қисми Қиёматнинг қоим бўлиши нақадар яқинлигини баён этади. Бу ерда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўз Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламга инкор мазмунидаги истифҳом (сўроқ) ила хитоб қилиб, Сарвари коинотнинг ҳам Қиёмат вақтидан беҳабар эканликларини таъкидлайди. Усулul фикҳ қоидаларига кўра, Аллоҳ таолонинг Пайғамбаримизга қилган хитоби, агар у зотнинг ўзларигагина хос эканини билдирувчи бирор қарина (ишора) бўлмаса, бутун умматга тегишли ҳисобланади. Бу ўринда эса ҳеч қандай истисно мавжуд эмас. Бинобарин,

²² Ҳадид сураси, 25-оятнинг араб тафсирлари асосидаги маъноси

²³ Роҳман сураси, 7-оятнинг араб тафсирлари асосидаги маъноси

агар Аллоҳнинг Суюкли Расули ﷺ Қиёматнинг аниқ вақтини билмаган бўлсалар, оддий инсонларнинг бундан беҳабарлиги ўз-ўзидан аёндыр.

Оятдаги «лаъалла» (эхтимол) калимаси луғатда умид ва интизорликни англатса-да, бироқ у Аллоҳ таолога нисбатан ишлатилганда «тахқиқ» (муқаррарлик) ва «вужуб» (шак-шубҳасизлик) маъносини ифодалайди. Бу нозик жиҳатни тилшунос олим الزجاج (Зажжож) ўзининг «Маонил-Куръон» асарида, Ибн Фаррис эса «Мўъжаму мақойисил-луға» китобида алоҳида қайд этганлар. Барча тилшунос ва муфассирларнинг хулосаси ҳам мана шунда. Демак, Қиёматнинг яқинлигида ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Бу — ғайб ва ошкор оламларни Билгувчи Зот томонидан Қиёматнинг муқаррарлиги ҳақида берилган қатъий хабардир.

Ояти каримада «Қиёмат» сўзи муаннас (аёл родида) бўлса-да, унинг хабари «қорибатун» эмас, балки музаккар (эркак родида) — **«қорибун»** шаклида келишининг иккита асосий сабаби бор:

Биринчидан, «Қиёмат» сўзи ҳақиқий эмас, балки мажозий муаннасыр.

Иккинчидан, бу ерда хабар Қиёматнинг ўзига эмас, балки унинг вақти ва муддатига қаратилган. Яъни, жумлада музоф (аниқловчи сўз) яширинган бўлиб, оятнинг асл тақдирий маъноси *«Лаъалла вақтус-соъати қорибун»* (Эхтимол, Қиёматнинг вақти яқиндир) ёки *«Лаъалла мавъидус-соъати қорибун»* (Эхтимол, Қиёматнинг муддати яқиндир) демакдир.

Оятдаги урғу Қиёматнинг айнан муддатига қаратилганини ундан кейин келувчи қуйидаги ояти карима ҳам яққол тасдиқлайди:

يَسْتَعْجِلُ بِهَا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِهَا وَالَّذِينَ آمَنُوا مُشْفِقُونَ مِنْهَا وَيَعْلَمُونَ أَنَّهَا الْحَقُّ أَلَا إِنَّ الَّذِينَ يُمارُونَ فِي

*Ҳа, даҳшатли куннинг келишига ишонмайдиган кимсалар унинг муддатини масхараомуз шоштирадilar. Мўминлар эса у куннинг воқе бўлишига чин дилдан ишониб, ундан хавфда турадилар. Охират ҳақида беҳуда баҳслашувчилар эса тўғри йўлдан буткул адашган кимсалардир*²⁴. Хуллас, Қиёмат — келиши муқаррар бўлган, содир бўлишида ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган зўр ҳақиқатдир. Зеро, донолар айтганидек: *«Ҳар бир келажак нарсa, гарчи узоқ туюлса-да, аслида яқиндир»*.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу муборак ояти карима борлиқнинг Ибтидоси ҳамда мавжудлиги вожиб Зот (Вожибул-вужуд) бўлмиш Аллоҳ таолонинг муқаддас исми — Лафзи жалола билан бошланади. Танзилда Ҳақ таоло Китоб ва Мезонни ҳаққоният ила нозил қилганининг хабарини беради. Зеро, Китоб ва Мезон Тангри таолонинг амр-фармонлари ҳамда қайтариқларини ўзида мужассам этган бўлиб, бу инсон ҳаётининг ўз Яратувчиси билан бўлган узвий боғлиқлигини ифодалайди. Оятнинг давомида эса ушбу илоҳий амр ва қайтариқлар масъулиятини тўлақонли мукамал қилиш учун дунёдан кейинги борлиққа — Охират кунига ишора қилинади ва Қиёматнинг яқинлиги таъкидланади. Бундан кўзланган олий мақсад — қайта тирилиш ва маҳшар кунда бандаларнинг мазкур илоҳий қонунларга қанчалик амал қилганликларига қараб, муносиб мукофот ёки жазо риштасини қарор топтиришдир.

Шу тариқа, ушбу қисқагина оят инсоният дуч келадиган энг катта тугунни — «укдатул кубро»ни ечиб беради ва борлиқнинг уч муҳим саволига мукамал жавоб тақдим этади: *«Мен қаердан келдим? Нима учун яшаяпман? Ва қаерга бораман?»* Бу илоҳий ечим инсон фитратига тўла мос келиб, унинг онгу шуурини коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги яхлит дунёқараш (куллий фикр) билан

²⁴ Шуро сураси, 18-оятнинг араб тафсиллари асосидаги маъноси

кониқтиради. Зеро, бу ҳаётнинг ибтидоси — Аллоҳ таоло, интиҳоси эса — Охират кунидир. Бунда ҳаётнинг Аввали (Яратувчи) билан боғлиқлик икки асосга таянади: йўқдан бор қилиниш ҳамда илоҳий амру қайтариқларга бўйсунуш риштаси. Ҳаётдан кейинги Олам (Охират) билан боғлиқлик эса инсоннинг ана шу буйруқ ва тақиқларни қандай бажаргани юзасидан ҳисоб-китоб қилиниш алоқасидир.

Инсондаги буюк тугунни ечувчи мазкур яхлит дунёқараш шахснинг чинакам уйғонишига пойдевор бўлиб, ундан мукаммал ҳаёт низоми балқиб чиқадиган ақлий ақидага — мафкурага айланади. Ушбу мафкура инсоннинг бутун ҳаётӣ йўналишини, борлиққа бўлган нигоҳини, олий мақсадларини, дунё ҳақидаги тушунчаларини, асл бахт-саодат мезонларини ҳамда ўзига хос дунёқарашини белгилаб берувчи фикрий етакчилик (раҳбарлик) мақомини олади. Бундай теран англаш инсоннинг ички интилишлари ва хатти-ҳаракатларини тўғри тушунчалар билан уйғунлаштиради. Натижада инсоннинг нафсияти (руҳияти) унинг соғлом ақлияти асосида қайта шаклланади. Шу тариқа, ўз ҳаётининг бош ғоясини Аллоҳ таолонинг ризолиги деб билувчи ўзига хос исломий шахсият камол топади. Бундай инсонлардан ташкил топган ҷамият эса исломий фикрлар, исломий соф туйғулар ва исломий қонунлар асосида қад ростлайди. Оқибатда, ушбу улуг Ғоя соясида Исломни тузум сифатида ҳаётга тўлиқ татбиқ этувчи ва унинг нажотбахш рисолатини бутун башариятга етказувчи пешқадам бир ҷамият вужудга келади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан барчамизни энг тўғри йўлга ҳидоят қилишини сўраймиз. Илоҳим, Ўз Китоби ва Мезонини ҳаётимизга татбиқ этиш орқали, ер юзида адолатни қарор топтиришимизга Ўзи иқтидор ва куч-қувват ато этсин. Инсониятни бахт-саодатга элтиш, уларни зулматлардан нурга, бандаларга қуллик қилишдан бандаларнинг асл Роббисига қуллик қилишга олиб чиқиш йўлида ушбу буюк илоҳий рисолатни бутун дунёга тарқатишда Ўзи мададкор бўлсин!



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ «СИЁСИЙ ЭКСТРЕМИЗМ» ИСТИЛОҲИ

Ҳизб ут-Таҳрир – Ўзбекистон вилояти матбуот бўлими 2026 йил 17 апрель куни расмий баёнот эълон қилди. «Ўзбек тузуми «экстремизм» ниқоби ортида Ислом ва мусулмонларга қарши курашнинг янги босқичини бошламоқда» деб номланган матбуот баёнотида бугунги қонунчилик ўзгаришларига баҳо берилган.

Баёнотда қуйидагилар келтирилган:

Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи органи — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси навбатдаги мустабид қадамни ташлади. 7 апрель куни депутатлар биринчи ўқишда «экстремизмга қарши кураш» ниқоби остида жазо чоралари кўламини кенгайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини маъқуллади.

Янги ўзгаришлар нафақат жисмоний шахсларга, балки давлат назоратидан ташқаридаги «норасмий ташкилотлар»га ва ҳукумат учун «номақбул» саналган фикрловчи жамоаларга ҳам қаратилган.

«Экстремизм» — мустамлакачиликнинг универсал қуроли, дейилади баёнотда. Бош прокурор ўринбосари Б. Валиев ўз ҳисоботида «экстремизм тушунчаси БМТ ва ЕХХТ (Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти) тавсиялари асосида қайта кўриб чиқиляётганини» маълум қилган.

Баёнотда таъкидланишича, ўзбек режими Ғарб ўрнатган қоидалар асосида ўз халқини жиловлашни давом эттирмоқда. «Экстремизм» истилоҳи эса исломий сиёсий фикрни тўсиш ва умматнинг уйғонишини кечиктириш учун узок вақтдан бери қўлланиб келинаётган қўрқитиш воситасидир.

Янги қонунда «норасмий ташкилотлар»нинг нишонга олиниши муҳим ўзгаришдир. Баёнотда таъкидланишича, масжиддан ташқарида Исломни ўрганишга интилувчи ёки жамият муаммоларини муҳокама қилувчи ҳар қандай ихтиёрий жамоа «экстремистик» ташкилот сифатида таснифланиши мумкин.

Бу орқали тузум жамиятнинг барча қатламларини қўрқув ва тўлиқ назорат остида ушлаб туришга интиломоқда.

Тузум «жиноий жавобгарликни қисман бекор қилиш» ҳақида гапириб, биринчи марта хато қилганларга енгилликлар беришни ваъда қилмоқда. Бироқ, баёнот муаллифларининг фикрича, бу сиртмоқни бўшатиб, қайта тортиш ўйинидир.

«Ижтимоий реабилитация» ва «радикал фикрларни тузатиш» каби истилоҳлар ортида мусулмонларнинг ақидасини синдириш ва уларни режимга содиқ «қўғирчоқ»ларга айлантириш мақсади ётибди, дейилади баёотда.

Валиевнинг сўзларига кўра, диний экстремизмдан сиёсий экстремизмга ўтиш — янги босқич. Энди жазо фақат диний экстремизм учун эмас, балки «сиёсий экстремизм» деб аталадиган ҳолатлар учун ҳам қўлланилади.

Баёотда бу режимнинг сиёсий рақибларига ва унинг бошқарувини танқид қилувчиларга қарши очилган янги фронт, деб баҳоланган. Шунга асосланиб, ҳар қандай сиёсий талаб ёки ислоҳот истаги конституциявий тузумга тажовуз деб баҳоланиши мумкин.

Баёотда таъкидланишича, Ўзбек режими Исломнинг ҳақиқий моҳиятини англаган ва уни ҳаётга қайтаришга интилаётган мусулмонларга қарши қаратилган ушбу қонунларни Ғарб (Америка) ва Шарқдаги мустабид (Хитой ва Россия) тажрибасига таяниб, ўз тахтини сақлаб қолиш учун қаттиқлаштирмоқда.

Бирок, баёот муаллифларининг хулосасига кўра, тарих шуни кўрсатадики, зулм ва «экстремизм» тамғасини босиш ҳақиқатни маҳв эта олмайди. Мусулмонлар ўз динини ва вазифаларини англагани сари бу зулмкор қонунлар ўз кучини йўқотади.

Манба: Ҳизб ут-Таҳрир – Ўзбекистон вилояти матбуот бўлими

«ЙИЛДИРИМХОН» — Туркиянинг илк гипертовушли қитъалараро ракетаси

Туркия Истанбулда бўлиб ўтаётган халқаро мудофаа, авиация ва космик саноат «SANA 2026» кўргазмасида ўзининг илк маҳаллий қитъалараро баллистик ракетасини намойиш қилди. «ЙИЛДИРИМХОН» деб номланган ушбу ракетанинг масофаси тахминан 6 минг километрни ташкил этади.

Янги ракета «гипертовушли» қуроллар тоифасига киради. Унинг тезлиги 9 дан 25 «Мах»гача этади. Бу эса унга ҳаво ҳужумидан мудофаа ва ракетага қарши мудофаа тизимларини айланиб ўтиш ҳамда кучли манёвр қилиш имконини беради.

«ЙИЛДИРИМХОН» ракетаси «азот тетроксиди» туридаги суяқ ёнилғи билан ишлайди. У тўртта ракета двигатели воситасида ҳаракатга келтирилади. Ракетанинг портловчи юк қўтариш қуввати 3 минг килограммгача этади.

Туркия Мудофаа вазири Яшар Гюлер ушбу ракетанинг намойиш қилиш маросимида иштирок этди. Ракета вазирлик қошидаги Тадқиқот ва ишланмалар маркази томонидан ишлаб чиқилган. Вазир ўз нутқида Туркия мудофаа саноати илғор технологияларни ривожлантирувчи мукаммал тизимга айланишини таъкидлади. Ушбу ютуқ, унинг сўзларига кўра, узоқ муддатли режалаштириш ва қатъий ирода натижасидир.

Туркия Президенти ҳузуридаги Мудофаа саноати бошқармаси раиси Ҳалук Гўргун ҳам бу фикрни тасдиқлади. Унинг айтишича, мамлакат глобал миқёсда мудофаа саноати экспорти бўйича энг йирик ўнта давлат рўйхатига киришни мақсад қилган.

«SAHA Istanbul» компаниялар гуруҳи бошқарув кенгаши раиси Халук Байрактар эса келгуси режаларни маълум қилди. 2026 йил учун мудофаа экспорти қийматини 13 миллиард долларга етказиш мўлжалланган. Бу кўрсаткич 2024 йилда 7.1 миллиард долларни ташкил этган эди.

«SAHA 2026» кўргазмаси жорий йилнинг 9 майигача давом этади. Унда 120 дан ортиқ давлат ва 1700 та компания иштирок этмоқда. Кўргазма давомида қиймати 8 миллиард доллардан ошадиган экспорт шартномаларини имзолаш режалаштирилган.

Туркия сўнгги ўн йилликда мудофаа саноати соҳасида туб ўзгаришларни бошдан кечирди. Мамлакат қуруқлик, денгиз ва ҳавода кенг ҳарбий мустақилликка эришди.

НАТОдаги иккинчи энг йирик армия эгаси сифатида Анқара жаҳон бозорида қурол-яроғ экспортининг асосий таъминотчиларидан бирига айланди. Экспорт ҳажми бундан ўн йил олдинги 1.9 миллиард доллардан 2024 йилда 7.1 миллиард долларга кўтарилди.

Ушбу бурилиш миллий стратегияга бориб тақалади. Бу стратегия ўтган асрнинг саксонинчи йилларида бошланган бўлиб, турли босқичларда Туркияга нисбатан жорий этилган Ғарб чекловлари ва санкциялари натижасида янада тезлашган.

Бугунги кунда «Байрактар ТБ2» каби учувчисиз учиш аппаратлари ушбу устунликнинг рамзига айланган. Шунингдек, бешинчи авлод қирувчи самолёти «Қоон» (Каан), амфибия ҳужум кемаси «TCG Anadolu» ва сунъий интеллект билан жиҳозланган «Пўлат гумбаз» сингари стратегик лойиҳалар ҳам бор.

Ал-Ваъй

Бу Ислом Уммати ўз имкониятлари билан энг кучли қуролларни ишлаб чиқишга ва энг қудратли армияларни тайёрлашга қодир эканини яна бир бор исботлади. Бироқ, асрлар давомида Исломий Халифалик пойтахтини бағрида сақлаган Туркиядаги режим ҳақида савол туғилади: у Умнат масалаларини четга суришдан тўхтайдими? Ва ушбу имкониятларни Ислом Умматининг манфаати учун сафарбар этадими?

Ҳамидтий Судандаги урушни 2040 йилгача давом эттиришга тайёр

Судандаги Тезкор ҳаракат кучлари (ТХК) қўмондони Муҳаммад Ҳамдан Дағало, «Ҳамидтий» номи билан танилган, кеча — чоршанба кuni баёнот берди. Унинг сўзларига кўра, агар шароит тақозо этса, унинг кучлари «урушни 2040 йилгача давом эттиришга тайёр». Шунингдек, у армиянинг ҳисоб-китобларига кўра, уруш 2033 йилгача чўзилиши мумкинлигини ҳам қайд этди.

Ҳамидтий Судан ОАВлари томонидан намоиш этилган ТХК офицерлари тўплами олдидаги нутқида сўзлади. У Судан армиясига қарши ҳарбий амалиётларни давом эттиришда қатъий эканини

таъкидлади. Тўқнашувнинг давом этиши ва тинчлик саъй-ҳаракатларига қўшилишни рад этиш масъулиятини эса «Қуролли кучлар раҳбарияти» зиммасига юклади.

Ўтган 29 апрель куни Судан Муваққат суверенитет кенгаши раиси Абдулфаттоҳ Бурҳон баёнот берди. У Судан қуролли кучлари мамлакатни Тезкор ҳаракат кучлари ва барча исёнчилардан «тозаламагунча» ҳарбий йўлда давом этишига ваъда берди. Шунингдек, ҳарбий амалиётлар турли фронтларда давом этаётганини таъкидлади.

Бурҳоннинг бу баёнотлари Бош штабнинг собиқ раиси ва аъзоларини тақдирлаш маросимида янгради. У Суданни яқин орада «Тезкор ҳаракат кучлари милицияси ва барча исёнчиларнинг даҳшатидан халос қилишга» ваъда берди.

2023 йил апрель ойи ўрталаридан буён Бурҳон бошчилигидаги Судан армияси ва Ҳамидтий бошчилигидаги Тезкор ҳаракат кучлари ўртасида уруш давом этмоқда.

БМТ ва маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ушбу уруш ўн минглаб ўлим ва 14 миллиондан ортиқ қочқин ҳамда кўчиришларга сабаб бўлди. Америка университетларининг тадқиқотлари эса ҳалок бўлганларнинг умумий сони бевосита ва билвосита тарзда тахминан 130 минг кишига етганини кўрсатмоқда.

ТХК кўмондони ўз кучлари тўқнашувга чек қўйиш истагини доимо кўрсатиб келаётганини таъкидлади. У шундай деди: *«Биз Тезкор ҳаракат кучлари сифатида урушнинг эртага эмас, бугун тунда тўхташига интиламиз. Лекин уруш фақат бир томонлама тўхтайдими?»*

Ҳамидтий ўз кучлари жанг давом этишига интилмаётганини тушунтирди. У урушни «энг қисқа вақт ичида» тўхтатиш истаги борлигини таъкидлади. Бироқ, тўқнашувга чек қўйиш барча томонларнинг мажбуриятини талаб қилишига урғу берди. Армия раҳбарияти эса, унинг сўзларига кўра, «Тезкор ҳаракат кучларининг тинчликка мойиллик кўрсатиши ва музокараларни қабул қилишини заифлик далили деб ҳисобламоқда».

Ал-Ваъй

Бурҳон ва Ҳамидтий бу урушни кимнинг манфаати учун олиб бораётганлари ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганми? Улар тўккан қонлар ва йўқ қилинган жонлар Қиёмат кунида кимнинг бўйнида бўлади?

Дамашқда баскетбол ўйинининг очилишида ахлоқсиз иборалар аралашган мусиқа ва Америка билан шерикликни танқид қилганларни ҳибсга олиш!

Сурия президенти Аҳмад Аш-Шараъ ҳафта бошида пойтахт Дамашқдаги «Ал-Файҳо» баскетбол залининг очилишида кузатилган қоидабузарликларга муносабат билдирди. У уларнинг такрорланмаслиги бўйича кўрсатма берганини ва майдонга тушиб, инсонлар орасига кириб бориш орқали вазиятни ўнглашга ҳаракат қилганини айтди.

«Ал-Файҳо» зали қайта таъмирланиб, йирик чемпионатларни қабул қилишга тайёр ҳолга келтирилган эди. Зал Шараъ иштирокида очилди.

Сурия манбалари Аҳмад Аш-Шараъ раҳбарлигидаги ўтиш даври ҳукуматига қаршли хавфсизлик кучлари америкалик журналист Билол Абдулкаримни ҳибсга олганини тасдиқлади. Ҳибсга олиш 2025 йил 22 декабрь душанба куни Абдулкарим Ал-Боб шаҳридаги «Ал-Фатҳ» масжиди яқинида пешин намозини адо этаётган пайтда содир бўлди. Ал-Боб — Ҳалабнинг шимоли-шарқий чеккасида жойлашган шаҳар.

Ҳибсга олиш америкалик журналистнинг «Х» платформасида эълон қилган кескин танқидлари сабабли юз берди. Унинг танқидлари ўтиш даври ҳукуматига, хусусан унинг сўнгги ташқи сиёсатига қаратилган эди.

Ҳисоботларга кўра, ҳибсга олишнинг бевосита сабаби — Абдулкарим томонидан яқинда тақдим этилган видео. Унда у Сурия ўтиш даври ҳукуматининг ИШИДга қарши курашиш учун АҚШ бошчилигидаги халқаро коалицияга қўшилиш ҳақидаги қарорини шиддатли танқид қилган.

Абдулкарим ўзининг сўнгги чиқишида шундай деган эди: *«Америкаликларнинг бу ерда қолиши учун ҳеч қандай шаръий сабаб йўқ. Биз душманнинг мавжудлигини шаръийлаштира олмаймиз. Америка — Сурия халқининг душманидир.»*

Абдулкарим Аҳмад Аш-Шараъни «инқилоб қадриятларидан воз кечиш»да айблаган энг кўзга кўринган овозлардан бири сифатида кўрилади. Унинг фикрича, Шараъ халқаро тан олинишга эришиш ва Ғарб билан хавфсизлик шерикликларини тузиш учун шундай қадам ташлаган.

Ал-Ваъй

Афсуски, у бугунги кунгача ҳануз ҳибсда қолмоқда. Билол Абдулкарим Америка фуқаролигига эга бўлишига қарамай, у асло малай эмас. У ўз эътиқоди ва халқининг манфаатини ҳимоя қилгани учун азият чекмоқда.

Ливандаги «Олий Исломий Шаръий Кенгаш» сионистик вужуд билан музокарани қўллаб-қувватлади!

Манба: Ҳизб ут-Таҳрир – Ливан вилояти 2026 йил 25 апрель

سَتُكْتَبُ شَهَادَتُهُمْ وَيُسْأَلُونَ

«Уларнинг гувоҳликлари, албатта, ёзилажак ва улар бу ҳақда сўралажаклар»²⁵

Кенгаш куйидаги сарлавҳа остида баёнот эълон қилди:

«Олий Исломий Шаръий Кенгаш: Сионистик вужуд билан урушни тугатиш учун дипломатик музокаралар йўлини танлашни ҳурмат қилади!»

Баёнот матнида жумладан шундай дейилади:

²⁵ Зухруф сураси, 19-оят

«Хавфли бир прецедент сифатида ҳамда Аллоҳ аzza ва жалла, Унинг Расули ﷺ ва мусулмонлар асло рози бўлмайдиган бир позицияда... Кенгаш аъзолари бўлмиш уламолар, машойихлар ва шахслар томонидан — Кенгаш сионистик вужуд билан урушни тугатиш учун дипломатик музокаралар йўлини танлашни қўлаб-қувватловчи баёноат эълон қилди...

...Ливанликларнинг иродаси... Тоиф келишувини матни ва руҳига мувофиқ тасдиқлаш ва қўллаш. Тақдирни белгиловчи масалаларда ва йирик миллий муаммоларни ҳал қилишда фақат унга мурожаат қилинади... ...Ливан Конституциясининг 52-моддасига асосан... урушни сионистик вужуд билан тугатиш учун давлат раҳбарлари билан биргаликда дипломатик музокаралар йўлини танлашни қўлаб-қувватлаш. Зеро, мамлакатни ушбу уруш дўзахидан қутқаришининг барча бошқа йўллари ёпилган...»

АҚШнинг тўлиқ қўллови остидаги сионистик вужуд Ливан ва бошқа юртларга доимий равишда тажовуз қилмоқда. У билан музокара олиб боришнинг ҳаромлиги диндан зарурат даражасида маълум бўлган бир даврда, Ливандаги мусулмонларнинг энг улуғ ишларидан бири шундай тарзда бошқариладими?!

«Сизлар Аллоҳнинг Китобидан, Суннатдан ёки бошқа шаръий манбалардан қайси бир далилга суяндингиз?! Расулуллоҳ ﷺ, саҳобалар ёки кейинги мусулмонлар босиб олинган мусулмон ерлари борасида босқинчи билан музокара қилиб, у ерда босқинчининг қолишини тан олганмилар?! Бундай ишлар содир бўлишидан Аллоҳ асрасин! Ёки нарсаларни номини ўзгартириш — сизлар айтган «дипломатик музокаралар йўлини танлаш» — уларни мубоҳ ва қабул қилинадиган қилиб қўядими?! Ваҳоланки, сизлар бунинг яҳудий вужуди билан тинчлик ва муносабатларни нормаллаштириш эшиги эканини яхши биласиз!

Бундан ташқари, Олий Исломий Шаръий Кенгашга Тоиф келишуви ҳақида «Тақдирни белгиловчи масалаларда фақат унга мурожаат қилинади» деб айтиш ярашадими?! Ундай бўлса, Аллоҳнинг шариатига қандай ҳукм манбаси қолдирдингиз?!»

Ал-Ваъй

Ваъй — бу Ислом Умматининг ўз қадриятлари, ақидаси ва шариатини англашидир.

Ҳизб ут-Таҳрир Ливандаги Олий Исломий Шаръий Кенгашнинг сионистик вужуд билан музокарани қўлаб-қувватлаганини қаттиқ танқид қилмоқда. Бу қадам исломий шариатга зид ва мусулмонларнинг асосий масалаларига хиёнат сифатида баҳоланмоқда.

ЗУЛ-ҲИЖЖАНИНГ ЎН КУНИ ВА АҚАБА БАЙЪАТИ

Устоз Абдуссалом ал-Бадрий

Алҳамду лиллаҳи Роббил ʼаламийн. Вас-солату вас-саламу ало саййидина Муҳаммадин хотамил анбиёи вал мурсалийн. Ва ало алиҳи ва саҳбихи ва ман саро ало наҳжиҳи ило йавмиддийн.

Ҳар йили мусулмонлар устида бўлиб ўтадиган энг улуғ иймон мавсумларидан бири — Зул-Ҳижжанинг ўн кунидир. Бу шундай кунларки, Аллоҳ уларни Ўз Китобида улуғлаган. Улар билан қасам ичган. Ва уларнинг қадрини бошқа барча кунлардан юқори кўтарган. Ҳатто Расул ﷺ солиҳ амаллар қилинадиган энг афзал кунлар эканига гувоҳлик берганлар.

Ушбу муборак кунлар шунчаки хос ибодатлар мавсуми бўлиб қолмай, балки Ислом тарихининг оқимини ўзгартирган буюк ҳодисалар билан ҳам боғлиқдир. Уларнинг энг улуғи — биринчи ва иккинчи Ақаба байъатлари. Айнан ушбу байъатлар Мадинаи Мунавварада Ислом давлатининг ҳақиқий пойдевори бўлган.

Зул-Ҳижжанинг ўн куни билан Ақаба байъати ўртасидаги алоқа ҳақида фикр юритиш мусулмонлар учун катта бир эшикни очади. Бу эшик орқали нусрат бериш маъносини, Ислом учун фаолият юритишни, умматни барпо этишни ва Расулуллоҳ ﷺ Исломий жамият ҳамда Давлатни барпо қилиш сари юрган йўлни англаш мумкин.

Муборак Қуръонда Зул-Ҳижжанинг ўн кунининг фазилати

Аллоҳ таоло Ўз Китобида ушбу кунлар билан қасам ичган:

(وَالْفَجْرِ * وَلَيَالٍ عَشْرٍ)

«Тонга қасам... Ва Зул-Ҳижжа ойидаги аввалги ўн кечага қасам»²⁶.

Муфассирларнинг жумҳури «ўн кеча»дан мурод Зул-Ҳижжанинг ўн куни эканини айтган. Улар жумласидан: Абдуллоҳ ибн Аббос, Ибн Касир, Табарий ва Қуртубийлардир.

Ибн Касир айтади: «Бундан мурод Зул-Ҳижжанинг ўн кунидир... Агар Аллоҳ субҳанаҳу бирор нарса билан қасам ичса, бу ўша нарсанинг иши улуғ ва қадри юксак эканига далолат қилади. Агар ушбу қасам дунёнинг энг улуғ кунлари билан бўлса, аҳвол қандай бўлади?!»

Ва Аллоҳ таоло айтган:

(وَيَذْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ فِي أَيَّامٍ مَّعْلُومَاتٍ)

«Ва маълум кунларда Аллоҳнинг исмини зикр қилсинлар»²⁷.

Абдуллоҳ ибн Аббос айтган: «Маълум кунлар — бу ўн кундир».

Табарий тафсирида келтирилишича, набавий суннатда Зул-Ҳижжанинг ўн кунининг фазилати Набий ﷺ дан собит бўлган. У зот айтганлар:

«Аллоҳ учун ушбу кунларда қилинадиган солиҳ амалдан кўра севимлироқ бирор кундаги амал йўқдир» (Бухорий ривояти).

Бошқа бир ривоятда эса:

«Аллоҳ ҳузурида ушбу ўн кундан кўра улуғроқ ва уларда қилинадиган амал У Зот

²⁶ (Фажр сураси, 1–2-оятлар)

²⁷ (Ҳаж сураси, 28-оят)

учун севимлироқ бўлган бирор кун йўқдир»
(Аҳмад ривояти).

Ушбу кунларда ҳаж, такбир, зикр, рўза ва қурбонликлар каби ибодатлар жам бўлади.

Ибн Ҳажар ал-Асқалоний айтган: *«Зул-Ҳижжанинг ўн кунининг алоҳида ажралиб туриш сабаби — унда ибодатларнинг оналари, яъни асослари жамланганидир».*

Ақаба байъати... Тарихни ўзгартирган лаҳза

Ҳаж мавсумида, Зул-Ҳижжанинг кечаларида Ислом даъвати тарихидаги энг улуғ бурилиш нуқтаси юз берди.

Биринчи Ақаба байъати

Пайғамбарликнинг ўн иккинчи йилида Авс ва Ҳазраж қабиласидан ўн икки киши келиб, Набий ﷺ га Ислом, итоат ва маъсиятларни тарк этиш устида байъат бердилар.

Ушбу байъат иймон байъати ва Ясрибда Ислом ёйилишининг бошланиши эди. Набий ﷺ улар билан бирга инсонларга Исломни ўргатиш учун Мусъаб ибн Умайрни юбордилар. Натижада Ислом Мадинанинг ҳар бир хонадонига кириб борди.

Иккинчи Ақаба байъати

Келаси йили, ҳам худди шу тарзда Ҳаж мавсумида улуғ байъат юз берди. Унда етмиш уч эркак ва икки аёл ҳозир бўлиб, ﷺ га байъат бердилар. Улар қуйидагилар устида байъат бердилар: нусрат бериш, ҳимоя қилиш, қулоқ солиш ва итоат этиш, шунингдек, у зотни худди ўз аҳллари ҳимоя қилгандек ҳимоя қилиш.

Мана шу ерда Ислом заифлик босқичидан давлатни барпо этиш босқичига қараб бурилди.

Набий ﷺ уларга: **«Сизлардан ўз аёлларингиз ва фарзандларингизни нимадан ҳимоя қилсангиз, мени ҳам ўшандан ҳимоя қилишингиз устида байъат оламан»**, дедилар.

Албатта, ушбу байъат шунчаки ўткинчи бир учрашув эмас эди. Балки у бундан ҳам улуғроқ маъно касб этарди. У Ислом давлатини барпо этиш учун таъсис ҳужжати, нусрат аҳдномаси ва сиёсий уммат туғилганининг эълони эди.

Мана шу ердан ҳижрат бошланди. Сўнгра Мадинаи Мунавварада Ислом давлати қоим бўлди.

Нима учун Ансорлар улуғ эдилар?

Чунки улар фақат қалбидаги иймон билан кифояланиб қолмадилар. Балки динга нусрат бердилар, унинг масъулиятларини елкаларига олдилар, бутун арабларга қарши турдилар ҳамда даъват учун ҳимоя ва ҳокимиятни тақдим этдилар.

Бас, Аллоҳ таоло уларни Ўз сўзида мақтади:

(وَالَّذِينَ تَبَوَّؤُوا الدَّارَ وَالْإِيمَانَ مِنْ قَبْلِهِمْ يُحِبُّونَ مَنْ هَاجَرَ إِلَيْهِمْ)

«Муҳожирлардан илгари Мадинадек диёрни жой қилиб, иймонни қалбларига жойлаган ансорлар, ўзларига ҳижрат қилиб келган кишиларни севурлар»²⁸.

Ансорлар Ислом шунчаки шахсий ибодатлар эмас, балки у рисолат, бошқарув, жамият ва давлат эканини чуқур англаган эдилар.

Замон шарафи билан амал шарафининг жам бўлиши

Мусулмонни тўхтатиб, фикрлашга ундайдиган энг улуғ маънолардан бири — Ақаба байъати Аллоҳ улуғлаган бир

²⁸ (Ҳашр сураси, 9-оят)

мавсумда, яъни дунёнинг энг афзал кунларида юз берганидир.

Бас, замон шарафи, нусрат бериш шарафи, саҳобалик шарафи ва динни қоим қилиш шарафи ўзаро жам бўлди. Натижада тарих кўрган энг улуг давлатнинг қоим бўлиши вужудга келди.

Шу сабабли, Зул-Ҳижжанинг ўн куни шунчаки зикр ва рўза кунларигина эмас. Балки у ҳаёт воқелигида Исломи қоим қилиш, жамойи фаолият юритиш, даъватни кўтариб чиқиш, нусрат бериш ва қурбонлик маъноларининг амалий эслатмасидир.

Бугунги кунда мусулмонлар ушбу маъноларни ўз онгларига қайтаришларига нақадар муҳтождирлар!

Зеро, Илом уммати бугун бўлиниш, истибдод, сиёсий ва иқтисодий гегемонлик, Ғарбга қарамлик, муқаддасотларнинг зое бўлиши ва мусулмонлар бирлигининг нимталаниши ичида яшамоқда.

Мусулмонларнинг бугунги аҳволи уларнинг ҳижратдан олдинги Маккадаги аҳволларига нақадар ўхшайди: заифлик, қувғинлик, кофир кучларнинг ҳукмронлиги ва жамловчи исломий ҳокимиятнинг йўқлиги.

Бироқ Набавий сийрат мусулмонларга шуни ўргатадики, ўзгартириш тартибсизлик билан ёки ҳиссиётларга берилган реакциялар билан бўлмайди.

Балки у фақатгина онг, даъват, сабр ҳамда умматни фикрий ва сиёсий жиҳатдан шакллантириш билан бўлади. Сўнгра эса Расулуллоҳ ﷺ Аллоҳ у зотга ансорларни тайёрлаб бергунига қадар қилганларидек, қувват ва ҳимоя аҳлидан нусрат талаб қилиш керак.

Қувват ва ҳимоя аҳлининг вожиб бурчи

Ансорлар нусрат аҳли учун олий намуна бўлдилар. Шу сабабли, уммат бугун ҳақ ва адолатни барпо қилишда ҳамда умматдан зулмни кўтаришда ёрдамчи бўлишлари учун холис инсонларга, содиқ уламоларга, таъсир эгаларига қувват ва ҳимоя аҳлига муҳтождир.

Аллоҳ таоло айтган:

(وَلَيَنْصُرَنَّ اللَّهُ مَن يَنْصُرُهُ ۖ إِنَّ اللَّهَ لَقَوِيٌّ عَزِيزٌ)

«Албатта, Аллоҳ Динига ёрдам берганларни ғолиб қилур. Шубҳасиз, Аллоҳ Кучли ва Азиздир»²⁹.

Зеро, нусрат шунчаки сўзлар эмас. Балки у позиция, қурбонлик ва масъулиятни ўз зиммасига олишдир.

Набий ﷺнинг мусулмонларга берган башоратлари

Набий ﷺдан собит бўлганки, у зот айтдилар: «...Сўнгра Пайғамбарлик йўли асосига қурилган Халифалик бўлади» (Муснад Аҳмад ривояти).

Ушбу башорат умматнинг қалбида умид уйғотади. Балолар қанчалик кучаймасин, зулм шиддати қанчалик кучли бўлмасин, келажак ушбу динникидир.

Лекин ваъданинг рўёбга чиқиши истиқоматга — ҳақ устида тебранмасдан туришга, фаолият юритишга ҳамда ўзгартиришда Набий ﷺнинг тўғри йўллари асосида юришга боғлиқдир.

Хотима

Зул-Ҳижжанинг ўн куни мусулмонлар хотирасида шунчаки ўткинчи кунлар эмас. Балки у итоат фазилатини, нусрат улуғлигини, қурбонлик маъносини ва илк Илом давлати

²⁹ (Ҳаж сураси, 40-оят)

қандай барпо этилганини эслатувчи буюк иймоний ва тарихий мактабдир.

Зеро, ушбу муборак кунларда ансорлар байъат бердилар, даъватга нусрат берилди, давлатни барпо этиш сафари бошланди ва тарихнинг қиёфаси ўзгарди.

Бугунги кунда мусулмонлар Ақаба руҳини — нусрат бериш руҳини, Ислом учун фаолият юритиш руҳини, бирлик руҳини ва масъулиятни ўз елкасига олиш руҳини — онгларида қайта уйғотишга нақадар муҳтождирлар. Токи умматга ўзининг азизлиги қайтсин ва Ислом Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ирода қилганидек ҳаётнинг етакчисига айлансин.

Уммат ва бутун инсоният азият чекаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ақидавий

муаммоларнинг шаръий ечими — мусулмонларнинг Аллоҳ шариатини тўлиқ ҳакам қилишга қайтишларидир. Шунингдек, динни қоим қиладиган ва Ислом рисолатини бутун дунёга адолат, раҳмат ва ҳидоят билан кўтариб чиқадиган мусулмонларни жамлайдиган ягона вужудни барпо этиш учун фаолият юритишларидир.

(هَذَا بَلَاغٌ لِلنَّاسِ وَلِيُنذَرُوا بِهِ وَلِيَعْلَمُوا أَنَّمَا هُوَ إِلَهُ وَاحِدٌ وَلِيُنْذَرُوا أُولُو الْأَلْبَابِ)

«Бу Қуръон инсонлар учун тўлиқ бир етарли бир хабардир. У билан улар огоҳлантирилсинлар. Аллоҳнинг Ўзигина — ягона Илоҳ эканини билсинлар. Ва ақл эгалари шу эслатмадан панд-ибрат олсинлар»³⁰.

³⁰ (Иброҳим сураси, 52-оят)

Исломий ҳаётни қайта бошлаш йўлидаги исломий уйғониш фаолияти биргина шахснинг иши эмас. У биргина авлоднинг вазифаси ҳам эмас. Зеро, бу — бир авлод кўлида кўтариладиган ва кейинги авлодга омонатдорлик билан топшириладиган бир омонатдир. Ва у Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг нусрат, иқтидор ва халифа қилиш ҳақидаги ваъдаси рўёбга чиққунга қадар давом этади. Биз даъват юкини кўтарувчилар сифатида ҳар куни тонг оттирганда Роббимизнинг розилигини излаймиз. Аллоҳ бизни шарафлантирган ушбу улуғ ва шарафли вазифада ўз ролимизни адо этишга интилишимиз лозим. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтган:

(وَالَّذِينَ جَاهَدُوا فِينَا لَنَهْدِيَنَّهُمْ سُبُلَنَا وَإِنَّ اللَّهَ لَمَعَ الْمُحْسِنِينَ)

«Бизнинг йўлимизда жиҳод қилган, қурашган бандаларимизни, албатта, энг тўғри йўлга бошлаймиз, ҳидоят қиламиз. Ва шубҳасиз, Аллоҳ муҳсинлар — яхшиликни энг гўзал шаклда, чиройли адо этган зотлар — билан биргадир.»³¹

Ушбу оят фақат бир муддат ҳаракат қилиб, сўнгра ортга чекинадиган кимсаларга эмас. Балки муддат қанчалик узоқ бўлмасин, машаққатлар қанчалик оғир бўлмасин, Аллоҳ йўлида жиҳодни ва собитликни давом эттирадиган кимсаларга қаратилгандир.

Тўғри йўлга бошлаш ҳақидаги Илоҳий ваъда саъй-ҳаракатни шунчаки бошлаш билан эмас, балки уни изчил давом эттириш шарти билан боғланган. Бу ҳақиқат ушбу рисолатдан ажралмасдир. Ва у ҳар бир даъват юкини кўтарувчи бошиданоқ теран англаши лозим бўлган Аллоҳнинг қонуниятлари — суннатларидан биридир.

Даъват юкини кўтарувчи шуни англаши керак: биз ушбу фаолиятга ўз ҳаётимиз даврида унинг натижасини узил-кесил кўрамиз деган ишонч билан кирганимиз йўқ.

Балки биз унга уч нарса учун кирдик: биринчидан, асримизнинг вожиби; иккинчидан, умматнинг муҳтожлиги; учинчидан эса, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло инсонлар ичидан озчиликка ушбу омонатни кўтариб чиқиш учун қараш тиниқлиги ва ният холислигини икром қилгани учун.

Нусрат, иқтидор ва халифа қилиш иши эса фақат У Зотнинг кўлидадир.

Ҳаёт — жиҳод майдонидир. Ўлимдан кейин эса ёмонликлардан халос ва роҳат бордир.

Набий ﷺ айтганлар:

«Аллоҳим, мен учун ишимнинг ҳимояси бўлган динимни ислоҳ қилгин. Мен учун ичида тирикчилигим бўлган дунёимни ислоҳ қилгин. Мен учун қайтиб борадиган жойим бўлган охиратимни ислоҳ қилгин. Ҳаётни мен учун барча яхшиликларнинг зиёдаси қилгин. Ўлимни эса мен учун барча ёмонликлардан халос — қутулиш — қилгин» (Муслим ривояти).

Набий ﷺ ва у Зотнинг саҳобалари розияллоҳу анҳум йигирма йилдан ортиқ вақт давомида тинимсиз фаолият юритдилар.

Маккада ўн уч йил давомида озорларга сабр қилдилар. Сўнгра Мадинага ҳижрат қилиб, Илом давлатини барпо этдилар. Аллоҳ ҳижратнинг саккизинчи йили Рамазон ойида уларга Макка фатҳини инъом этгунга қадар

³¹ (Анкабут сураси, 69-оят)

Курайшга қарши Бадр, Уҳуд ва Аҳзоб —
Хандақ — жангларида курашдилар.

Шунингдек, улуғ саҳобаларнинг
фарзандлари ва Набий ﷺнинг авлодлари
тоғутлар қаршисида тик турдилар.

Ушбу йўлдан юрганлардан баъзилари —
Амморнинг ота-онаси Ёсир ва Сумайя каби —
нусрат келишидан олдин шаҳид бўлдилар.
Улар ўз ҳаётларини фидо қилган ўша мевани
кўрмадилар. Шундай бўлса-да, Аммор
розияллоҳу анҳу ёши кексайгунга қадар зулм
қаршисида собит қолди.

Уларнинг то вафот этгунга қадар собит
туришлари асло муваффақиятсизлик эмас эди.
Балки улар учун абадий шараф эди. Авлодлар
ушбу йўл асосида бир-бирларига эргашиб
келдилар.

Тарих воқеликлари ҳам ушбу қонуниятни
ҳеч қандай истисносиз тасдиқлайди.

Салоҳиддин Айюбий раҳимаҳуллоҳ Шом
ва Мисрнинг тарқоқ ҳукмдорларини
бирлаштириш йўлида йигирма йилдан ортиқ
вақт сарфлади. Токи мужоҳидлар охир-оқибат
хижрий 583 йилда — салибчилар Қуддусни
босиб олганларидан саксон саккиз йил ўтгач
— уни озод қилишга қодир бўлдилар.

Улуғ саҳобий Абу Айюб ал-Ансорий
розияллоҳу анҳу хижрий 49 йилда
Кустантиния — Константинополь —
деворлари ёнида шаҳид бўлди.

Унинг қабри Султон Муҳаммад Фотих
Набий ﷺнинг башоратларини рўёбга чиқариб,
1453 йилда ушбу шаҳарни Ислом учун фатҳ
қилгунига қадар ўша ерда қолди.

Ўша узоқ тайёргарлик йиллари давомида
яшаб ва вафот этиб кетганлар асло
муваффақиятсизликка учраган эмасдилар.
Балки улар озодлик барпо этилган асос-
пойдевор эдилар.

Ушбу мисолларнинг ҳар бири айти бир
маънони англатади: зоҳиран турғунлик

йиллари асло зое кетган вақт эмас. Балки у
фаолият шаклланадиган хом ашёдир.

Нусрат эса йўлнинг моҳияти эмас, балки
унинг хотимасидир. Даъват кўтарувчи нусрат
фақат Аллоҳнинг ҳузуридан эканини доимо
ёдда тутиши лозим.

Ҳизб ут-Таҳрирнинг ўзи ушбу ҳақиқатнинг
тирик тимсолидир.

Шайх Тақиюддин Набаҳоний
раҳимаҳуллоҳ Ҳизбни 1953 йилда ташкил
этди. Қамок ва сургунларга қарамай, 1977
йилда Аллоҳ таолонинг раҳматига риҳлат
этгунига қадар тинимсиз фаолият юритди.

Сўнгра байроқни Шайх Абдулқадим
Залум раҳимаҳуллоҳ кўтариб чиқди ва 2003
йилгача етакчилик қилди.

Бугунги кунда эса Шайх Ато ибн Халил
Абу Рошта — Аллоҳ уни ўз паноҳида асрасин
— раҳбарлик босқичларининг учтасига ҳамда
ўнлаб йиллар давомидаги сабрли даъватга ўзи
гувоҳ бўлганидан кейин етакчиликни давом
эттирмоқда.

Етмиш йил давомида фаолият Марказий
Осиё, Араб ярим ороли, Ҳинд ярим ороли,
Африко, Европа ва Америкага қараб ёйилди.

Бу — мусулмон ҳукмдорларнинг аслида
чириган тахтларини силкитадиган ҳамда янги
капиталистик жаҳон тизимига қарши содиқ ва
мустаҳкам муқобил тақдим этадиган изчил ва
узлуксиз кенгайишдир.

Бунинг тасдиғи сифатида, Вашингтондаги
Яқин Шарқ тадқиқот маркази томонидан 2025
йил сентябрь ойида чоп этилган чораклик
ҳисоботнинг сарлавҳаси: «Ҳизб ут-Таҳрир:
Сиёсий ақида, глобал ёйилиш ва халқаро
тизимга таҳдид» деб номланган.

Бу — Ғарбнинг даъват қудратидан ва унинг
кўтарувчиларидан қанчалик кўрқшини
тасдиқловчи қўплаб тадқиқотлар ва нашрлар
ичидаги бир далилдир.

Агар коммунизм ва «Ҳиндутва» ҳаракатлари каби ботил кучлар ҳокимият бўғинларига етиб бориш учун бутун бир аср давомида фаолият юритган эканлар, бизлар — Оламларнинг Роббиси томонидан юборилган энг ҳақ тизимни кўтариб юрганлар — қандай қилиб ушбу шарафли вазифадан ортга чекинишга йўл қўйишимиз мумкин?!

Ушбу фаолиятнинг ўн йиллари давомида баъзи даъват юқини кўтарувчиларнинг йўлни машаққатли деб билишлари табиий ҳолдир.

Зеро, қўрқув, чарчоқ, оилавий босимлар, иқтисодий танглик ҳамда ҳеч қандай зоҳирий нажот кўринмасдан тўқнашувнинг узоқ давом этиши қаршисидаги довдирашлар — буларнинг барчаси ҳар бир авлоддаги содиқ кимсаларнинг қатъиятини синовдан ўтказгандир. Ва бу янгилик эмас.

Зеро, Куръоннинг ўзи баъзи саҳобалардан содир бўлган иккиланиш лаҳзаларини қайд этган. Сўнгра Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло уларга маломат билан эмас, балки эслатма, собитлик ва даъватни қайта янгилаш билан келди.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтган:

(يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اصْبِرُوا وَصَابِرُوا وَرَابِطُوا وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ)

«Эй имон келтирганлар! Сабр қилинглар. Сабрда душмандан устун келинглар. Собит турунглар, бир-бирингизга боғланинглар. Аллоҳдан қўрқинглар, шоядки нажот топсангизлар.»³²

Талаб жиҳатидан юқорилаб боровчи учта буйруқ:

Сабр қилинглар: яъни, ўз масъулиятларингизни сабр билан елкага олинг.

Сабрда бардавом бўлинглар: яъни, сабрда душманингиздан устун келинг.

Собит турунглар: яъни, сизга топширилган мавқени лозим тутиб, тебранмасдан собит турунг.

Булар учта алоҳида амал эмас. Балки шиддатли вақтларда Унинг даъватини кўтариб юрган кимсалардан Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло талаб қиладиган ягона амал — собитликнинг уч ўлчовидир.

Кунма-кун, йилма-йил ва ўн йиллаб собит турган кимсалар, билинги: энг улуг ажр-мукофот ўз Роббисига рўбўрў бўлгунга қадар давом этган кимса учундир.

Зеро, жаннат шунчаки уни орзу қилган кимса учун эмас. Балки охирги нафасигача холислик ва собитлик билан у учун амал қилган кимса учундир.

Пайғамбарлик йўли асосига қурилган Рошид халифалик асло узоқдаги хомхаёл эмас. Балки у Набий ﷺнинг башоратларидир. Иқтидор ва халифа қилиш эса Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ваъдасидир.

Ер юзининг ҳар бир нуқтасида ушбу даъват кўтарувчиларидан бири томонидан амалга оширилаётган ҳар бир илм ҳалқаси, ҳар бир юриш ва ҳар бир сабрли қадам — Аллоҳ Ўзи мукамал қиладиган бинодаги бир ғиштдир.

Биз йўлимизда давом этмоқдамиз. Оятлар очиқ-ойдин, ваъда ҳақдир. Бу Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг изни билан фақат вақт масаласидир, холос.

³² Оли Имрон сураси, 200-оят

ПЕШВО УММАТ ВА ҚАРАМ ХУКМДОРЛАР

Бугунги кунда халқаро тизим емирилмоқда. Бу жараён ҳар доим ҳам шовкин-суронли тарзда кечмаяпти. У кўплаб соҳаларда тўпланиб қолган дарзлар, Америка гегемонлигининг босқичма-босқич заифлашиши ҳамда қайта шаклланаётган дунёда ўз ўрнини излаётган давлатлар ва кучлар ўртасидаги шиддатли рақобат қиёфасида намоён бўлмоқда.

Бундай лаҳзаларда умматлар ўзлари эга бўлган орзу-истаклар билан эмас, балки сиёсий иродаси ва тарихий имкониятлар саҳифаси ёпилмасдан олдин уларни қўлга кирита олиш қобилияти билан ўлчанади.

Бироқ, исломий дунёдаги фожиа куч-қудрат унсурларининг йўқлигида эмас. Балки ушбу куч-қудратни кўрмайдиган, агар кўрса ҳам уни қўллашга журъат қилолмайдиган ҳукмдорларнинг мавжудлигидадир.

Мана, Покистон. У ўзининг инсоний, ҳарбий салоҳияти ва стратегик мавқеига қарамай, Умнат ва унинг манфаатлари томонида туриб, етакчилик ролини бошлаш ўрнига, ҳануз Америка манфаатлари ритми билан ишлайдиган воситачилик гирдобига тортилмоқда.

Миср эса ўзининг тарихий, сиёсий ва жўғрофий вазнига қарамай, бурилиш лаҳзасини кўра олмаяпти. Қарам кимса келажак барпо эта олмаслигини, балки фақат ўз хўжайинининг қулашини кечиктиришини англаб етиш ўрнига, у ҳануз туб масканларда Америка таъсирининг дарз кетган жойларини ямашга интилмоқда.

Албатта, Ислом дунёсининг кутбларида жўғрофия ҳам, бойликлар ҳам, халқлар ҳам, армиялар ҳам кам эмас. Бироқ уларда бир нарса етишмаяпти: ўз-ўзига тўғри баҳо берадиган, Умнатнинг тарихдаги бир хом ашё эмас, балки тарих ясовчи бўлишга ҳақли эканига ишонадиган етакчилик.

Ҳукмдорларга келсак, қарамлик уларнинг нафсини шу қадар кичрайтириб юбордики, улар ўзларини фақат хизматкор, ўз юртларини эса хизмат кўрсатиш майдони, Умнатни жиловлаш шарт бўлган омма деб биладиган бўлиб қолди.

Шунга қарамай, имконият бой берилгани йўқ. Балки Умнат бугун ўз тарихидаги энг буюк озодлик лаҳзаларидан бирининг оstonасида турибди. Дунё қайта шаклланаяпти, Америка гегемонлиги емириляпти, сиёсий бўшлиқ кенгаймоқда.

Ислом Умматининг ўзини қулаётган арава томон судраётган ҳукмдорларнинг иродасига боғланиб қолиши эса катта шармандалиқдир.

Дард — ҳукмдорларда, даво эса — Умнатнинг онгида. Яъни, хиёнат мавқеини фош қиладиган, куч-қудрат манбаини англаб етадиган ва қарамлик мақомига рози бўлиш мумкин эмаслигини тушунадиган онг керак.

ЯХУД ЯДРОСИ - АМЕРИКА ХАВОТИРИМИ?

Яхудий вужудининг ядровий дастури ҳақида хавотир тобора ортиб бормоқда. Асосий савол: оммавий қирғин қуроллари билан ҳужумга учрамасдан туриб, уни ядровий қуролдан фойдаланишга нима мажбур қилиши мумкин?

Илк бор Вакиллар палатасидаги демократлар Президент Дональд Трамп маъмуриятини яхудий вужудининг эълон қилинмаган ядровий дастурини очик тан олишга ундамоқда. Бу қадам Американинг ўнлаб йиллар давомидаги сиёсатидан воз кечишни англатади. Шунингдек, Демократик партия билан яхудий вужуди ўртасидаги муносабатларга янги кескинлик олиб киради.

Ташқи ишлар вазири Марко Рубиога мактуб йўлланди. «Вашингтон Пост» газетаси қўлга киритган ушбу мактубда конгрессмен Хоакин Кастро (Техас) бошчилигидаги йигирмадан ортиқ қонунчи фикр билдирган. Уларнинг таъкидлашича, Техрондаги уруш ва ҳарбий кескинлашув таҳдиди соясида Вашингтоннинг мазкур дастурга нисбатан сукути «оклаб бўлмайдиган» ҳолатдир.

Қонунчилар шундай ёзган: *«Бундай муҳитда нотўғри ҳисоб-китоб, кескинликнинг ортиши ва ядровий қуролдан фойдаланиш хавфи — шунчаки назарий эмас. Яқин Шарқдаги ядровий мувозанатни, низодаги ҳар қандай томон томонидан кескинликнинг ортиши хавфини ва маъмуриятнинг бундай сценарийлар учун режалари ҳамда эҳтиёт чораларини тўлиқ билиш Конгресснинг конституциявий бурчидир».*

Яхудий вужуди 1950-йиллар охиридан буён махфий равишда барпо этилган ядровий дастурини тан олмайди. Шунингдек, ушбу қуроллاردан қандай фойдаланиш ҳақида ҳеч қандай расмий доктрина мавжуд эмас. Мазкур мактуб Демократик партиянинг яхудий вужудига нисбатан ёндашувидаги ўзгаришнинг сўнгги кўрсаткичидир. Бу ўзгариш икки омил фонида юз бермоқда: биринчидан, яхудий вужудининг Ғазо, Ғарбий Соҳил ва Ливанда тинч аҳолини қатл қилаётганидан норозилик ортиб бормоқда; иккинчидан, у Вашингтонда Эронга қарши урушни қўллаб-қувватлаш учун тинимсиз саъй-ҳаракат қилмоқда.

Барак Обама маъмуриятининг собиқ масъули Жереми Шапиронинг фикрича, демократларнинг шаффофликка интилиши партиянинг яхудий вужудига нисбатан позициясини янада чуқурроқ қайта кўриб чиқишни англатади. Трамп маъмуриятидаги баъзи мулозимлар ҳам ядровий кескинлашувдан хавотирда. Улар разведка масалалари сабаб исмларини ошкор этмаган ҳолда гапириб, яхудий вужудининг «қизил чизиклари» етарли тушунилмаган бўлиши мумкинлигига ишора қилди.

Америка маъмуриятидаги бир мулозим шундай деди: *«Яхудий вужудининг ядровий дастури ва оммавий қирғин қуроллари билан ҳужумга учрамасдан туриб, уни ядровий қуролдан фойдаланишга нима мажбур қилиши мумкинлиги борасида хавотир ортиб бормоқда».* Мулозимнинг қўшимча қилишича, яхудий вужудининг катта миқдордаги тинч аҳоли қурбонларига дуч келган тақдирда ядровий жавоб қайтариш масаласи «тез-тез» муҳокама қилинмоқда.

Онг (ал-Ваъй): Аллоҳ таоло айтади: *«Йўқ, ундай эмас! Биз уларга ҳам, ота-боболарига ҳам шунчалик неъмат ва кенглик бердикки, умрлари улғайиб, кексайгунларича зафлатда қолдилар. Ахир улар Биз ернинг турли томонларидан аста-аста тортиб, уларнинг ерларини қисқартириб, мулкларини камайтириб бораётганимизни кўрмаётдиларми?! Шундай бўлса, улар голиб эканликларини даъво қила оладиларми?!»*³³

³³ Анбиё сураси, 44-оятининг маъноси